



Center for Economic Research


Ишчи маъруза 2005/01



# ЎЗБЕКИСТОНДА МИКРОМОЛИЯЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Тошкент 2006

Ю 32320  
2



Ушбу маърузада ифодаланган нуқтай-назар, илмий туруқга тегишли бўлиб, Иқтисодий Тадқиқотлар Марказининг нуқтай назари билан мос келмаслиги мумкин.

© Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2005.

Барча ҳуқуқлар Иқтисодий тадқиқотлар марказига тегишли. Маърузани ҳар қандай ҳолда қайта босиш ёки мазкур нашрдан кўчирмалардан фойдаланиш фақат ёзма равишда розилик олингандан кейин амалга оширилиши мумкин бўлиб, манбани кўрсатиш мажбурийдир. Қайта босиш, таржима ва харид қилиш бўйича барча саволлар билан қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент 700070, Усмон Носир кўчаси, 1-тор кўча, 5-уй, Иқтисодий тадқиқотлар маркази.

---

## Ишчи гуруҳ таркиби:

<b>Тадқиқот гуруҳининг раҳбари</b>	Ш. Ҳакимов
<b>Миллий экспертлар:</b>	К.Толибов М.Мирзаев Р. Абдукаримов Э.Муҳиддинов А.Навотний Н.Обломуродов Р.Сулаймонов Б.Нуриддинов А. Абдуҳамидов
<b>Мувофиқлаштирувчи:</b>	Ж.Фаттоҳова

## Ташаккурнома

Биз, маъруза муаллифлари “Таҳлил” Ижтимоий тадқиқотлар маркази ҳодимларига кенг қўламли социологик текширув ўтказганликлари учун ташаккур билдирамыз. БМТ ТДнинг “Sustainable Income Generation” дастуридан У. Раҳимжоновга, мамлакатнинг етакчи микромолиявий ташкилотлари – “Барокот” (О. Каримов) ва “Сабр” (М. Ширинова) раҳбарларига, Марказий Осиё микромолия альянсидаги (SAMFA) ҳамкасбларимизга қимматли шарҳлари ва маърузанинг таҳлил қисмини ёзиш вақтида берган амалий ёрдамлари учун алоҳида миннатдорчилик билдирамыз. Шунингдек биз халқаро молия институтларининг вакиллари – Э. Труштиндан (Жаҳон банки), У. Умаровдан (Халқаро молия корпорацияси) ва А. Орифхоновдан берган ёрдамлари ва маърузанинг айрим масалалари бўйича қимматли шарҳлари, шунингдек ИТМ Муаммолар кенгаши аъзоларидан ушбу маърузани ёзиш вақтида билдирган жуда фойдали фикр-мулоҳазалари учун миннатдормыз.

## Маърузанинг қисқача мазмуни

Маърузада Ўзбекистондаги микромолиялаш жараёнининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинади ва уни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича чора-тадбирлар таклиф қилинади. Шу билан бирга унда нодавлат ношаролат микромолиявий ташкилотларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистонда микромолиялаш жараёнини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари келг ёритилди. Микромолиявий ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш жараёнининг аниқ бўлиши, улар фаолиятини солиққа тортиш тартиби, қарз капиталнинг тапқи манбаларидан фойдаланиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Асарда микромолиявий хизматларга бўлган талабни ўрганиш масалалари алоҳида ўрин эгаллайди: яқин йиллар ичида микромолиялаш жараёнини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўладиган умумий руҳдаги асосий тамойиллар кўрсатилди; микромолиявий ташкилотларнинг миқдор базасини ташкил этадиган гуруҳлар таърифлаб берилди; микромолиявий хизматларга бўлган талаб миқдор жиҳатидан баҳоланди.

Ўзбекистонда микромолиялаш жараёнининг ривожланиши янада рағбатлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар таклиф қилинган бўлиб, улар Вазирлар Маҳкамаси қарорининг лойиҳаси шаклида берилган. Ушбу йўналишларни амалга ошириш, муаллифлар фикрича, республикада микромолиявий фаолиятни кучайтириш билан бирга ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг таъсирчан воситаларидан бири бўлиб қолади.

---

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	7
1 = боб. Микромолиялашнинг роли, аҳамияти ва хусусияти .....	9
2 = боб. Ўзбекистонда микромолиялаш ривожининг таҳлили .....	14
2.1. Нодавлат нотижорат микромолиявий ташкилотларнинг фаолияти.....	18
2.2. Тижорат банкларининг микромолиявий хизматлари .....	23
2.3. Жамгарма кредит уюшмаларининг микромолиявий хизматлари .....	26
2.4. Бюджетдан ташқари фондлар ва халқаро молия институтларининг кредит линиялари .....	29
3 = боб. Микромолиялаш норматив-ҳуқуқий базасининг таҳлили .....	33
4 = боб. Микромолиялашнинг қонун билан расмийлаштиришни талаб қиладиган муаммолари .....	41
4.1. ММТларни тартибга солиш .....	41
4.2 ММТларни солиққа тортиш .....	46
4.3. Қарз капиталнинг ташқи манбаларидан фойдаланиш имконияти .....	47
4.4. Кредитнинг энг кўп суммаси ва фоиз сийсати .....	50
5 = боб. Ўзбекистонда микромолиявий хизматларга бўлган талабни баҳолаш.....	53
Хулоса.....	64
Фойдаланилган адабиёт рўйхати.....	67
1-илова. Социологик тадқиқотнинг қисқача натижалари	
2-илова. Микромолиялашга инновацион ёндашувлар соҳасидаги хорижий тажриба	
3-илова. "Ўзбекистон Республикасида микромолиялашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор лойиҳаси	

---

## Шартли қисқартмалар рўйхати

<b>ВМ</b>	Вазирлар Маҳкамаси
<b>ЯММ</b>	Ялпи миллий маҳсулот
<b>ММИ</b>	Микромолиявий институт
<b>ММТ</b>	Микромолиявий ташкилот
<b>ЖКУ</b>	Жамғарма кредит уюшмаси
<b>ННТ-ММТ</b>	Недавлат нотижорат микромолиявий ташкилот
<b>ОТБ</b>	Осиё тараққиёт банки
<b>ЕТТБ</b>	Европа тикланиш ва тараққиёт банки
<b>САМФА</b>	Марказий Осиё микромолия альянси
<b>МШЕ</b>	Марказий ва Шарқий Европа
<b>ҚТАА</b>	Қорақалпоғистон тадбиркор аёллар ассоциацияси
<b>ҚРБИ</b>	Қорақалпоғистон Республикасининг Бизнес Инкубатори
<b>ХМК</b>	Халқаро молия корпорацияси
<b>БМТ ТД</b>	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиёт дастури
<b>USAID</b>	АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги
<b>АЖ</b>	Акциядорлик жамияти
<b>МЧЖ</b>	Масъулияти чекланган жамият
<b>ФК</b>	Фуқаролик кодекси
<b>КАМИ</b>	Кредит ахбороти миллий институти
<b>БКБ</b>	Банклараро кредит бюроси
<b>МҲТФ</b>	Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди
<b>ИБЁФ</b>	Иш билан бандликка ёрдамлашиш фонди
<b>УК</b>	Устав капитали

## Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида хусусий сектор йилда ривожланишини таъминлаш, мамлакат иқтисодийётида унинг улушини ошириш, шунингдек, кичик бизнесни кенгайтириш иқтисодий илоҳотларни амалга оширишнинг усугвор йўналишлари эканлиги кўрсатиб ўтилди.

2005 йилнинг халқаро Микромолиялаш йили деб эълон қилинганлиги микромолиялашнинг алоҳида мақомини умумдавлат кўламида кучайтиради. Microfinance.uz ахборот сайтининг яратилиши бунинг амалдаги кўринишларидан биридир.

Ўзбекистонда микромолиялаш ҳозирча кенг ривожланган эмас. Микромолиялашнинг<sup>1</sup> мумкин бўлган барча хизматлари орасида микрокредитлар (микроқарзлар) ва микролизинг (жуда оз даражада) устунлик қилмоқда. Айни вақтда шуни эътироф этиш керакки, 70 мингдан ортиқ миқозни қамраб олган микромолиялаш Ўзбекистон аҳолиси катта қисмининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилаш борасидаги энг реал имкониятдир. Микрокредитлаш дастури бўйича ишлаётган тадбиркорлар ўрта ҳисобда 2-3 нафар оила аъзосини ўз бизнесига тортмоқдалар. Бу эса Ўзбекистонда иш билан бандлик соҳасидаги мавжуд муаммолар ва демографик вазиятнинг хусусиятлари нуқтаи назаридан қараганда ғоят муҳимдир. Тадқиқот доирасида ўтказилган социологик сўров микрокредитлар олганидан кейин янги иш жойларини яратаётган тадбиркорларнинг 81%и ММТ ва ЖКУ миқозлари эканлигини кўрсатди.

Микромолиялаш жараёни рағбатлантирилса, иш билан бандлик, камбағаллик ҳамда, айниқса қишлоқ жойларда, тадбиркорлар сафини кенгайтириш муаммоларини ҳал қилишда унинг аҳамияти жуда катта бўлади.

Микромолиялашнинг янада ривожланишини рағбатлантириш чоралари энг аввало норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Гарчи микромолиялашнинг айрим компонентлари Ўзбекистонда 7 йилдан бери мавжуд бўлса-да, бироқ уларнинг ҳуқуқий базаси бир текис ишлаб чиқилмаган: тижорат банклари ва кредит уюшмалари томонидан микрокредитлашга доир ҳужжатларнинг тўла пакеги мавжуд бўлгани ҳолда, ННТ-ММТ томонидан микромолиялашнинг норматив-ҳуқуқий базаси йўқ. Шунингдек, микросугурта, микролизинг ва микрожамғармаларнинг ҳуқуқий асоси ҳам ишлаб чиқилмаган.

Яна бир муҳим муаммо ММТларнинг ҳар хил турлари учун аниқ юридик мақом ва рўйхатга олинган тартиби йўқлигидир. ММТларни солиққа тортиш ва уларнинг қарз капиталнинг ташқи манбаларидан фойдаланиши масалалари ҳам алоҳида эътиборни талаб қилади.

<sup>1</sup> Микромолиялаш таркибига қуйидаги компонентлар киради: микрокредитлаш, микрожамғармалар, микросугурта, микролизинг, консалтинг хизматлари кўрсатиш, шунингдек, пул жўнатиш.

Ҳисобот торитиш, кадрлар масалалари, ахборот компонентлари, молиявий барқарорлик, нақд пул операциялари, янги микромолиявий маҳсулотларни жорий этиш, куч-гайратларни мувофиқлаштириш, микрокредит ресурсларидан аниқ мақсадларда ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ қатор техник муаммолар мавжуд.

**Тадқиқотнинг мақсади** - Ўзбекистонда микромолиялашнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш ҳамда уни янада ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотни амалга ошириш методологияси** – иқтисодий таҳлил усуллари ва социологик сўровлар ўтказиш<sup>2</sup>. Тадқиқотнинг ахборот базаси Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги, ХМК, ОТБ, Жаҳон банки, Марказий Осиё микромолия альянси, тижорат банкларининг оператив маълумотларидан иборат. Хорижий мамлакатлар билан таққослаш учун МШЕ ва МДХ мамлакатлари Микромолия маркази ҳамда Жаҳон банкнинг таҳлилий обзорларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:**

- Ўзбекистонда микромолиялаш жараёнига доир материал мунотазамлаштирилди;
- барча ММИларнинг фаолияти ва муаммоли масалалари таҳлил қилинди;
- турли хил ММТларни (аҳоли депозитларини жалб қиладиган ва жалб қилмайдиган) рўйхатдан ўтказиш тартиби “Ўзбекистон Республикасида микромолиялашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор лойиҳаси тарзида таклиф қилинди;
- “Ўзбекистон Республикасида микромолиялаш тўғрисида”ги Қонуннинг асосий услубий компонентлари келтирилди;
- Ўзбекистонда микромолиявий ресурсларга бўлган талаб баҳоланди.

---

<sup>2</sup> Социологик сўров ўтказишнинг асосий вазифаси тадбиркорликнинг ММТ хизматларига бўлган эҳтиёжи тўғрисида батафсил ахборот олишдан, шунингдек, секторнинг салоҳиятини умумий баҳолашдан, шу жумладан, уни бундан буён ривожлантириш имкониятлари ва бу соҳадаги чекловларини таҳлил қилишдан иборат эди.



## Микромолиялашнинг роли, аҳамияти ва хусусияти

Микромолиялаш – камбағал одамларга<sup>1</sup> микробизнесни ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида молиявий маблағлардан фойдаланиш имконини бериш жараёнидир. БМТнинг Миллийлик декларацияси<sup>4</sup> мақсадларига эришиш нуқтаси назаридан қараганда, у қуйидаги жараёнларнинг ривожланишига ёрдам беради:

- кам таъминланган аҳоли қатламларининг зарур эҳтиёжларини қондириш ва уларни хатарлардан ҳимоялаш;
- тадбиркорликни, шу жумладан, хусусий ва оилавий тадбиркорликни кенгайтириш;
- аёлларнинг иқтисодий фаолиятда қатнашишини кенгайтириш воситасида тендер бўйича тенгликка ёрдам бериш;
- маҳаллий ҳамжамиятларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини инвестициялаш;
- камбағаллик ва тенгсизликни қисқартириш, ижтимоий тараққиётни ва инсон сифатида ривожланишни кучайтириш;<sup>5</sup>
- кам даромадли одамларни реал иқтисодийёт жараёнларига тортиш;
- янги иш жойларини яратиш;
- молия бозорининг янги сегментларини шакллантириш.

Жаҳон банкининг баҳолари микромолиялашнинг ҳозирги молиявий хизматлар бозоридаги ролини тасдиқламоқда: дунё бўйича ривожланаётган мамлакатлардаги 500 млн.дан ортиқ камбағал одамларга хизмат кўрсатадиган 10000 та ММИ мавжуд. Ушбу ташкилотлар айлангириб турган маблағлар 2.5 млрд. доллар миқдорида баҳоланмоқда.

<sup>1</sup> Булар кам даромадли оладиган одамлар (ночор қатламлар) бўлиб, улар иқтисодий жиҳатдан фаол ва тегишли фаолиятда қатнашиши мумкин, лекин молиявий маблағлари йўқлиги туфайли бу фаолиятни амалга ошира олмайдилар.

<sup>4</sup> Гап 1-сонли мақсад ҳақида боради. Бу мақсад “ўта қашшоқлик ва очликни тугатишни” назарда tutади.

<sup>5</sup> Молиявий ресурслардан фойдаланиш кам таъминланган аҳоли қатламларига рентабелли бизнес яратиш имконини беради. Бу бизнес туфайли даромад ўсади, озиқ-овқат масаласида хавфсизлик ва болаларнинг билим олиши таъминланади; иккинчидан, оиланинг таъминот-чиси касал бўлиб қолганида, мол-мулкнинг бир қисми қўлдан кетганида ва бошқа “шоқли” вазиятларда ноцорлик даражаси пасаяди; фуқароларнинг иш билан бандлиги ошади, шунинг ҳисобига ишсизлик камаяди; одамларда яхши келажакка умид пайдо бўлиб, бу умид бизнес ривожланиб борган сари эртанги кунга ишончга айланади; камбағал аҳоли қатламлари қашшоқлар тоифасига ўтишининг ва бундан келиб чиқадиган барча оғир ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий-психологик оқибатларнинг олди олинади; у шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий фарқлар йўқолишига ёрдам беради.

Кам даромадли аҳоли қатламларига молиявий хизматлар кўрсатиш бора-сидаги дастлабки сарф-ҳаракатлар ушбу хизматлардан фойдаланишнинг пировард мақсадлари билан боғланар эди. Утган асрнинг 50-70-йилларида давлат идоралари ва донор ташкилотлар майда ва кам таъминланган фермерларнинг иш ушумини ҳамда даромадлилик даражасини ошириш умидида уларга субсидия тариқасида қишлоқ хўжалик кредитлари бердилар. 80-90-йилларда микрокредитлаш асосан активларга эга бўлиш ва уларни жамғариш, оиланинг даромадини ва турмуш даражасини ошириш учун кам таъминланган тадбиркорларга қарз беришдан иборат эди. Микрокредит олувчиларнинг анчагина қисми аёллар бўлиб, улар учун микрокредитлаш айниқса самарали восита бўлди.

Ривожланаётган мамлакатларда хизматлар ва хизмат кўрсатиш методологияси, шунингдек, ташкилий тузилмаларнинг такомиллашуви кам даромад олувчиларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган, микромолиявий ташкилотлар (ММТ) деб ном олган молиявий ташкилотлар пайдо бўлишига олиб келди. “Микро” дейилишининг сабаби шуки, операциялар ҳажми нисбатан кам эди (кредитлар 50 АҚШ доллари миқдорида ва депозитлар жами 5 АҚШ доллари миқдорида бўлган).

Марказий Осиё мамлакатларига микромолиялаш концепцияси ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида, яъни бошқа минтақалардагига қараганда анча кеч кириб келди. Бошқа ривожланаётган бозорлар каби микромолиялаш хизматлари бозори ҳам жадал ўсиб бормоқда. Унинг кредит портфелининг ҳажми бир йилда 40 %га, миқдорларининг сони эса 20-30 %га ошмоқда. Марказий Осиёда микромолиялаш бозорлари эндигина шакллана бошлади – миқдорларни қамраб олиш даражаси ҳозирча жуда паст ва аҳоли жамғармаларини сафарбар этиш ҳали бошлангани йўқ (турух бўлиб кредитлаш дастурлари доирасидаги мажбурий жамғармаларни ҳисобга олмаганда).

### 1-қўшимча. Микромолиялаш динамикасининг қиёсий кўрсаткичлари

Европа ва Марказий Осиё (2001 йил сентябр)	Марказий Осиё (2002 йил декабр)
<ul style="list-style-type: none"> <li>* жами 800 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар берилди;</li> <li>* микромолиявий хизматлар портфели ҳар йили 54 % кўпайиб бормоқда;</li> <li>* хизматлардан фойдаланувчилар сони бир йилда 30 % кўпаймоқда;</li> <li>* 1,5 млн. қарз олувчи;</li> <li>* 2,4 млн. омоватчи;</li> <li>* депозит омонатларнинг умумий суммаси 674 млн. АҚШ доллари</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>* жами 200 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар берилди;</li> <li>* микромолиявий хизматлар портфели ҳар йили 40 % кўпайиб бормоқда;</li> <li>* хизматлардан фойдаланувчилар сони бир йилда 20-30 % кўпаймоқда;</li> <li>* 200 минг қарз олувчи;</li> <li>* мажбурий суғуртлаш фондларини ҳисобга олмаганда, жамғармалар сафарбар этилмайди.</li> </ul>

Манба: CGAP 2003

Микромолиялаш кичик бизнеснинг барқарор ривожланишига ҳамда яқка тадбиркорликнинг кенгайишига ёрдам беради. Микромолиялашдан фойдаланиш

основлиги туфайли у молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини ошириш йўли билан аҳолини кичик бизнесга тортишни кенгайтиради ва микробизнес ўртача бизнесга айланишига ёрдам беради. Қоида тариқасида, бу ҳол фуқароларнинг турмуш даражаси ўсиши билан, ижтимоий тенгсизликнинг қисқариши, ўз салоҳиятини ишга солишнинг янги имкониятлари, ривожланган мулкдорлар қатламининг вужудга келиши билан бирга юз беради. Бунда ММТларнинг фоят эпчиллиги ва молиявий хизматлар бозоригадаги инновацияларга мойиллиги кўрсатилмаётган хизматлар сифатининг ошишига олиб келади.

Микромолиялаш янги молиявий структура сифатида бугун молия тизимини мустаҳкамлайди ва кенгайтиради, жамғармалар ва кредитлаш бозорининг ривожланишига ва диверсификацияланишига ёрдам беради. Микромолиялаш кейинчалик банклардан кредит олиш учун кредит тарихини шакллантириш механизми ҳам ҳисобланади. ММТларнинг ўзини-ўзи қонлаши ва молиявий барқарор бўлиши муҳимдир, чунки амалда микромолиялаш кўпинча муассисларга даромад келтирадиган ва қарз олувчиларнинг иш билан банд бўлишини таъминлайдиган бизнесдир.

Микромолиялаш иш билан бандликни кенгайтириш ҳамда камбағалликка қарши кураш воситаси сифатида айниқса самаралидир. Молиявий хизматлардан фойдаланиш имконияти одамларнинг тадбиркорлик салоҳиятини юзга чиқариш имкониятларини кучайтиради. Микромолиялашни иқтисодиёт ва бизнеснинг тинчлигини ошириш усули деб ҳам ҳисоблайдилар. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ММТнинг ривожланиши норасмий кредитлаш секторини қисқартиради, молиявий хизматдан фойдаланиш эса кредит олувчининг фаолияти типиклигини оширади.

## **2-қўшимча. Микромолиявий дастурларнинг самарали ишига мисоллар.**

*Камбағаллик ҳусусида.* Индонезияда 80-йилларнинг охирида кредит лойиҳасида қатнашган корхоналар иқтисодий ўсишнинг 1/8 улушига яқинини таъминладилар. Боливияда 90-йилларда микрокорхоналар иқтисодиётнинг энг фаол секторлари эди. Бангладешда Grameen банкнинг микрокредитлаш бўйича дастурлари макроиқтисодий жиҳатдан аҳамиятли деб топилган (қарз олган камбағал оилаларнинг 48 %и камбағалликдан қутулишга муваффақ бўлган). Умуман олганда, Бангладешда Grameen банки мижозларининг 5%и ҳар йили микромолиялаш дастурларида қатнашиб, камбағалликдан қутулмоқда. Шу билан бирга оилалар эришилган натижаларни сақлаб қолиш имконига эга. Ҳиндистонда дастурда қатнашган SHARE ММТ мижозларининг 3/4 қисми иқтисодий турмуш даражаси энча яхшиланишига эришди. Шу билан бирга мижозларнинг ярми камбағалликдан қутулди.

*Таълим даражасини ошириш ҳусусида.* Бангладеш Қишлоқ жойларни ривожлантириш қўмитасининг (BRAC) кичик ссудаларини олган оилаларда 11-14 ёшдаги болалар орасида ўқиш, ёзиш ва арифметика бўйича базавий билимлар даражаси икки баравар (12 %дан 24 %гача) кўтарилди. Гондурасда Save the Children ташкилотининг кичик ссудаларини олган мижозлар даромадларини кўпайтирди, бу эса уларга болаларини мактабда ўқитиш имконияти берди.

*Соғлиқни сақлаш ҳусусида.* Угандада Кредит ва ижтимоий ёрдам фондининг микромолиялаш дастури доирасида мижозларнинг 95%и ўз болалари учун соғлиқни сақлаш ва овқатланиш даражаси яхши бўлишини таъминлади. Шунингдек, мижозларнинг

32%и ҳеч бўлмаганда ОИТСнинг олдини олиш усулларидан биригасидан фойдаланди (ҳолбуки, миждоз бўлмаган шахсларнинг 18%и фойдаланган). Бангладешда BRAC миждозлари гўйиб овқат емасликдан қолган аҳолига нисбатан камроқ жафо чекмоқда ва дастурга аъзолик муддати ошиб борган сари тўйиб овқат емаслик кўрсаткичлари камаймоқда.

*Гендер бўйича тенглик хусусида.* Непалда Women's Empowerment дастурида ишгирик эгувчи аёлларнинг 65%и мулкни тасарруф қилиш, оилани режалаштириш ва ўз қизларига билим бериш, шунингдек, ўз болаларини никоҳдан ўтказиш хусусида қарорлар қабул қилмоқда. Боливия ва Гапада аёлларнинг микромолиялаш дастурларида қатнашиши жамoa ичида уларнинг мақоми ошишига олиб келди. Ганалик иштирокчи аёллар жамoa маросимларини ўтказишда анча фаол рол ўйнамоқдалар, боливиялик иштирокчи аёллар эса маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришда фаол қатнашмоқда.

*Ўзбекистондаги ММТ фаолиятидан мисоллар.* 2000-2001 йилларда кўпгина фермерларда ариқ суви масаласида муаммолар мавжуд эди. Чунки, сувини тақсимлашда ширкат ерларига устунлик берилар эди. Баъзи ММТлар тасослар ўрнатилган учун микро-кредитлар бери бошлади, бу эса сув билан таъминлаш масаласини ҳал қилишга ва фермерларнинг хатарларини камайитиришга имкон берди.

## Микромолиялашнинг хусусияти

### 1-расм. ММТ ва камбағаллик чегараси



Манба: CGAP, 2003

Ўзбекистонда микромолиялаш жараёни унга яқин турувчи категориялар: “кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурлари”, “банклар томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш” ва “ижтимоий нафақалар”га нисбатан алоҳида хусусиятга эгаллигини айғиб ўтиш керак.

Гарчи микромолиялаш тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган бўлса-да, унинг кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурларидан фарқи пундаки, ПНТ-ММТлар имтиёзли фойз ставкалари бўйича кредитлар бермайди. Айни вақтда

ННТ-ММТларнинг банклардан фарқи шундаки, улар оз миқдорда кредит ажратадилар ва қонда гарикасида, гаров таъминотини талаб қилмайдилар.<sup>6</sup>

Микромолиялаш ижтимоий дастур эмас. У энг камбағал, доимий даромад манбаига эга бўлмаган аҳоли қатламларига (масалан, бошпанасизлар ёки қашпоқларга) ижтимоий нафақалар тарзида пул беришни назарда тутмайди. Унинг вазифаси ўз фаолиядан даромад ола биладиганларга оз миқдордаги ташқи молиявий “туртки” ёрдамида ана шундай имкониятни ярагиб беришдан иборат.

Микромолиялаш жараёни операцияларнинг ўзига хослиги билан ҳам фарқлашиб туради: сумманинг (қарз, депозитнинг) озлиги; муайян ижтимоий (аниқ мақсадли) гуруҳларга йўналтирилганлик; буюртмаларни баҳолаш ва маъқуллаш тадбирларининг соддалиги; мижозга максимал даражада яқинлаштирилган ҳудудда хизмат кўрсатилиши; кредит мижозларнинг манфаатларини максимал даражада ҳисобга олган ҳолда тез берилиши ва уни қайтариш стратегияси; ссудани ўз вақтида қайтарганлиги учун мижозлар кейинчалик йирикроқ миқдорда қарз олиш имконияти билан рағбатлантирилиши; мижозларнинг конкрет шароитлари ва талабларига максимал даражада мосланган хизматларнинг ишлаб чиқирилиши.

<sup>6</sup> Одатда расмий молиявий воситачилар, масалан тижорат банклари, майда операцияларнинг таннархи юқорилиги, анъанавий гаровнинг йўқлиги, географик жиҳатдан ажратиб қолганлик, хатар даражаси юқорилиги ва баъзан, ижтимоий хатоликлар туфайли кам таъминланган ояларга хизмат кўрсатмайди.

## Ўзбекистонда микромолиялаш ривожининг таҳлили

### Секторнинг умумий тавсифи

БМТ ТД 1998 йилда Қашқадарё ва Қорақалпоғистонда иккита тажриба лойиҳаси воситасида микрокредитлаш дастурларини амалга ошириш таъаббуси билан чиқди. Лойиҳалар учта ННТ-ММТ ташкил этилишини қўллаб-қувватлади. Уларнинг амалга оширилиши 2002 йил август ойида қабул қилинган миллий қонун ҳужжатига (Вазирлар Маҳкамасининг 390-сонли қарорига) асос бўлди. Ушбу лойиҳаларнинг асосий натижалари ўлароқ, даромади кам бўлган одамларнинг савдода, кичикроқ қўламдаги ишлаб чиқариш фаолиятида қатнашиш учун, шунингдек, оилавий активлар, чорва молларни кўпайтириш ва хизматлар кўрсатиш асосида ишлаб чиқаришда микробизнес билан шуғулланиш учун молиявий ресурслардан амалда фойдаланиш имкони яти кенгайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда микромолиялаш билан тиждорат банклари, жамғарма кредит уюмлари (ЖКУ) нодавлат нотижорат (донор) ташкилотлар (ННТ-ММТ) шунингдек, бюджетдан ташқари фондлар (Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш фонди, Иш билан бандликка кўмаклашувчи давлат фонди) ва халқаро молия институтларининг (ЕТҒБ, ОҒБ ва бошқаларнинг) кредит линиялари шуғулланмоқда. Банklar микромолиялашда етакчи рол ўйнамоқда – микрокредитлар умумий ҳажмининг 80%дан кўпроғи улар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўзбекистонда микромолиялашнинг умумий ривожланиш кўрсаткичлари жумласига қуйидагилар кирди:

- **Аниқ мақсадли турух.** ММИнинг барча турлари бўйича микрокредит олувчилар орасида иккита турух - савдо вакиллари ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари сезиларли даражада ажралиб туради.
- **Микрокредит миқдори ва фойз ставкаси.** Банк кредитининг ўртача миқдори ЖКУ берадиган кредитдан 3 барабар ва ММТ берадиган кредитдан 16 барабар кўп. Энг “қиммат” кредитларни ЖКУлар беради ва шу билан бирга уларни қайтариш муддатлари ҳам анча қисқа. Шу сабабли гарчи ЖКУ кредитлари банк кредитларига ҳос бўлган қатор камчиликлардан<sup>1</sup> холи бўлса-да, улар қарз олувчиларнинг кам таъминланган тоифаларига мўлжалланган эмас. ННТ-ММТ кредитларини олиш тадбирлари жўнлиги ва нисбатан арзонлиги туфайли улар анча фойдали ва жозибадордир.
- **Қарз олувчиларнинг харажатлари.** Банк кредитлари учун тўлападиган ҳақи солиқ тўловлари билан қиёслаш мумкин бўлиб, банкдан қарз олувчиларнинг харажатлари таркибида 12.6 %ни ташкил қилади. ЖКУ аъзо-

<sup>1</sup> 1-илованинг 9-жадвалига қаранг.

лари қарз мажбуриятлари бўйича тўлайдиган ҳақ бизнестга қилинадиган умумий харажатларнинг 8,7 %ини, ММТ қатнашчилари тўлайдиган ҳақ эса – 3,3%ини ташкил қилади.


- **Самарадорлик.** Ўтказилган сўров шуни кўрсатдики, банк бўлмаган муассасалардан олинган кредитлар микробизнеснинг барқарорлиги ва даромадлилигини самаралироқ тарзда оширади. ММТ мижозлари ўз бизнесларида ҳаммадан кўп ижобий ўзгаришларга эришадилар: мижозларнинг 71%ида маблағ айланиши, 60%ида – фойда кўпаяди. Микрокредитлар савдода, озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришда ва умумий овқатланишда ҳаммадан кўп самара беради (маблағ айланиши ва фойданинг ўсиши). Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш соҳасида ва хизматлар соҳасида камроқ самара беради.

#### Микромолиявий фаолиятнинг умумий муаммолари жумласига қуйидагилар кирди:


**Қонуңчилик билан боғлиқ муаммолар.** ММТ ҳақида қонун ва микромолия бозорини ривожлантириш концепцияси йўқлиги ривожланишни секинлаштириб турган энг муҳим омиллардир. Гарчи микромолиялашнинг айрим компонентлари Ўзбекистонда 7 йилдан бери мавжуд бўлса-да, бироқ уларнинг ҳуқуқий базаси бир хил эмас:

- *ташкilotларнинг турлари бўйича.* Тижорат банклари томонидан микрокредитлаш бўйича меъёрий ҳужжаглارнинг тўлиқ пакети ва ЖКУ бўйича қонун мавжуд бўлгани ҳолда ИИТ-ММТ томонидан микрокредитлашнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси амалда мутлақо йўқ.
- *фаолият турлари бўйича.* Микрокредитлашнинг ҳуқуқий базаси нисбатан ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, микросуғурталаш, микролизинг ва микрожамғармаларнинг ҳуқуқий базаси йўқ.

2-расм. Бозор иштирокчиларининг турлари бўйича берилган микрокредитлар структураси (млрд. сўм)



**3-расм. Банклар уз ресурсларининг микрокредитлар умумий ҳажмидаги улуши, %**



Манба: муаллифларнинг ҳисоб-китоблари

**Институциявий муаммолар.** Норматив-ҳуқуқий базанинг<sup>8</sup> ва расмий юридик мақомнинг йўқлиги ПНТ-ММТларга (микромолиялашнинг энг “ижтимоий” компоненти) қарз капиталнинг ташқи манбаларини (тижорат банкларининг кредитлари ва аҳоли депозитларини) жалб этиш имконини бермаётир, бу эса уларнинг кредит ресурсларини чеклаб қўймоқда.

**Иқтисодий муаммолар.** Расман олганда, Ўзбекистонда нақд пул маблағлари билан нақд бўлмаган пул маблағлари ўртасида фарк йўқ. Бироқ амалиётда Фуқаролик кодексига юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйинган ҳисобварақдан нақд пул маблағларини олиш ҳуқуқи банкларда нақд пул етишмаслиги туфайли чекланган. ММИларнинг барча турлари ўз фаолиятининг хусусияти туфайли бундан айниқса кўп зарар кўрмоқда.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда барча ММИларнинг молиявий барқарорлигини таъминлай оладиган микрокредит маҳсулотлар йўқ. Бунинг асосий сабаби операция чиқимларининг юқори даражада эканлигидир. Бу чиқимлар кредит портфели суммасининг тахминан 20-25%ига етади.

Иккинчи томондан, ММИларнинг молиявий барқарорлигини ва уларнинг социал таъсирини баҳолашнинг тасдиқланган, унификацияланган мезонлари йўқ.

**Ахборот борасидаги муаммолар.** Микрокредит олишга қарор қилган тадбиркорларда микрокредит берадиган тапшилотлар ҳақида ахборот олишга аҳтиёж ҳаммадан кагга. Иккинчи ўринда ҳужжатларни расмийлаштириш чоғида ёрдам кўрсатиш туради.

Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ҳамма институтларнинг ахборот борасида бирлашувига эришиш янада кўламдор муаммодир. “Ёмон” қардорлар ҳозирги вақтда кредит тарихларига доир ахборот сегментларга бўлинишигадан ютиб чиқмоқдалар холос.

<sup>8</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасида микромолиялашни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 309-сонли базавий қароридан ташқари.



Мазкур муаммоларнинг макроиқтисодий оқибатлари қуйидагилардан иборат:

- **Қамраб олиш даражасининг пастлиги.** Микромолиявий дастурларнинг жўғрофий қамрови ва кириб бориш кўлами арзимас даражада. Қамровнинг ўртача ҳисобланган кўлами 9%га яқин.<sup>9</sup> (Масалан, Шарқий Европанинг ислоҳот ўтказаяётган мамлакатларидаги “илғор” ММТлар ушбу кўрсаткичлар 20-25% даражасида бўлишига эришдилар).
- **Кам даромадли аҳолини қамраб олиш даражасининг пастлиги.** Ушбу кўрсаткич 0,6%дан камроқ деб баҳолашмоқдаки<sup>10</sup>, бу 2% миқдорида баҳоланаётган, нисбатан паст бўлган ўртача минтақавий даражадан ҳам анча паст.

**1-жадвал. Ўзбекистонда микромолиялашнинг ҳозирги салоҳиятини баҳолаш**


Кўрсаткичлар	2003	2004
Ҳамма турдаги ММИ микрокредитларининг умумий ҳажми/ЯИМ. %	0,65	0,71 <sup>11</sup>
- банкларнинг микрокредитлари ЯИМга нисбатан, %	0,42	0,35
- ИБЁФ микрокредитлари ЯИМга нисбатан, %	0,0	0,0
- ЕТТБ микрокредитлари ЯИМга нисбатан, %	-	0,04
- ММТ микрокредитлари ЯИМга нисбатан, %	0,03	0,02
- ЖКУ микрокредитлари ЯИМга нисбатан, %		
Банкларнинг микрокредитлари/ Иқтисодиётнинг реал секторига берилган банк кредитларининг умумий ҳажми, %		1,2
Барча турдаги микромолиявий муассасаларнинг микрокредитлари/ Иқтисодиётнинг реал секторига берилган банк кредитларининг умумий ҳажми, %		2,4

Маъна: муаллифларнинг ҳисоб-китоблари.

<sup>9</sup> Ўртача қарз миқдорининг аҳоли жон болига тўғри келадиган ЯИМга нисбати билан ўлча-нади. САМФА маълумотларига қараганда, 2005 йил 1 апрелгача Ўзбекистон ҳудудида иш олиб борган 11 та йирик ММТ бўйича қарзнинг ўртача миқдори 146 АҚШ долларини ташкил қилган. World Bank маълумотларига қараганда, Ўзбекистондаги ҳар бир одамга тўғри келадиган ЯИМнинг ҳисобланган кўрсаткичи харид қobiliяти паритети бўйича (ЖКП) 2003 йилда 1720 АҚШ долларини ташкил қилган.

<sup>10</sup> ММТ мижозлари умумий сонининг кам таъминланган аҳоли сонига нисбати сифатида ҳисоблаб чиқарилади. World Bankнинг баҳолашича, Ўзбекистонда кам таъминланган аҳолининг умумий сони 2003 йилда барча аҳоли сонининг (2003 йилда 25,6 млн. киши) 27,5-%й даражасида бўлган.

<sup>11</sup> Таққослаш учун: Қирғизистонда ННТ-ММТнинг кредит портфели 30 млн. АҚШ долларига яқин ёки ЯИМга нисбатан 1,8%, Қозоғистонда – 5 млн. АҚШ долларига яқин ёки ЯИМга нисбатан 0,02%, Тожикистонда эса – 3 млн. АҚШ долларига яқин ёки ЯИМга нисбатан 0,2% (2002 йил маълумотлари бўйича).



## 2.1. Нодавлат ногжорат микроолиявий ташкилотларнинг фаолияти

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 14 та ННТ-ММТ фаолият олиб бормоқда:

- микроолиялаш асосий фаолият тури бўлмаган ташкилотлар (масалан, Тадбиркор аёллар ассоциацияси);
- қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, микроолиялаш асосий мақсади бўлган маҳаллий ташкилотлар (масалан, “Даулет” ННТ);
- Ўзбекистонда хўжалик юритувчи субъектлар сифатида рўйхатдан ўтказилмаган халқаро ташкилотларнинг дастурлари ва лойиҳалари (масалан, “Mercy Corp” (Нидерландия) лойиҳаси доирасида фаолият кўрсатаётган “Барокот”).

Операциялар ҳажми ва мижозлар сонининг ўсиш суръатлари бозор динамикасини кўрсатади. Агар 1.10.2004 йил ҳолатига кўра 9 та ННТ-ММТнинг кредит портфели 2,53 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2005 йил май ойида 3,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди. ННТ-ММТ мижозларининг умумий сони деярли 41 миң кишини ташкил этади, шу билан бирга фаол мижозлар сони 25 миң кишига яқин.

Қарз олувчиларга берилган 10.3 миңтадан кўпроқ кредитнинг 97%и 500 доллардан ошмаган ва фақат 1%и 1000 долларни ташкил қилди. Барча кредитларнинг 3/4 қисми 3 ойгача муддатга берилган, шуларнинг ярмидан кўпроғи 1 ойгача муддатга берилган. Сўраб чиқиш шунини кўрсатдики, кредит сўраб мурожаат қилган қарз олувчиларнинг 75%и бу ишчи илгари ҳам қилган ва фақат 25%и янгилар бўлган.

Ўзбекистонда ННТ-ММТ фаолиятининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- асосан ўрта маълумотга эга бўлган ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти етимиштириш, савдо ёки хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган аёл мижозлар (70%гача);
- қарз олувчилар ишлаб чиқарин билан уйда шуғулланадилар ва оила аъзоларининг ҳақ тўламайдиган меҳнагидаш фойдаланадилар;
- барча ННТ-ММТларнинг барқарор дастурлари ва сийёсат қондалари бўлиб, бу ҳол буюртмалар бериш ва уларни қараб чиқиш, шунингдек, кредитлар бериш тадбирларининг бир хиллигида кўринади;
- микроқарзларнинг қайтариллиши юқори даражада эканлиги, у 96%дан ошади;
- микроолиявий хизматларга талабнинг тақлифдан анча юқорилиги, бу ҳол фойз ставкаларининг юқори даражасини ва ўзгармаслигини белгилайди;
- операция чиқимларининг юқори даражадалиги;

- кредитнинг максимал миқдори кўп бўлмаслиги (500-600 минг сўм). Шу билан бирга бундай кредитни дастурда 1-1,5 йил қатнашгандан кейингина олиш мумкин. Биринчи йил мобайнида кредит 100 минг сўмдан ошмайди.
- ММТнинг “ўртача” мижози ойига 500 минг сўмдан кўп бўлмаган миқдорда пул айлантиради (бизнесининг ўртача ойлик айланмаси бундан кам бўлганлар ММТ дастурларида ушланиб қолмайди).

Умуман олганда, мамлакатнинг ННТ-ММТлари ўз ролларини банкка айланишдан иборат деб билмайдилар, балки асосий эътиборни кам таъминланган, ўзларидан бошқа ҳеч ким шуғуланмайдиган аҳоли қатламлари билан новаторларча ишлашга қаратишдан иборат деб биладилар. Гарчи дунёда ННТ-ММТлар банкка айланганлигини кўрсатувчи ёрқин мисоллар бўлса-да, бундай ўзгаришлар кам даромадли аҳоли гуруҳларига молиявий хизматлар кўрсатишнинг кўпгина йўналишларидан биридир.

### Лизинг операциялари

2002 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони чиқарилиб, унга мувофиқ, лизинг секторининг ривожланишини қийинлаштириб қўяётган солиқ тўсиқлари бартараф этилди. 2002-2003 йиллар мобайнида Парламент мамлакатнинг Фуқаролик, Солиқ, Хўжалик-процессуал кодексларига, “Лизинг тўғрисида” ва “Божхона тарифи тўғрисида”ги Қонунларга 40 дан ортиқ тузатиш киритди. Бу эса мамлакатда лизингни ривожлантириш бўйича прогрессив қонунчилик муҳити яратилишига олиб келди.

Ана шу куч-ғайратлар туфайли бозорда янги ўйинчилар пайдо бўлди.<sup>12</sup> Улар “Ўзқишлоқхўжмаплайинг” компаниясининг улушини қамайтирдилар. Агар 2001 йилда компаниянинг улуши 93%ни, 2002 йилда – 84%ни ташкил қилган бўлса, 2004 йилда 64%ни ташкил қилди.<sup>13</sup> Лизинг бозорининг янги қатнашчилари сифатида иккита ММТ: Қорақалпоғистон Республикасининг бизнес инкубатори (ҚРБИ) ва Қорақалпоғистон Тадбиркор аёллар ассоциацияси ҳам пайдо бўлиб, улар ОТБнинг “Қорақалпоғистонда камбағаллик даражасини пасайтиришнинг инновацион усуллари” тажриба лойиҳаси доирасида микролизинг бўйича хизматлар кўрсатади.

ОТБ лойиҳаси доирасида лизингнинг максимал суммаси 10 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Бироқ амалиётда лойиҳаларни молиялаш миқдори анча хилма-хилдир. 29.05.2005 йил ҳолатига кўра ҚРБИ линияси бўйича 52 та лойиҳа жами 160 минг АҚШ доллари миқдориди ва Ўзбекистон Тадбиркор аёллар ассоциацияси линияси бўйича 56 та лойиҳа жами 110 минг АҚШ доллари миқдориди молияланди.

<sup>12</sup> 2002 йилга қадар лизинг операцияларини 13 та лизинг берувчи амалга оширар эди, 2004 йил охирида уларнинг сони 28 гагача ўсди: 15 та тижорат банки, 11 та лизинг компанияси ва 2 та ММТ.

<sup>13</sup> ХМК маълумотлари асосида.


### 3-қўшимча. ОТБ тажриба лойиҳаси доирасида ММТлар тузган лизинг битимларининг кўрсаткичлари

	ҚТАА		ҚРБИ	
	2003	2004	2003	2004
Кўрсаткичлар	2003	2004	2003	2004
Бир йилда тузилган лизинг шартномалари сони	27	26	31	16
Бир йилда тузилган лизинг шартномаларининг умумий баҳоси (лизингга топшириш учун сотиб оlingан мулкнинг баҳоси бўйича), минг АҚШ долл.	55,0	55,1	55,2	83,1
Бир йилда амалда лизингга топширилган мулкнинг умумий баҳоси, минг АҚШ долл.	47,4	55,1	55,3	83,1
Йил охирида лизинг битимлари портфелининг сони (амал қилиб турган лизинг шартномалари сони)	25	51	31	47
Йил охиридаги лизинг портфели (амал қилиб турган лизинг битимлари бўйича асосий қарз қолдиги), минг АҚШ долл.	48,0	96,3	54,7	132,2
Лизингга топшириладиган мулкнинг киймати, минг АҚШ долл.				
- минимал	-	-	-	-
- максимал	10,0	10,0	10,0	10,0
Лизингга топширилган мулкнинг минимал баҳоси, минг АҚШ долл.	0,7	0,6	0,2	0,7
Лизингга топширилган мулкнинг максимал баҳоси, минг АҚШ долл.	8,6	9,6	10,0	9,7
Лизинг битимининг ўртача миқдори (лизингга топширилган мулкни сотиб олиш баҳоси бўйича), минг АҚШ долл.	1,9	2,1	1,8	5,2
Лизинг берувчи мулкни лизингга бералиган муддат (кредит сисъатига мувофиқ)	3 йил	3 йил	3 йил	3 йил
Тузилган лизинг шартномаларининг ўртача муддати	3 йил	3 йил	3 йил	3 йил

Манба: ХМҚнинг "Марказий Осиёда лизинг – 2005" йиллик ҳисоботи


#### 4-расм. 2003-2004 йилларда лизингга берилган мулк турлари

##### Қорақалпоғистон Тадбиркор аёллар ассоциацияси



## Қорақалпоғистон Республикасининг бизнес – инкубатори

озик-овқат маҳсулотини  
кайта ишлаш учун ускуналар 44%



Маъба: ХМҚнинг “Марказий Осиёда лизинг – 2005” йиллик ҳисоботи

Бўшатиб олинаётган маблағлардан операция харажатларини қошлаш, ўз моддий-техника базасини ривожлантириш, пунингдек, микроолияяшни янада ривожлантириш учун аниқ мақсадда фойдаланиш шарти билан давлат ННТ-ММТ фаолиятини 2006 йил 1 январга қадар даромад (фойда) солигини тўлашдан озод қилиш воситасида рағбатлантиради.

**ННТ-ММТларнинг фаолияти билан боғлиқ муаммолар рўйхати қуйида келтирилган.**

- **Расмий юридик мақомнинг йўқлиги.** Бундай мақом бўлмаса, аҳоли депозитлари ва банкларнинг кредитларини жалб этиш мумкин бўлмай қолади. Шу сабабли, кредит фондларининг таннархи деярли нол даражасида бўлишига қарамай, фойз даромади ва донорлик грантларини олиш ННТ-ММТлар учун кредит капитали ҳажмини кўпайтиришнинг асосий манбаидир. Бу эса фойз ставкалари юқори бўлишининг сабаби ҳамдир.

Айни вақтда, “ярим ошқора” ҳолатда бўлишига қарамай, халқаро донорлар томонидан микрокредитлаш алақачон 40 мингдан ортиқ миқозни ўзига жалб этди. Бу эса ушбу жараён тўла легитим бўлса, унинг салоҳияти катта эканлигини кўрсатади.

- **Рўйхатга олиш тadbiri.** Рўйхатга олиш тadbirининг тиниқ эмаслиги ННТ-ММТлар сон жиҳатдан кўпайишини ва умуман ушбу сегментнинг рақобат муҳити ривожланишини секинлаштириб қўймоқда. ИШТ шаклида рўйхатга олиш муваффақиятли эмас, чунки кўпдан-кўп ҳуқуқий зиддиятларни келтириб чиқаради. Айниқса, аҳоли депозитларини жалб этмайдиغان ММТлар учун хабардор қилиш (баёнот бериш) шаклида рўйхатга олиш ҳаммадан кўра маъқулдир. Шунингдек, ММТ филиаллари, пунктлари ва бўлимларини рўйхатга олиш тартибига қонун билан белгилаб қўйиш ҳам зарур. Уларни рўйхатга олиш ҳам хабардор қилишга асосланган бўлиши мақсадга мувофиқ.
- **Куч-ғайратларни мувофиқлаштириш.** ММТ сони кам бўлганлиги сабабли уларнинг куч-ғайратлари ресурсларни ижтимоий-иқтисодий вазият кескин бўлиб турган минтақаларга йўналтириш нуқтаи назаридан

мувофиқлаштирилмаётир. Бироқ, бу секторда рақобат муҳити кучайиши ва ММТ сони ўсиши билан уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳамда микромолиявий хизматлар кўрсатиш борасида куч-ғайратларини бирлаштириш фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Ҳозирги вақтда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш назирлиги микромолиявий хизматлар борасидаги куч-ғайратларни бирлаштириш, мувофиқлаштириш ва хилма-хиллаштириш бўйича Ижтимоий инвестициялар фондини ташкил этиш масаласини ишлаб чиқмоқда. Бундай фондининг муҳим хусусияти тижорат банклари очадиган кредит линиялари бўйича молиявий ресурсларнинг бир қисмини ушбу Фондининг кредит линиясига йўналтиришдан иборат бўлади, деб ҳисобланмоқда.

- **Максимал хатар даражаси.** ННТ-ММТ томонидап микрокредитлаш бопқа муассасаларининг (банklar ва ЖКУларнинг) шундай фаолиятига қараганда гоая хатарлидир. Биринчидан, кредитларнинг кўпчилиги гаровсиз берилади. Иккинчидан, мижозлар микробизнесининг барча турлари хатарлидир (айшиқса чорвачилик, бу соҳада нарх-наво қаттиқ ўзгариб туради, дастлабки босқичда кўп харажат қилиш талаб этилади, маблағ айланиши эса ҳаммадан секин).

Айланма маблағнинг кўп бўлмаслиги ва юқори даражада фойда келтириши билан ажралиб турадиган бизнес маҳсулот сотиш бозорига конъюнктура ўзгаришларига гоая сезгир бўлади. Фойданинг оз даражада насайиши ҳам (харажатларнинг ўсиши ёки ушбу маҳсулот нархининг насайиши) бизнесни зарарли қилиб қўяди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ана шундай хатарларга ҳаммадан кўп дуч келади. ММТнинг молиявий барқарорлигига доимий равишда хавф солиб туради. Гарчи ММТ кредитнинг барқарорлаштирувчи самарасини сақлаб туришга ҳаракат қилсалар-да<sup>14</sup>, маҳаллий сотиш бозорлари хатар ва таҳдидлар пуқтай-назаридан профессионал баҳоланмаётир.

- **Ҳисобот бериш.** Ҳисобот беришнинг анъанавий шакллари ўзининг босўнақайлиги туфайли ННТ-ММТга тўғри келмайди. Шунга қарамай, ННТ-ММТ фаолияти ҳисобот беришнинг содалаштирилган, улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилган шаклларини ишлаб чиқиш йўли билан мунтазамлаштирилиши ва ахборот жиҳатидап тишиқ бўлиши зарур.

Ҳозирги вақтда баъзи ННТ-ММТлар ўртасида САМГА ёрдамида ишлаб чиқилган жорий қарзларнинг ҳаракати ва келгусидаги молиявий прогнозларни ягона стандартлар негизида режалаштириш бўйича умумлаштирилган ҳисоботлар тайёрлаш усули амал қилмоқда. Маҳаллий ННТ-ММТлар (“Даулет”,

<sup>14</sup> Биринчи усул – кредит бизнес режа билан боғлиқ бўлмаган бопқа турдати бизнесга солинади. Иккинчи усул – турух аъзолари билан келивган ҳолда микрокредитдан турухдаги битта одам фойдаланади.

“Сабр”, Қорақалпоғистон ва Қашқадарё вилоятининг ТАА) аҳолининг кам даромадли қатламлари учун микромолиявий дастурларни амалга ошириш бўйича профессионал кадрлар тайёрлаш соҳасида каттагина амалий тажриба тўплаган. Бироқ, умуман олганда, ички ҳисоб-китоблар ва мониторинг, қоида тариқасида, методология, меҳнат тақсимоли ва молиявий харажатлар нуқтаи назаридан оптималлаштирилмаган.

- **Ходимлар профессионализмининг бўшлиги.** Микрокредитлаш мутлақо янги ва ўзига хос соҳадир. Тажрибали кадрлар йўқ. Кадрларни ўқитиш ҳамда ўргатувчи материаллар ва қўлланмаларни (айниқса ўзбек тилида) яратиш эҳтиёжи жуда катта. Персонал ҳозирча мустақил равишда янги кредит маҳсулотларини яратишга ёки бошқалардан олинган кредит маҳсулотларини, аynиқса кишлоқ жойларда барқарор даромад манбаларини яратишга қаратилган кредит маҳсулотларини самарали тарзда мослаштиришга қодир эмас.
- **Аудит.** ННТ-ММТларда аудит ўтказишга аудит институтларининг ривожланмаганлиги ҳамда аудиторлик текширувларининг баҳоси юқорилиги тўсқинлик қилимоқда. Қонунда ННТ-ММТларни аудит қилиш тадбирининг мажбурийлиги назарда тутилмоғи керак ва у аудитни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладиган мустақил ташкилотлар рўйхатини белгилаб бериши лозим. Аудитни ММТни рўйхатга оладиган ва унинг устидан назорат қиладиган давлат органи томонидан амалга оширишга йўл қўйиб бўлмайди.

## 2.2. Тижорат банкларининг микромолиявий хизматлари

Тижорат банкларининг микромолиявий хизматлари иккита компонентга бўлинади:

- банкларнинг ўз ресурслари ҳисобидан микрокредитлар бериш;
- бюджетдан ташқари фондлар ва халқаро институтларнинг кредит линияларига хизмат кўрсатиш.

### Тижорат банкларининг ўз ресурслари ҳисобидан микрокредитлаши.

Марказий банк йўриқномаларига мувофиқ, юридик шахс мақомида олиб фаолият кўрсатаётган фермерлар ва бошқа кичик бизнес субъектлари учун 10 минг АҚШ долларигача<sup>15</sup> миқдорда 3 йилгача муддатга чет эл валютасида ёки миллий валютада микрокредитлар бериллади. Микрокредитлар фақат резидентларга миқозининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағи турган жойдан бериллади, бошқа банкларнинг миқозларига кредитлар берилишига йўл қўйилмайди<sup>16</sup>.

<sup>15</sup> Марказий банкнинг кредит берилдиган кундаги курси бўйича.

<sup>16</sup> Ўзбекистоннинг тижорат банклари томонидан берилдиган барча микрокредит маҳсулотлар рўйхати маърузага 1-илованинг 19-жадвалида келтирилган.

Фермерларга чорва мол, парранда, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун 1,5 йил (18 ой) муддатга ажратилган микрокредит суммасининг 50%итачасини нақд пул билан беришга йўл қўйилади. Микрокредитлар бўйича фоиз ставкаси кредит шартномаси асосида, лекин МБ қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорда белгиланади.

**Микрокредитлар қарз олувчиларга қуйидаги мақсадлар учун берилади:**

- мини-ускуналар сотиб олиш;
- ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, уруғлик, етилган ва ёш чорва моллари, парранда, ем-хашак ва омехта ем-лар, ветеринария препаратлари, ўсимликларни кимёвий химоя воситалари, минерал ўғитлар сотиб олиш;
- хом ашё ва материалларни бирламчи қайта ишлаш;
- меҳнат қуролиари, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, фурнитуралар соғиб олиш;
- баддий хунармандчилик ва амалий санъат буюмлари ишлаб чиқариш;
- хунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш;
- сервис хизматларини ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш;
- соғлиқни сақлашни ривожлантириш;
- туризм индустриясини ривожлантириш;
- кичик ҳажмли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;
- халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва қопуш ҳужжатлари билан тақиқлаб қўйилмаган хизматлар (ишлар) соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари.

**Микрокредитлар қуйидаги мақсадлар учун берилиши мумкин эмас:**

- илгари олинган кредитларни ёки бошқа қарзларни тўлаш;
- тамаки етиштириш ва алкогольли ичимликлар ишлаб чиқариш;
- савдо-воситачилик фаолиятини амалга ошириш;
- ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилмайдиган шахсий мол-мулкни сотиб олиш.


Кредитларнинг муддатлари 1 йилдан (айланма маблағларни тўлдириш учун) 5 йилгача (банкнинг Имтиёзли кредитлаш фондидан молияланадиган инвестиция лойиҳаларига).



Жисмоний шахсларга микрокредитлар бериш тартиби ҳам шундай бўлиб, унинг бирдан-бир фарқи максимал миқдор 5 минг АКШ долларидан ошмаслигидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш учун бериладиган микрокредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкалари белгиланади: агар маблағлар банк фойдасидан 25%ли ажратмалар ҳисобига ташкил этиладиган Имтиёзли кредитлаш фондидан берилган бўлса, фоиз ставкаси амалдаги қайта молиялаш ставкасининг кўпи билан 50%и миқдорда белгиланади. Шу билан бирга банкларга кичик бизнесни кредитлашдан олинган даромадлар ва микрокредит портфелини кўпайтиришга йўналтирадиган маблағлар бўйича солиқ имтиёзлари берилади.

#### 5-расм. Тижорат банкларининг ўз ресурслари ҳисобида берилган микрокредитлар ҳажми, млрд. сўм



Манба: муаллифларнинг ҳисоб-китоблари

Тижорат банклари томонидан микрокредитлашнинг муаммолари жумласига қуйидагилар киради:

- **Микрокредитлашдан зарар кўриш.** Микрокредит операцияларининг харажатлари ва хатари юқори даражада бўлганлиги сабабли банклар микрокредитлашдан манфаатдор эмас. Имтиёзли фоиз ставкалари банклар учун ушбу кредитларни зарарли қилиб қўяди, чунки у банкларнинг асл тижорат мақсадларига зиддир.
- **Чекловлар.** Банклар микрокредитларни асосан ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун беради. Бироқ, кредит 2-3 йилга берилди, бу вақт ичида ишлаб чиқариш бизнесини авж олдириб бўлмайди, башарти бу бизнес – савдо бўлмаса. Бундан ташқари, микрокредитнинг ҳаммасини нақд пул билан олиш чеклаб қўйилиши гап оз сумма ҳақида борганида мақсадга мувофиқ бўлмай қолади.
- **Гаров таъминоти.** Банк микрокредитларининг гаров таъминоти билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд. Улар жумласига қуйидагилар киради: миқдорнинг руҳсатсиз гаровли сотиш ҳуқуқи ва гаровга қўйилган мулкни ундириб олиш ва мусодара қилишнинг аниқ тартиби йўқ; гаров таъминотини нотариал тасдиқлаш муаммолари; гаров таъминотининг қийматини ҳолис баҳолаш муаммолари; сугурта компанияларининг сугурта кафиялла-

ри сифатида кучсизлиги; гаровни расмийлаштириш қимматлиги<sup>17</sup>; гаровга қўйилган мулкни солиққа тортиш билан боғлиқ мураккаб масалалар<sup>18</sup>; гаров таъминотининг баъзи турларида сақлаш муаммолари<sup>19</sup>; кафиллик муаммолари<sup>20</sup>.

- Кредитлар бўйича қарздорлик. Банклар микрокредитларининг ҳамма турлари хатарли, chunki барча ишлаб чиқарувчилар маҳсулотни сотиш муаммоларига ва катта солиқларга дуч келадилар. Аслида кредитларнинг қайтарилмаслиги банкларнинг муаммоси эмас, балки кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига умумдавлат кўламида билимдонлик билан рағбатлантириш муаммосидир.

Иккинчи томондан, банкларнинг ходимлари микрокредитлар миқдори 5 млн. сўмдан 10 млн. сўмгача бўлиши ортқича деб айтмоқдалар. Кўпгина миқозлар уни қайтариш борасида ўз имкониятларини ортқича баҳолаб юборадилар ва бунча капитални бошқариш учун етарли кўникмаларга эга эмаслар.

### 2.3. Жамғарма кредит уюшмаларининг микромолиявий хизматлари

Республиканинг айрим минтақаларида аҳолини кредитлаш имкониятларини кенгайтириш, депозитларга пул маблағлари жалб этиш ҳамда кредит ташкилотлари ўртасида рақобатни кучайтириш мақсадида 2002 йил 4 апрелда “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги 355-П-рақамли Қонун қабул қилинди. Ҳозирги вақтда 20 та ЖКУ ўз фаолиятини берилган лицензияларга мувофиқ амалга оширмоқда. Активларнинг миқдори бўйича улар учта тоифага: йирик (активлари 500 млн. сўмдан ортқ), ўртача (100-500 млн. сўм) ва майда (100 млн. сўмдан кам) уюшмаларга бўлинади.


<sup>17</sup> Кредит 1 млн. сўм бўлганида гаровга қўйилаётган мулкнинг баҳоси камида 1,2 млн. сўм бўлиши керак. Гаровни баҳолаш учун мустақил экспертлар 10 миң сўм оладилар. Сугурта агентлиги гаровга қўйилган мулк баҳосининг 0,5%и миқдоридан – 6 миң сўм олади. Потариус гаров контрактини расмийлаштиргани учун гаров баҳосининг 0,15%и – 1800 сўм миқдоридан давлат поштинаси олади, плюс потариуснинг ўз хизматлари 5 миң сўм туради. Натижанда фермер кредитни расмийлаштириш учун 22800 сўм сарфлайди (сўров материалларидан).

<sup>18</sup> Агар банк гаровга қўйилган мулкни ўз балансига олса, уни сотиш вақтида 20% миқдоридан ҚҚС ўзилади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, банк гаровга қўйилган мулкни суд қарори чыққанидан кейин аукционда сотиши керак. Бироқ амалиётда банклар гаровни сотиш вақтида “азоб”га учрайдилар, бунида фойда олин мақсадини кўзламайдилар. Банклар заргарлик буюмларини гаров сифатида қабул қилмайдилар, chunki “заргарлик” гаровига лицензиялар олин жуда мураккаб. Баҳоловчи талаб қилинади, шунингдек, махсус бино зарур бўлади.


<sup>19</sup> Таҳлил нуви кўрсатмоқдаки, гаровнинг ҳаммадан кўп тарқалган тури – автотранспортдир. Бироқ банклар автомобилни сақлаб қўйиш учун махсус биволарга эга эмас, автомобиллар тўхташ жойига ҳақ тўлаш қўшимча харажатларни талаб қилади.

<sup>20</sup> Кафиллик банк учун қўшимча қийинчиликлар туғдиради, у кредит олувчигина эмас, балки кафилнинг ҳам молиявий аҳолини таҳлил қилиши керак бўлади. Фақат молиявий жиҳатдан барқарор ташкилотларгина кафил бўлишлари мумкин. Лекин уларнинг тадқиқланган рўйхати йўқ. Амалиёт сугурта компаниялари япончи кафил бўлмаслигини, маҳалла кўмиталарининг кафиялиги эса реал кучга эга эмаслигини, chunki улар реал мол-мулк билан таъминланмаганилигини кўрсатмоқда.

6-расм. 2002-2004 йилларда ЖКУ аъзолари сонининг ўсиши



7-расм. Қарз олувчиларнинг турлари бўйича ЖКУ кредитларининг тузилиши, %



Манба: WOCUU, семинар материаллари. Тошкент, май 2005.

Аъзолари сонининг динамикасига қараганда, 2004 йилни ҳақли равишда ЖКУ йили дейиш мумкин: агар 2003 йил бошида тизимда 3 мингдан сал камроқ одам бўлган бўлса, 2004 йил охирида унга деярли 14 минг киши жалб этилди. Ўзбекистондаги ЖКУларнинг муҳим хусусияти шуки, мижозлар таркибида жисмоний шахслар сони устулик қилади (97%дан ортиқ). Шу билан бирга асосан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан иборат юридик шахслар сони ҳам ўсиб бормоқда.

ЖКУ асосий молиявий кўрсаткичлари ҳам тез ўзгариб бормоқда. ЖКУ активларининг умумий миқдори 4,2 млн. АҚШ долларидан оғиб кетади<sup>21</sup>, шу билан бирга кредитлар улуши юқори даражада (82%) сақланиб турибдики, бу ҳол фаолиятнинг халқаро нормаларига мосдир. Шу билан бирга ЖКУ фаол кредит сиёсатини амалга ошироқда: қарз олувчиларнинг барча тоифаларига берилган микрокредитлар ҳажми 1.01.2004 йилга нисбатан 3 барабар кўпайди ва 1.01.2005 йилда деярли 3.0 млрд. сўмни ташкил қилди.

<sup>21</sup> 2005 йил май ойи охиридаги ҳолат бўйича.


Шунингдек, ЖКУлар ўз аъзоларининг жамғармаларини сафарбар этиш борасида ҳам ишчи кучайтирди. Биргина 2004 йилда депозитлар ҳажми 3,5 баравар ўсди. Депозитларнинг ўсиш суръати кредитларнинг ўсиш суръатига мос (баъзан илдам) бўлиб, бу ҳол қўшимча жамғарма ресурсларини жалб этиш ҳисобига кредит фаолияти кенгайиб бораётганлигини кўрсатади. Бундай тамойил ЖКУларнинг молиявий барқарорлиги ошганидан дарак беради.

Депозитлар таркибида сезиларли ўзгаришлар юз берди: 2004 йил мобайнида жамғарма депозитларнинг улуши 7%дан 17%гача кўпайди. Бундай ўсиш ЖКУлар ўз аъзоларининг шахсий эҳтиёжларига мослашган жамғарма маҳсулотларини тақлиф этиш соҳасидаги маркегинг фаолиятини кучайтирганлиги билан изоҳланади.


Кредитлаш фаолияти кучайиши билан бирга битта қарз олувчига берилаётган кредитлар катгалашмоқда. Агар илгари 200 минг сўмдан 500 минг сўмгача бўлган кредитлар энг кўп миқдори ташкил этган бўлса, ҳозир 1 млн. сўмдан ортиқроқ бўлган кредитлар тобора кенг тарқалмоқда. Шунинг ҳисобига олиш керакки, ЖКУлар кўпчилик ҳолларда аниқ мақсадли гуруҳларга мўлжалланмаган (фақат ЖКУ аъзоларига мўлжалланган), уларнинг кредит маҳсулотлари кам ва фақат фойз ставкалари билан фарқланади. Гарчи кредитларнинг миқдори ва муддатлари жуда мослашувчан бўлса-да, улар кредит портфелининг миқдори билан чегараланган. Кредитларни бериш чоғида қарз олувчиларнинг имконияти асосий мезон бўлади. Шу сабабли бу уюшмаларда кам таъминланган гуруҳларнинг вакиллари амалда йўқ<sup>22</sup>.

**8-расм. Кредит уюшмалари кредит портфелининг таркиби, %**

**01.01.2004**



**01.01.2005**



Манба: WOCU семинар материаллари, Тонкент, 2005 йил май

<sup>22</sup> Матрузага 1-илова: 3-расм "Ҳар хил турдаги кредит ташкилотларида таъминланган ва кам таъминланган фуқаролар микрокредит олиш эҳтимолининг тадбиркорлар томонидан баҳолатилиши".

Сўровчиларнинг кўпчилиги жиҳатидан олганда, истеъмол мақсадлари учун бериладиган кредитлар ҳаммадан барқарор бўлиб, кредитлар таркибида 20% улушига эга. 2004 йилда айланма маблағларни тўлдиришга бериладиган кредитлар улуши ошди (26%дан 37%гача). Бу ҳол қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун кредит бериш анча қисқарганлиги ҳисобига юз берди (24%дан 12%га тушди). Асосий қарз олувчилар жисмоний шахслар эканлигини ҳисобга олиб, шунга айтиш мумкинки, барча ЖКУ кредитларининг асосий қисми хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда истеъмол мақсадларини кўзлаб “ишламоқда”.

Гарчи ЖКУларнинг капиталлаштириш даражаси ошиб боришини ҳозирча банк секторининг капиталлашуви билан таққослаб бўлмаса-да, лекин унинг суръатлари юқори: 2005 йил бошида ЖКУлар капитали 950 млн. сўмни ташкил қилди ва 2003 йилга нисбатан 2,5 барабар ўсди. Капиталнинг таркибида асосан ЖКУ аъзоларининг пай бадалларини ҳисобига шакллантирилган устав фонди бор. 2004 йил мобайнида пай бадалларнинг ўртача миқдори жисмоний шахслар учун 5 минг сўмдан 2 минг сўмгача камайирилипти ЖКУларга мижозлар базасини кенгайтириш ва шу тариқа устав фондининг миқдорини кўпайтириш имконини берди.

#### **ЖКУларнинг ривожланишидаги асосий муаммолар жумласига қуйидагилар киради:**

- **Активларнинг ўсишига қўйиладиган чекловлар.** Қопуш билан белгиланадиган чекловлар мавжуд бўлиб, улар активларнинг ўсишига тўсқинлик қилади. Бундай чекловлар жумласига омонатлар қабул қилиш ва кредитлар беришдан бошқа барча фаолият гуруҳларининг тақиқланиши; давлат қимматли қоғозларига инвестицияларнинг чекланиши (капиталнинг кўпи билан 20%и миқдоридан); кўчмас мулкка инвестициялар бўйича чекловлар (активларнинг кўпи билан 10%и миқдоридан) киради. ЖКУлар активлари ва капиталининг миқдори катта бўлмаганлиги сабабли бундай чекловлар оғирлик қилмоқда.
- **Кредитлар бўйича қарздорлик.** Муаммоларнинг бу гуруҳи икки қисмга бўлинади. Биринчи қисм кредитларни ундириб олишни таъминлаш билан боғлиқ. Суд ижрозчиларининг кўпчилиги банкларнинг қайтариб берилмаган кредитлари билан шуғулланадилар (уларда кредитлар миқдори бир неча барабар юқори) ва ЖКУларнинг талабларини инкор этадилар.

Муаммоларнинг иккинчи гуруҳи муддати ўтган кредитларни ҳисоблаш методологияси билан боғлиқ. Тижорат банкларида кредитни узил-кесил қайтаришнинг асосий муддати келган вақтда кредит муддати ўтган ҳисобланади. Банклардан фарқли ўлароқ, ЖКУларда фоизлар бўйича ҳатто бир кунлик кечикиш мавжуд бўлса ҳам, барча кредитнинг муддати ўтган ҳисоблана бошлайди. Бундай ёндашув захира фондини шакллантиришни тақозо этади. Бу фонд ЖКУ активларидан ташкил этилади. Демак, ЖКУларнинг кредит имкониятлари ва даромадлари камаяди.

#### **2.4. Бюджетдан ташқари фондлар ва халқаро молия институтларининг кредит линиялари**

Ўзбекистонда қуйидаги бюджетдан ташқари фондлар ва халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли микрокредит линиялари берилмоқда:


**1. Деҳқон ва фермер хўжаликлари ассоциацияси (ДФХА) ҳузуридаги Деҳқон ва фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш фонди қуйидагиларни амалга оширади:**

- Кредит қайтарилишининг гаров, сугурта ва бошқа кафолатларини тақдим этиш шарти билан деҳқон ва фермер хўжаликлари эгаларини имтиёзли кредитлаш;
- Янги ташкил этилган деҳқон ва фермер хўжалиklarига уларнинг дастлабки (бошланғич) капиталини шакллантириш учун 3 йилгача муддатга кредитлар бериш;
- Ташкил этилаётган, ДФХА таркибига кирадиган кичик корхоналарни қайтариб бериш асосида айланма маблағлар билан таъминлаш;
- Деҳқон ва фермер хўжалиklarининг мулки олинаётган чет эл микрокредитларини гаров билан таъминлаш учун етарли бўлмаган тақдирда, уларнинг устав фондларини шакллантиришда улуш қўпиб қатнашиш.

2. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги гаркибидаги ИИ билан бандликка ёрдамлашиш давлат фонди (ИББФ) ил жойларини сақлаш ва янгиларини яратиш мақсадида кредитлар беради. ИББФ маблағлари корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди (МХТФ)дан ажратмалари ҳисобидан шакллантирилади. 2002 йилдан бошлаб ИББФ линияси бўйича микрокредитларнинг устувор йўналиши кам таъминланган оилалар орасида оилавий бизнесни ривожлантиришдан иборатдир.

2001 йилдан 2005 йилгача бўлган даврда Фонд кредитларининг умумий ҳажми 50 млрд. сўмни ташкил этиб, шулардан 12%и (6,1 млрд. сўми) микрокредитлар ҳиссасига тўғри келади. Фонд маблағларидан бериладиган микрокредитлардан фойдаланган мижозлар сони анча ўсиб, тахминан 8 минг кишини<sup>21</sup> ташкил қилди. ШУ билан бирга микрокредитларнинг ўртача миқдори 0,9 млн. сўмни ташкил қилади.

**9-расм. ИИ билан бандликка ёрдамлашиш фонди линияси бўйича бериладиган кредитлар динамикаси.**



Манба: Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.

<sup>21</sup> 2005 йил май ойидаги ҳолатга кўра.

Кўрсатиб ўтилган кредит линиялари бўйича хизматлар рўйхати 1-иловада келтирилган (19-жадвал).

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳар йили аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларни тузади, микрокредит ресурслари кўпроқ жойлаштириладиган туманларни белгилайди. 2005-2006 йилларда республиканинг меҳнат бозорига вазият танг бўлиб турган 51 та туманига 16.9 млрд. сўм миқдорида кредит ресурслари, шу жумладан 6.2 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратиш мўлжалланмоқда.

Таҳлил шунга кўрсатадики, бюджетдан ташқари фондларнинг микрокредитлари қишлоқ хўжалик фаолияти учун (айниқса чорвачиликни ривожлантиришда) ва бошланғич капитални шакллантириш учун аниқса жозибалидир. Бюджетдан ташқари фондлар кредитларининг устувлиқ жиҳатлари очик кўриниб турибди: паст фоиз ставкаси<sup>24</sup>, кредитни нақд пул билан олиш мумкинлиги, кредитлаш муддати узоқлиги ва кагга имтиёзли давр. Айти вақтда бюджетдан ташқари фондлар кредит линияларининг муаммоли жиҳатларига қуйидагилар киради:


- **Чекланганлик.** Кредит ресурслари чекланган ва улар камайиб бормоқда (ИБЕФга МХТФдан ажратмалар ставкаси 2002 йилдаги 1,5%дан 2005 йилда 0,5%гача камайганлиги муносабати билан). Қисқариб бораётган имкониятлар Фонд маблағларини бошқа манбалардан бериладиган кредит ресурсларидан фойдаланиш имконияти чекланган туманларда оилавий бизнесни ривожлантиришга янада аниқроқ қаратишни талаб қилмоқда.
- **Фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги.** Қайтарилмаган ва муддати ўтказиб юборилган кредитлар ва улар бўйича фоиз тўловларининг миқдори ўсиб бормоқда. Кредитларни гаровсиз таъминлаш механизми амалда ишламаётганлиги туфайли кредитлар қўйилган ижтимоий мақсадларга (кам таъминланган оилаларнинг даромадларини оширишга) эришмаётган. Мавжуд низомларда бундай механизм амалга оширилиши мумкинлиги назарда тутилган.
- **Банк муассасаларининг узоқдалиги.** Кредит олиш учун банкда ҳисобвараққа эга бўлиш керак. Бу эса банк муассасалари узоқда жойлашганлиги туфайли қишлоқ тадбиркорлари учун қийинчилик туғдиради. Бунинг устига кредит олиш учун аддия органларида рўйхатдан ўтиш зарур бўлиб, бунга ҳамма вақт ҳам маблағ топилавермайди.

<sup>24</sup> Бошланғич капитални шакллантиришга фоиз ставкаси – МБ амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми; деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш ва кенгайтиришга, қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олишга, фермерлик иншоотларини қуришга қайта молиялаш ставкасининг 1/3 қисми; хом ашё ҳамда материалларни ишлаб чиқариш ва уларни чуқур қайта ишлашга, маҳаллий саноатни ривожлантиришга қайта молиялаш ставкасининг 40%, бошқа мақсадларга қайта молиялаш ставкасининг 45% миқдорида белгиланади. Шу билан бирга ИБЕФ ҳамда Деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш фондининг кредит линиялари ҳисобидан бериладиган микрокредитлар бўйича банк маржаси имтиёзли ставканинг 50% миқдорида белгиланади. Бошқа кредитлар бўйича банк маржаси имтиёзли ставканинг 45% миқдорида белгиланади.


### ЕТТБ кредит линияси

ЕТТБ кредитларига талаб айниқса қатталигига бир қанча омиллар сабаб. Биринчидан, ЕТТБ ботқалардан фарқли ўлароқ<sup>25</sup>, савдога пул беради. Иккинчидан, кредит инспекторларининг иш ҳақи берилган кредитлар сонига тўғридан-тўғри боғлиқ. Учинчидан, миқозлар кредитни бизнес-режага мувофиқ эмас, балки ўз хоҳишларига қараб сарфлашлари мумкин. Бундан ташқари, яна битта жуда муҳим қулайлик бор - кредит муддатлари ва тартибини миқознинг илтимоси билан ўзгартириш мумкин. Фойзалар бўйича тўловлар ойма-ой ҳам, кредитни қайтариш муддати тугагини кутмай, яхлитлигича ҳам амалга оширилади.

10-расм. ЕТТБнинг Ўзбекистондаги кредит линияси: кредит портфели (АҚШ доллари)



11-расм. ЕТТБнинг Ўзбекистондаги кредит линияси: берилган кредитлар сони



Манба: [www.j-ushp.com](http://www.j-ushp.com)

<sup>25</sup> Ўзбекистонда куйидаги халқаро молия институтларининг кредит линиялари очилган: ОТБ, ЕТТБ, ОПЕК Фонди, ХМК, АҚИП Эксимбанки, Ислоҳ тараққиёт банки, АКА банк (Германия), Банкгезелшафт (Германия), Дрезднер банк (Германия), Хишо Верейнс (Германия, Италия), ABN AMRO банк, Банк Национале де Лаворе/Саре (Голландия), Коммерцбанк (Германия), Банк Гезелшафт Берлин (Германия), Туркэксимбанк (Туркия). Ушбу линиялар ТИФ Миллий банки, Асакабанк, Саноатқурилишбанк томонидан бериллади.



## Микроолиялаш норматив-ҳуқуқий базасининг таҳлили

### Тижорат банклари микроолиявий хизматларининг норматив-ҳуқуқий базаси

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, банклар томонидан жисмоний ва юридик шахсларни микрокредитлаш<sup>26</sup> билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий база тўла-тўқис яратилган. Банклар ҳеч қандай чекловларсиз, аммо айрим шартларни ҳисобга олган ҳолда микрокредитлаш билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

#### 4-қўшимча. Кредитлаш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати

##### I. Ўзбекистон Республикасининг Қонунилари.

1. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги “Чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелдаги “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни.

##### II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари

1. “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. №ПФ-1987. 1998 йил 9 апрел.
2. “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. №ПФ-2554. 2000 йил 21 март.

##### III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. “Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмни такомиллаштириш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. №232. 1998 йил 27 май.
2. “Фермерлар, хусусий тадбиркорларни, шунингдек, кичик бизнеснинг бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. №75. 2000 йил 4 март.
3. “Банк тизимини ислоҳ қилиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. №104. 2000 йил 24 март.
4. “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. №195. 2000 йил 19 май.

<sup>26</sup> Бинобарин, кредитлашнинг кичик категорияси сифатида микрокредитлаш билан ҳам.

5. "Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжалиklarини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга боғжона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. №366. 2001 йил 10 сентябр.
6. "Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан бирга микрокредитлаш дасгурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. №367. 2001 йил 10 сентябр.
7. "Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кичик бизнесни кенг қўлабда ривожлантириш дасгурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. №201. 2002 йил 6 июн.
8. "Ўзбекистон Республикасида микромолиядашни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. №309. 2002 йил 30 август.

#### IV. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 26 июлдаги "Мадад" агентлигини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида"ги 292-рақамли Қарори билан тасдиқланган Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини сугурталаш (шу жумладан кичик бизнес корхоналари оладиган кредитларни таъминлаш учун тақдим этиладиган гаровларни сугурталаш) тартиби.
2. Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 29 февралда 902-рақам билан рўйхатга олинган Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжалиklarини миқддий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби.
3. Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 29 февралда 903-рақам билан рўйхатга олинган Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиklари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миқддий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби.
4. Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 2 мартда 905-рақам билан рўйхатга олинган Тижорат банкларининг кредит сиёсатида кўйиладиган талаблар тўғрисида Низом.
5. Адлия вазирлигида 2000 йил 2 мартда 906-рақам билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжаларини юригим тартиби тўғрисида Низом.
6. Адлия вазирлигида 2000 йил 7 мартда 907-рақам билан рўйхатга олинган Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarини ҳамда кичик бизнес субъектларини миқддий валютада кредитлаш тартиби.
7. Адлия вазирлигида 2001 йил 3 октябрда 1074-рақам билан рўйхатга олинган Тижорат банклари томонидан якка тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларини бюджетдан ташқари фондлар кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом (янги таҳрирда).
8. Адлия вазирлигида 2002 йил 3 июнда 1146-рақам билан рўйхатга олинган Тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорлик субъектларига Иш билан бандликка ёрдамлашини фонднинг кредит линияси ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низом.
9. Адлия вазирлигида 2003 йил 10 декабрда 1290-рақам билан рўйхатга олинган Ломбардларнинг фаолият кўрсатиши ва операцияларни амалга ошириши қоидалари.

Банкларнинг микрокредитлаш соҳасидаги фаолиятини тартибга солувчи асосий норматив ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

- 2000 йил 29 февралдаги 902-рақамли “Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тадбиркорлар ва деҳқон хўжалиklarини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби”;
- 2000 йил 29 февралдаги 903-рақамли “Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиklари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби”;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-рақамли “Банк тизимини ислох қилиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-рақамли “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

Банк микрокредитининг ажралиб турувчи хусусиятлари микрокредит миқдоридан (ННТ-ММТда 3 минг АҚШ долл.); имтиёзли фойз ставкаларидан (ННТ-ММТ микрокредитларининг ставкалари субсидияланмайди); гаров таъминотининг мажбурийлиги ва кредит ҳужжатларини тайёрлаш тартибидан (банклардаги кредит ҳужжатлари банк кредитларининг бошқа турларидаги ҳужжатлар билан бир хил, ҳолбуки ННТ-ММТда у жуда соддалаштирилган).

**5-қўшимча. Юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари микрокредитлар олиши учун керакли ҳужжатлар рўйхати:**

- микрокредит олиш учун кредит буюртмаси;
- бизнес-режа, унда пул оқимининг таҳлилини кўрсатиш шарт;
- охириги ҳисобот даври учун солиқ инспекцияси тасдиқлаган бухгалтерия баланси.

Юридик шахс мақомини олмаган якка тадбиркорлар ва деҳқон хўжалиklари банкка куйидаги ҳужжатларни топширадилар:

- микрокредит олиш учун сўраётган сумма кўрсатилган ариза;
- бизнес-режа, унда олинадиган кредитдан қандай мақсадларда фойдаланилишини кўрсатиш шарт.

Бундан ташқари, якка тадбиркор ёки деҳқон хўжалигининг бошлиғи паспортини шахсан кўрсатади, унинг нусхаси кредит ишига тиркаб қўйилади.

Қарзни қайтармаслик хатарига йўл қўймаслик мақсадида қарз олувчи таъминотга эга бўлиши керак. Таъминотга қўйиладиган асосий талаб уни сотиш мумкинлигидан иборатдир. Қарз олувчи банкка куйидаги таъминот турларидан бирини тақдим этишга ҳақли:

- мулкни ёки қимматли қоғозларни гаровга қўйиш;
- банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати;
- учинчи шахсларнинг кафиллиги;
- суғурта компаниясининг қардор кредитни қайтармаслиги хатари суғурталанганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;
- маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини органининг кафиллиги.

Банк томонидан микрокредитлаш соҳасидаги амал қилиб турган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

- “Банк томонидан микрокредитлаш” тушунчаси 1999 йилда пайдо бўлди<sup>27</sup>. “Микрокредитлаш” тушунчасининг “кредитлаш” тушунчасидан муҳим фарқи микрокредитнинг энг кўп суммаси эълон қилиб қўйилиши ҳамда микрокредит суммасининг 50%ини нақд пулда олиш мумкинлигидан иборат эди. Шу билан бирга нақд пулда олинган сумма ва унинг фоизлари фақат нақд пулда қайтарилиши керак.
- 903-рақамли Тартибда гап кичик корхоналар ёки фермер хўжаликлари сифатида фаолият юритувчи юридик шахсларни микрокредитлаш ҳақида боради. Улар, қоида тариқасида, микрокредитларга муҳтож тоифа бўлмасдан, оддий банк кредитларидан фойдаланиш имконига эга. Шу билан бирга микрокредитлар бериш ва уларнинг қайтарилмаслиги хатаридан банкларни ҳимоя қилиш механизми оддий кредитларни бериш шартлари билан бир хил (яъни кредит миқдорига боғлиқ эмас).
- Банклар яқка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган jisмоний шахсларни микрокредитлайди. Давлат рўйхатиға олинш бошқа шартлар билан бир қаторда ҳақ йўлашни талаб қиладикки, бу янги иш бошлаётган тадбиркорларнинг микрокредитлардан фойдаланишини қийинлаштиради.

### **ННТ-ММТлар кўрсатадиган микромолиявий хизматларнинг норматив-ҳуқуқий базаси**

ММТ тушунчаси республикада Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 30 сентябрда “Ўзбекистон Республикасида микромолиялашни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 309-рақамли базавий Қарорни қабул қилиши билан пайдо бўлди. Янги микромолиялаш воситаларини ҳамда халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат потижорат ташкилотларнинг<sup>28</sup> беғараз грантларини жалб этиш йўли билан аҳолиға тадбиркорликда янада фаол иштирок этиш имконини бериш мақсадида қабул қилинган ушбу қарор ННТ-ММТлар ривожланиши учун қулай шароит яратди. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги микромолиялаш дастурларини ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи идора сифатида тасдиқланди.

<sup>27</sup> “Тижорат банклари томонидан яқка тадбиркорларни, кичик бизнес субъектларини бюджетдан ташқари фондларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби” №755. 1999 йил 20 июл.

<sup>28</sup> Депорлардан бошлаб тараққиёт банклари ва халқаро ННТларгача: ACD/VOCA, FINCA US-AID йўли билан; ОТБ; БМТ РД. “Очиқ жамият” институти (Сорос Фонди); “Меҳр-муруват корпуси” халқаро гуманитар ташкилоти (Буёк Британия ҳукуматининг мададида); Нидерландия халқаро ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилоти (НОВИБ); “Биргалликда ривожланиш” (ЖДА) АҚШ ноҳукумат ташкилоти; ЈСА (Япония) линияси бўйича ноҳукумат ташкилотлар – талим дастури; АҚШнинг ноҳукумат ташкилотлари “Норт Вест Медикал Тим” ва “Глобал Лайфлайн”.

Юридик ва жисмоний шахслар (Ўзбекистон Республикасининг резидентлари) миллий валютада нақд пул маблағлари билан, ҳар бир қарз олувчига 3 минг АҚШ долларидан ортиқ бўлмаган сумма эквивалентида, муддатлилиқ, ҳақ тўлаш ва қайтариб бериш шarti билан микромолияланади. Донор ташкилотларнинг микромолиялаш манбаи сифатида фойдаланиладиган, эркин айирбошланидиган валютадаги грантлари маблағлари тегишли вакил банкнинг вакиллик ҳисобварағига ўтказилади ва банклараро валюта савдоларида сотилади.

#### Ассосий муаммолари жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

- 309-рақамли Қарор чекланган ҳуқуқий қоидаларни белгилайди. У “донорлар” рўйхати келтирилган иловани ўз ичига олган бўлишига қарамай, ушбу рўйхат истиснолим-йўқми эканлиги (қарорда кўрсатилмаган бошқа донорларнинг маблағларидан фойдаланувчи ММТлар ҳам микромолиялаш борасида ишлатилари мумкинлиги) ноаниқ бўлиб қолган, яъни қарор барча турдаги ММТларга тааллуқли эмас.
- ННТ-ММТларнинг юридик мақоми белгиланган эмас. АЖ ва МЧЖлар аҳоли депозитларини жалб этишга даъвогар бўлган ММТлар микроқарзлар бериш соҳасида фаолият юритиши учун мақбул механизмлар бўлиши мумкин. Иккала юридик шакл ҳам иштирокчиларнинг чекланган масъулияти билан марказлашган бошқарувни ўзида бириктиради. Қолган учта юридик шакл (хўжалик ширкатлари (тўла, коммандит), ишлаб чиқариш кооперативлари ва унитар корхоналар) шундай хусусиятлари билан ажралиб турадики, бу хусусиятлар уларни ана шу мақсадлар учун номақбул қилиб қўяди<sup>29</sup>.
- нақд пул олиш ва ундан фойдаланиш муаммолари туфайли ННТ-ММТларнинг микроқарзлар бериш имконияти чекланган. Банк миқозлари ўз депозитларидан маблағларни ўз хоҳишларига қараб, ҳеч қандай чекловларсиз олиш ҳуқуқига эга. Банк бу ҳаракатларни миқознинг тўлов топшириқномаси олишдан кундан кейин бир кун ичида ёки шартномада кўрсатилган шартларга мувофиқ амалга оширишни шарт. Банк миқознинг топшириқларини ёки пул ўтказишни кечикиб бажарганлиги учун ҳам жавобгар бўлади. Муаммо шундаки, нақд пул муомаласига доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Фуқаролик кодекси шартларига зид. ННТ-ММТлар бу чекловлардан бошқаларга қараганда кўпроқ зарар кўради, чунки улар микрокредитларни (микроқарзларни) нақд пулда беришлари керак.

<sup>29</sup> Хўжалик ширкатлари масаласига келсак, қатнашчиларнинг ширкат мажбуриятлари учун жавобгарлиги чекланган эмас (коммандит ширкат учун баъзи истиснолар билан), устав капиталнинг минимал миқдори эса қонун билан белгилаб қўйилмайди. Ширкатнинг тижорат фаолияти истаган тўлиқ қатнашчи томонидан ширкат номидан устав ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Марказлантирилган бошқарув бўлмаган ҳолларда ширкат фаолиятини бошқариш мураккаб ваيفا бўлиб қолади.

Ишлаб чиқариш кооперативлари ассосан ишлаб чиқариш мақсадларида ташкил этилади ва улар ишлаб чиқариш секторидagi корхонага (микромолиявий фаолият сингари) тўғри келмайдиган кўплаб талаблар ва шартларга жавоб бериши керак.

Нақд пул билан боғлиқ чекловларнинг микромолиялаш учун муаммолиги 309-рақамли қарорда (НПТ-ММТлар учун), 348-рақамли қарорда<sup>30</sup> (ЖКУлар учун), 201<sup>31</sup> ва 367-рақамли<sup>32</sup> қарорларда (ЕТТБ томонидан банклар орқали субкредитлаш дастурлари) ҳисобга олинди. Бундай ёндашувни кейинчалик ҳам ўзгартирмаслик, шу тариқа норматив ҳужжатларнинг изчиллигини сақлаб қолиш ва микромолиялашнинг мақомини тасдиқлаш керак.

- НПТ-ММТларнинг муаммоси кредитлар (қарзлар) қайтарилишидан тушган нақд пулларни ўз биноларида сақлаш чеклаб қўйилаётганлигидан иборат. ММТлар нақд пул маблағларини ипкассация қилишга мажбур, холбуки ММТлар учун нақд пуллардан яна бошқа қарзлар берилган учун фойдаланиш афзалроқ, чунки қарзлар бўйича тўловларни ипкассация қилиш бу маблағларни кейинчалик банклардан қайтариб олишда муаммоларга олиб келади. Лекин:

1. Мулк шаклидаги қағзи назар, ҳамма юридик шахслар МБ томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги 1998 йил 17 декабрда 565-рақам билан рўйхатга олган Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидаларига риоя этишлари шарт. Бу эса ҳеч ким ММТлар учун истиснолар қилмаслигини аниқлатади.

2. Мазкур Қоидаларнинг 4-бабига мувофиқ, кассадаги нақд пул қолдиқларининг лимитлари банклар томонидан таъкилотлар раҳбарлари билан келишувга мувофиқ белгиланади, шу билан бирга зарур бўлса, бу лимитлар қайта кўриб чиқилиши мумкин. Шундай қилиб, бу масала кассадаги нақд пул қолдигини ва нақд пулдан фойдаланиш нормасини ошириш борасида ММТ ваколатларини кенгайтириш йўли билан тартибга солиниши мумкин.

### **ЖКУ кўрсатилган микромолиявий хизматларнинг норматив-ҳуқуқий базаси**

ЖКУ фаолияти “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ амалга оширилади. Қонунда ЖКУга ва унинг фаолият турларига, ЖКУни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда унга МБ томонидан лицензиялар бериш тартибига таъриф берилади, МБнинг ЖКУ фаолиятини тартибга солиш борасидаги ваколатлари келтирилади, молиявий операцияларни амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот юритишнинг ЖКУ учун мажбурий қоидалари белгиланади.

Қонунда Кредит уюшмаси аъзоларининг энг кам сони ҳам белгиланади, у элик кишидаги кам бўлиши мумкин эмас. ЖКУ аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг таъсис ҳужжатлари (бу ҳужжат унинг уставидир) алоҳида кўрсатилади. Қонунда шунингдек, кредитлар бериш, дивидендлар тўлаш тартиби, шунингдек, кредит уюшмасини қайта таъкил этиш ва тугатиш тартиби ҳам белгиланган берилади.

<sup>30</sup> ВМнинг 2003 йил 8 ноябрдаги Қарори “Кичик бизнес ва микромолиялашни ривожлантириш” лойиҳасини Осиё тараққиёт банки ишгирида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”.

<sup>31</sup> ВМнинг 2002 йил 6 июндаги Қарори “Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кичик бизнесни кенг қўламада ривожлантириш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”.

<sup>32</sup> ВМнинг 2001 йил 10 сентябрдаги Қарори “Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан бирга микрокредитлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”.

### 6-қўшимча. ЖКУ фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар

**1. Кредит уюшмалари томонидан** капитални шакллантириш, кредитлаш, депозитлар шаклида пул маблағларини жалб этиш, пунингдек, кредит уюшмасининг фаолияти натижасида келиб чиқадиган хатарларни камайтириш мақсадида бўш турган пул маблағларини инвестициялаш билан боғлиқ молиявий операцияларни амалга ошириш қойдалари<sup>33</sup>.

Қойдаларга мувофиқ, ЖКУ барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида шакллантирилган капиталнинг умумий миқдори кредит уюшмаси активлари умумий суммасининг камида 15%ни ташкил этиши керак. Битта қарз олувчига ёки бир гуруҳ ўзаро боғланган қарз олувчиларга берилган кредит миқдори кредит уюшмаси капиталининг 25%идан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Битта қарз олувчига ишонч асосида берилган кредитнинг энг кўп миқдори ЖКУ капиталининг 10%идан ортиқ бўлмаслиги керак.

ЖКУ пул маблағларини жамғарма ёки муддатли депозитларга жалб этиши мумкин. Бу иш ЖКУ билан унинг аъзолари ўртасида тузиладиган депозит шартномалари асосида амалга оширилади.

Қойдаларда жорий ликвидлик коэффициентига риоя этилиши назарда тутилади. Бу коэффицент сўндириш муддати 30 кунгача бўлган ликвидли активлар ва омонатларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган ва бажариш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар суммасига нисбати сифатида ҳисоблаб чиқарилади. Жорий ликвидлик коэффициентининг қиймати кредит уюшмалари учун камида 20% бўлиши керак.

**2. Кредит уюшмаси устав фондининг энг кам миқдорини, рўйхатга олганлик учун йиғим миқдорини, кредит уюшмаси ижро этувчи органи раҳбарига қўйилади ан малака талабларини, кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг шаклини ҳамда рўйхатга олиш тартибини ва лицензия беришни, кредит уюшмасининг аъзоси пай бадалнинг тўлаганлиги ҳақидаги сертификат шаклини тасдиқлаш ҳақида** Пизом<sup>34</sup>.

ЖКУ устав фондининг энг кам миқдори қуйидагича белгиланади:

- 20 минг АҚШ доллари эквивалентда – Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган кредит уюшмалари учун;
- 10 минг АҚШ доллари эквивалентда – бошқа аҳоли пунктларида ташкил этиладиган кредит уюшмалари учун.

Кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун кредит уюшмаси устав фондининг белгилаб қўйилган энг кам миқдоридан 0.1% миқдоридан йиғим олинади. ЖКУ ижро этувчи органининг раҳбарига қўйиладиган малака талаблари олий маълумотни, молия соҳасида камида 3 йиллик иш стажини ва иш соҳасида бешуқсон обрўни ўз ичига олади.

**3. Кредит уюшмаларида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича йўриқнома<sup>35</sup> бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш қойдаларини; молиявий операцияларни ҳисобга олиш ва назорат қилишни; бухгалтерия аппаратининг гузилишини, ЖКУ аъзоларига хизмат кўрсатиш усулларини; ҳужжатлар айланишини ташкил этиш усулларини; Халқаро стандартларга асосланган бухгалтерия ҳисоботини тузиш тартибини белгилаб беради.**

<sup>33</sup> Ушбу Қойдалар Марказий банк бошқарувининг 2002 йил 14 сентябрдаги 21-А/2 рақамли қарори билан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлигида 2002 йил 7 сентябрда 1179-рақам билан рўйхатга олинган.

<sup>34</sup> Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 21 июнда 1151-рақам билан рўйхатга олинган.

<sup>35</sup> Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 27 мартда 1228-рақам билан рўйхатга олинган.

2004 йилда ЖКУлар жўшқин ривожланганлиги, ҳатто юқорида кўрсатиб ўтилган чекловларни ҳисобга олганда ҳам, ЖКУнинг ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий базаси прогрессив рағбатлангирувчи база эканлигини кўрсатади.

Умуман олганда, Ўзбекистонда микроолиялаш жараёнининг норматив-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш икки босқичда юз берипи керак, деб ўйлаймиз:

1. Вазирлар Маҳкамасининг Қарорини қабул қилиш. Бу қарорнинг вазифалари ММТларнинг энг долзарб кундалик муаммоларини: турли хил ММТларни рўйхатга олишнинг аниқ тадбирини расмийлаштиришдан, ММТларнинг муқобил молиявий манбалардан фойдалана олишини ва бундан кейинги солиққа тортиш режимини белгилашдан иборат бўлади.
2. “Ўзбекистон Республикасида микроолиялаш тўғрисида” Қонун ишлаб чиқиш. Бу қонуннинг мақсади ММТ фаолияти билан боғлиқ барча масалаларни расмийлаштиришдан иборат бўлади. Қонуннинг қабул қилиниши оптимал ҳуқуқий базани шакллантириш нуқтаи назаридан микроолиявий сектор учун ҳолат ижобий самарани таъминлаб беради.



## Микромолиялашнинг қонун билан расмийлаштиришни талаб қиладиган муаммолари

### 4.1. ММТларни тартибга солиш

ММТ фаолиятини тартибга солишга бағишланган қонун ҳужжатини ишлаб чиқиш вақтида кўйлаб саволлар туғиладики, улар учта гуруҳдан иборат:

1. Пруденциал<sup>16</sup> тартибга солувчи қоидалар нормаларини қўлланиш керакми?
2. Пруденциал тартибга солувчи қоидаларни қачон ва қандай қўллалш керак?
3. Нимага тартибга солиш керак: тапкилотларними ёки фаолият турлариними?

#### Пруденциал тартибга солувчи қоидаларни қўллаш ёки қўлламаслик.

Экспертлар қайд этишича, ҳатто юз минглаб мижозларга эга бўлган тақдирда ҳам микромолиялаш бугун банк ва тўлов тизими учун жиддий хатар туғдирадиган активларга эга бўлмайди. Шу сабабли депозитлар қабул қиладиган ММТлар учун пруденциал тартибга солувчи қоидалар мавжуд бўлишининг бирдан-бир асоси ММТ омонатчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат<sup>17</sup>. Утиш даври иқтисодий паразитида “салмоқ” ортади. Бу даврда молиявий беқарорликни иқтисодий бўлмаган қўшимча омишлар келтириб чиқариши мумкин.

Мутахассисларнинг кўпчилиги аҳоли депозитларини қабул қиладиган ММТларга нисбатан пруденциал қоидаларни қўллаш зарур (тартибга солувчи орган лицензиясини олиш зарур) деган фикрга қўшилмоқда. Ҳозирги пайтда фақат битта тартибга солувчи орган ушбу вазифани самарали бажариш учун зарур ресурслар, тажриба ва мустақилликка эга. Бу орган – Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкидир<sup>18</sup>.

Тапкилотларнинг молиявий ишончилигини таъминлашни талаб қилмайдиган масалаларда пруденциал бошқарувчи нормалардан фойдаланиш керак эмас. Аҳоли депозитларини қабул қилмайдиган ММТлар учун пруденциал

<sup>16</sup> Агар тартибга солувчи қоидалар ёки назорат молия тизими беқарор бўлишига ва махсус билимлари бўлмаган майда омонатчилар зарар кўришига йўл қўймаслик учун лицензияланган воситачининг молиявий ишончилиги яна ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, улар пруденциал бўлади.

<sup>17</sup> Микромолиялаш бир жойда турмай, ривожланиб боради. Шу сабабли депозитлар қабул қилувчи ММТларнинг ривожланиши юқори даражага етиши биланоқ, омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларидан тапқари тизимга хос хатарлар билан боғлиқ масалалар ҳам пайдо бўлади. Активлари унча катта бўлмаган, ammo мижозларининг сони кўч бўлган лицензияланган ММТнинг ҳалокати бутун микрокредитлаш ҳоясини обрўсизлантириши мумкин.

<sup>18</sup> Назоратни микромолия институтлари ассоциацияси томонидан амалга ошириш мумкинлиги (“Ўзини ўзи назорат қилиш”)дан тортиб, то уни молия институтлари устидан умумий назоратни амалга оширувчи орган ваколатига топширишгача бўлган фикрлар хилма-хиллиги мавжуд. Молиявий воситачиларнинг ўзини ўзи тартибга солиш механизмидан фойдаланиш борасида бошқа мамлакатлар тажрибаси бундай ёндашувнинг асоссизлигини кўрсатади.

руҳда бўлмаган талаблар (шу жумладан, фуқаролик ва жиноят кодексларининг қоидалари)<sup>39</sup> билан чекланиш, тартибга солишни аса маълум даражадаги маъмурий воқолатлар ёрдамида мониторинг қилиш билан чеклаш мумкин.

### **Пруденциал тартибга солувчи қоидаларни қачон ва қандай қўллаш керак?**

Мамлакатимиздаги ММТларнинг кўпчилиги микромолиявий хизматлар тижорат билан боғлиқлигини қатъиян инкор этади. Иккинчидан, ННТ-ММТлар ўзларининг ННТ мақомларини сақлаб қолишни ва шу билан бирга молиялаш учун қарз мавбаларини (шу жумладан, аҳоли депозитларини) жалб этишга рухсат олишни исгайдиларки, бу юридик нуқтаи назардан зиддиятлидир. Учинчидан, сўров натижаларига кўра, ММТлар ҳозирча фойзалар тўлаи учун ва ўзлари жалб этишни хоҳлаётган омонатларни ҳимоя қилиш учун етарли миқдорда фойда келтирувчи қарз операцияларини амалга оширмаётир.

Таҳлил шуни ҳам кўрсатмоқдаки, мавжуд ММТлар олаётган фойда ҳозирча депозитлар қабул қилиш билан боғлиқ бўлган молиявий ва маъмурий чиқимларни қоплаш, шу билан бирга ўз капитални иплатиб қўймаслик учун етарли эмас. Эҳтимол, операциялар ўзини ўзи оқлашида тоқори даражага эришган “Барокот” ММТ бундан мустасно бўлиши мумкин.

Бундай шароитларда, шунингдек, МДХ мамлакатларида молия тизими-га нисбатан бартараф этиш қийин бўлган ишончсизлиكنи ҳисобга олиб, мавжуд ММТларга муайян талаблар қўймай туриб (яъни лицензиясиз), аҳоли депозитларини қабул қилишга рухсат бериш мақсадга мувофиқ эмас.

*Корхоналарнинг депозитлари ва депозит ўрнини босувчилар.* Бир қанча мамлакатларда ММТлар ички фонд бозорида тижорат қимматли қоғозлари, облигациялари ёки шунга ўхшаш воситаларни чиқариб, ўз-ўзларини молиялашлари, шунингдек, йирик депозит сертификатларни эмиссия қилишлари мумкин. Аҳоли омонатларида фарқли ўларок, бу воситаларни йирик инвесторлар сотиб олади. Гарчи Ўзбекистондаги ММТлар ҳали бу даражагача “ўсмаган” бўлса-да, микромолиялаш тўғрисида қонун ишлаб чиқиш вақтида ушбу жараённи тартибга солиш усулларини назарда тутиш зарур. Қийинчилик шундаки, бундай воситалар билан ишлашни қандай тартибга солиш кераклиги хусусида ҳамфикрлик йўқ<sup>40</sup>.

*Ўзғарилмиш жамғармалари.* Тартибга солувчи қоидаларни таълаб олиш хусусидаги мунозара асосан донорларнинг маблағларига ташиқил этилган ННТ-ММТлар атрофида олиб борилмоқда. Дунёда “донорларнинг толиқиши” кузатила-

<sup>39</sup> Уларни ижро этиш осонроқ ва пруденциал қоидалар сингари қиммат турмайди.

<sup>40</sup> Таҳлилчиларнинг бир қисми бундай қоғозларни сотиб олувчилар эмисия ММТнинг молиявий жиҳатдан ишончлигини ўзлари мустақил текширишлари керак деб ҳисоблайди. Бундай ҳолларда қимматли қоғозлар билан ишлашни тартибга солувчи оқдий қоидалар қўллаанилиши керак. Бошқа бир гуруҳ (бу гуруҳга кирувчилар корхоналарнинг депозитларини ва аҳоли омонатларини мутлақо тап олмайдилар, шунингдек, қимматли қоғозлар тўғрисидаги маҳаллий қонун ҳужжатларига ва уларни қўллашга ишонмайдилар) ана шундай қоғозларнинг эмисиялари бўлган ММТларга нисбатан пруденциал қоидаларни қўллашни талаб қилади.

ётганлиги сабабли ишчи қарз беришдан бошлаган ММТлар ҳозир кўпроқ ўз аъзоларидан омонатлар қабул қилишни ўйламоқда.

Кўпинча бундай ташкилотлар депозитлари (бадаллари) “умуман аҳолидан” эмас, балки фақат ўз аъзоларидан қабул қилаётганлигидан, уларни пруденциал назорат остига олиш керак эмас дейилмоқда. Бирок, бундай далил икки ҳолат туфайли ишонарли эмас: биринчидан, бундай ММТ ўсиб катталанишида, унинг аъзоларининг бошқарувни назорат қилиш борасидаги амалий имкониятлари тижорат банки омонатчилариникидан ортиқ бўлмайди. Иккинчидан, аъзолик тупшунчасининг маъноси ўзгариб кетиши мумкин, масалан, географик белги бўйича иш олиб борадиган ММТлар катта ҳудудда депозитлар жалб этиши мумкин. Бунинг учун омонат қўйишни истаган ҳар қандай одамнинг аъзо бўлишига руҳсат бериш кифоя.

*Пруденциал қоидаларни нормалаш: капиталнинг энг кам миқдори.* Лицензиялар олаётган янги муассасалар сони билан уларни назорат қилиш самарадорлиги ўртасида бевосита алоқадорлик мавжуд. Назорат қилувчи орган ресурслари чекланганлигидан, танлаб олиш мезони сифатида капиталнинг энг кам миқдорига қўйиладиган талабдан фойдаланилади.

Республикада микромолиялаш соҳасида лицензиялаш ва назоратни амалга оширишнинг амалий жиҳатлари борасида катта тажриба йўқлигини ҳисобга олиб, аввал бошданок консерватив ёндашувни танлаб олиш зарур. Кейинчалик талабларга тузатишлар киритилиб, қонуности ҳужжатларида уларни томшийтиш мумкин.

Бозор ривожланиб борган сари аҳолидан депозитлар қабул қилишга “даъвогар” ММТлар муқаррар равишда пайдо бўлади. Шу сабабли бундай ММТлар капиталининг энг кам миқдори<sup>41</sup> масаласи қонуни билан тасдиқлаб қўйишни талаб қилади. Ана шу жиҳатдан олганда, потижорат ММТларнинг тижорат ММТларига ва аҳоли депозитларини қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган ММТларга “айланиши” механизмини назарда тутадиган қонуннинг зарурлиги кучайиб боради.

*Капиталнинг етарлилигига қўйиладиган талаблар.* Умуман олганда, ММТ капиталининг етарлилигига қўйиладиган талабларни тижорат банкларига қўйиладиган шундай талабга<sup>42</sup> нисбатан ошириш зарурияти йўқ. Бу фикрни тасдиқлайдиган иккига жиддий далил бор.

<sup>41</sup> “Акциядорлик жамиятлари гўрисида”ги Қонунга мувофиқ, очиқ АЖнинг энг кам устав капитали рўйхатга олиш вақтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараварига тенг бўлиши керак. Бирок ВМнинг 2003 йил 19 апрелдаги 189-рақамли қароридан очиқ АЖнинг устав капиталига нисбатан 50 минг АҚШ доллари эквивалентидан янги минимал талаблар белгиланди. Ёшиқ АЖ (камидан 3 та, лекин кўпи билан 50 та акциядор; агар бундан ортиқ бўлса, оdatи ой мобайнида очиқ АЖга айлантйрилади) устав капиталининг энг кам миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараварига тенг бўлиши керак. МЧЖнинг (иштирокчилар сони кўпи билан 50 та) энг кам устав капитали рўйхатга олиш пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараварига тенг бўлиши керак.

<sup>42</sup> Ҳозирги вақтда тижорат банклари капиталининг етарлилиқ нормативи 10% даражасида белгиланб қўйилган.

Биринчидан, республика банклари учун белгилаб қўйилган капиталнинг старлилиги кўрсаткичи ҳозирдаёқ Базел қўмитасининг пруденциал нормативларидан<sup>43</sup> ортиқ. Бу эса Ўзбекистонда мазкур норматив 2%га «кучайтирилганини» билдиради. Иккинчидан, мавжуд ММТлар фаолиятини таҳлил қилиш қарзларнинг қайтарилиш даражаси юқори (95-98%) экаплигини кўрсатмоқда. Муддаги ўтказиб юборилган ва қайтарилмаган қаралар (кредитлар) даражаси банклардагидан анча паст.

Айни вақтда капиталнинг старлилиги хусусида талаблар қўйилмаган деган фикрлар тўғри эмас. Қайтарилиш даражаси юқори бўлганида ММТларнинг қарз портфели банк портфелига нисбатан камроқ даражада барқарор бўлади ва жуда тез ёмонлашиши мумкин (чунки микромолия портфели таъминотга эга эмас). Бундан ташқари, ММТ чиқимлари катта бўлиб, улар юқори фойиз ставкасини белгилашларига тўғри келмоқда. Операция чиқимлари анча юқори ва муддати ўтган қаралар даражаси бир хил бўлганида тижорат банкларида деканализация юз беришига қараганда ММТлар ўз капиталини тезроқ йўқотади.

Капиталнинг старлилигига қўйиладиган талаблар мавжудлигининг яна бир далили шуки, Ўзбекистонда микромолиялаш фаолият тури сифатида ва айрим ММТлар ташиқлот сифатида нисбатан яқинда пайдо бўлди. ММТ раҳбарлари ва уларнинг ходимлари нисбаган тажрибасиз, МБ ҳам назорат қилувчи орган сифатида бу соҳадаги хатарларни таҳлил қилиш ва уларга қарши курашини гажрибасига эга эмас. Бундан ташқари, мавжуд ММТлар тез ўсмоқда ва бу ҳол бошқаришни ҳамда фойдаланиладиган тизимларни «огирлаштиради».

Юқорида кўрсатилган барча сабабларга кўра, аҳоли депозитларини қабул қиладиган ММТларга капиталнинг старлилиги хусусида қўйиладиган талаблар тижорат банкларига қўйиладиган шундай талаблар даражасида бўлиши керак. ММТлар хатарларни муваффақиятли бошқаришга, МБ эса – туғилаётган муаммоларга оператив муносабат билдиришга қодир эканлигини намоён қилгунарлича бундай аҳвол маълум вақт давомида сақлалиб қолиши керак.

Мамлакатимиз ММТлари бу ҳол канягалдан олинадиган самаралил пасайишига ёки фойиз ставкаларининг ошишига олиб келади, деб эъгироз билдиришлари мумкин. Бироқ таҳлил кўрсатишича, микроқарзаларга бўлган талаб фойиз ставкасига деярли сезгир эмас: ҳатто ҳозирги деярли “судхўрларча” ставкаларда ҳам микрокредитларга бўлган талаб барқарор равишда юқори. Давлат фойиз ставкасининг энг юқори миқдорини четаралаб қўймаётган экан, мамлакатимиз ММТлари “фойиз ўйини” буйича катта имкониятга эга.

*Қарзларни қайтармаслик холлари учун захирадарин шакллантириши.* Мамлакатимиздаги ММТлар ўз микрокредитларининг “таъминоти” сифатида гуруҳ бўлиб (биргалиқда) кафолатланни қўлламоқдаларки, бу аслида, шундай схемани микромолиялаш соҳасида норматив сифатида қўллашга имконият яратиб бера-

<sup>43</sup> Базел қўмитаси нормативларига кўра, капиталнинг старлилиги коэффициенти 8% даражасида белгиланган.

ди. Лекин бу вариант ҳамма ММТлар ана шундай кафолатлардан фойдаланган тақдирдагина қулай бўлиши мумкин.

Биргаликда кафолатлаш асосдаги кредитларнинг кўпчилиги ММТлар фаолиятининг бошланғич даврида берилган эди. Ҳозир ММТлар мулкни гаровга олиб яқка тартибда кредитлашдан тобора кўп фойдаланмоқдалар. Бундан ташқари, гуруҳ бўлиб (биргаликда) кафолатланган микроқарзларни қайтариш кўрсаткичлари яқка тартибда кафолатланган қарзларга доир кўрсаткичлардан юқори эканлигини тасдиқлайдиган маълумотлар йўқ.

Ана шу ҳолатларни ҳисобга олганда, захираларни шакллантиришнинг тегишли базасини ишлаб чиқиш зарур<sup>44</sup> дейишга асос бор. Бу асосан қисқа муддатга (ўрта ҳисобда 6 ойгача) микроқарзлар берадиган мамлакатимиз ММТлари учун айниқса тўғри. Агар қарз муддатлари қисқа бўлганида қарзни қайтариш 60 кундан ортиқ кечикса, ҳафта сайин қайтариш графиги билан уч ойга таъминотсиз берилган микроқарзнинг қайтарилмаслик эҳтимоли ой сайин қайтариш графиги билан икки йилга берилган таъминотли қарзнинг қайтарилмаслик эҳтимолидан юқори.

***ММТнинг хавфсизлиги ва тартибига қўйиладиган талаблар.*** ММТнинг пул маблағлари билан ишлаш хавфсизлиги ва тартибига қўйиладиган талаблар 565-рақамли Касса операцияларини юритиш қоидаларида белгилаб қўйилган. Нархлар монопол бўлганлиги тўғрисида идорадан ташқари қўриққоли хизматларидан фойдаланиш талаби ижро этиш нуқтаи назаридан айниқса мураккабдир.

Ҳақиқатан ҳам, Қоидаларга риоя этили ММТлар учун қўшимча харажатлар билан боғлиқ бўлиб, уларни бекор қилиш эмас, қайта кўриб чиқиш талаб қилинади. Қийинчилик шундаки, Қоидалар мулк шаклидан қатъи назар, республика ҳудудида жойлашган ҳамма торидик шахслар томонидан бажарилиши шарт. Бу эса Қоидаларни қайта кўриб чиқиш микромолиялашга доир қонун ҳужжатида бевосита акс эттирилиши кераклигини билдиради.

***Юридик ўзгаришлар механизми.*** Бир туркум масалар ўзгартиришлар (тап-килотларни бир турдан бошқасига айлантириш) билан боғлиқ. Ушбу масала мамлакатимиз ММТлари учун иккинчи даражалидир, чунки ўзгартиришга помзодлар ҳозирча йўқ. Бироқ, микромолиялаш соҳаси кенгайиб борган сари масаланинг ечими норматив руҳдаги жиддий тўсиқларга (масалан, чет элликлар иштирок этишининг чеклаб қўйилиши, қарзлар портфелини бошқа шахсга беришни солиққа тортишнинг қатъий эмаслиги, ходимлар бошқа ишга ўтказилиши муносабати билан меҳнат қопунлари масалалари ва ҳоказо) дуч келади.

Маъқур масалаларнинг ҳаммаси “микромолиявий” ўзаро муносабатларнинг хусусияти бўлганлигидан, алоҳида норматив йўриқномаларни пунчаки ишлаб чиқиш ва уларни мавжуд қонунчилик базасига “киритиб” қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Ушбу масалаларнинг ҳаммаси алоҳида қонунда ўз аксини топиши керак.

<sup>44</sup> Норматив база бир қатор масалаларни: захира фондининг бўлиниши/бўлинмаслиги, ундан фойдаланиш имкониятлари, уни шакллантириш манбалари, индексациялаш, чекловлар, форс-мажор вазиятлар ва бошқаларни ҳал қилиши керак.

### **Нимани тартибга солиш керак: ташкилотларини ёки фаолият турларини?**

Ушбу саволга жавоб беришда мутахассислар фикри бир-биридан фарқ қилиб, қандай турдаги ташкилот амалга ошираётганидан қатъи назар, микромолияларни фаолият турларининг мажмуи сифатида тартибга солиш бирмунча тош босади. Иккала ёндашув фойдасига ҳам салмоқли далиллар келтириш мумкин, бироқ Ўзбекистоннинг конкрет шароитларида “Микромолиялар тўғрисида” ёки “Микромолиявий ташкилотлар тўғрисида” қонун ишлаб чиқиб, унда мазкур ёндашувларнинг иккаласини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Бу ММТнинг аниқ ташкилий-ҳуқуқий фаолият майдони (ташкилот турига қараб бошқариш) йўқлиги учун ҳам, турли молия институтлари томонидаги таклиф қилинадиган микромолиявий хизматларнинг норматив базаси турли даражада ишлаб чиқилганлиги учун ҳам зарур бўлиб туолади.

Режалаштирилаётган “Микромолиялар тўғрисида”ги Қонунни МБнинг бевосита иштирокида ишлаб чиқиш баъзи қийинчиликларга дуч келади, чунки айнан мава шу соҳа тўла-тўқис ишлаб чиқилган. Микромолиявий фаолиятнинг қолган турларига доир қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун Марказий банк доирасидан тапқарида иш олиб борадиган экспертлар командаси керак бўлади.

### **4.2. ММТларни солиққа тортиш**

ММТлар фаолиятини турли мамлакатларда турлича солиққа тортилади. Масалани енишга базавий ёндашув молиявий операцияларга солинадиган солиқлар (масалан, қарз берганлик учун қўшилган қиймат солиғи, фойз даромадига солинадиган солиқ ва ҳоказолар) билан соф фойда солиғини бир-биридан ажратилган асосланган. Турли ташкилотлар учун тенг шароитлар яратиладиган ёндашув ҳам таклиф қилинади. Масалан, бир хилдаги молиявий операциялар амалга оширилганида битим субъектларидан қатъи назар, солиқлар бўйича ставка ягона бўлиши керак.

Ушбу масаланинг долзарблиги Ўзбекистонда айниқса сезилмоқда. 309-рақамли қарор доирасида берилган “солиқ таътиллари”нинг амал қилиш муддати 2005 йил охирида тугайди ва ишлаб турган ММТларда, шунингдек, бўлажак янги муассисларда қонуний савол туғилади: бундай буён нима бўлади?

Мамлакат ММТларининг ривожланиши бошлангич босқичда турганлигини, шунингдек, улар фаолияти алоҳида ижтимоий аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олганда, даромадлар бўйича солиққа тортишнинг имтиёзли тартибини навбатдаги уч йилга (2006 йил 1 январдан 2008 йил 31 декабргача) узайтириш мақсадга мувофиқ туолади. Ушбу мақсадга мувофиқликка қуйидаги омиллар сабаб:

- ММТ туридан қатъи назар, микромолияларни фаолият тури сифатида рағбатлантиришни зарурлиги. Бу ММТнинг бир тури бошқасидан асоссиз равишда устуниққа эга бўлишига йўл қўймастик имконини беради.

- *Молиявий барқарор ММТлар ташкил этишини рағбатлантириш.* Маълумки, Ўзбекистонда мавжуд бўлган ММТлар ҳозирча молиявий жиҳатдан барқарор эмас. ММТларнинг солиққа тортиладиган базаси ҳозирги вақтда шундай ҳолатдаки, улар фаолиятидан солиқ ундириш давлат бюджетининг даромад моддаларини шакллантиришда бирон-бир даражада кагта рол ўйнамайди, лекин ММТлар фаолиятининг секинлашуви ва тўхтаб қолишига олиб келиши аниқ.
- *Кредит ресурсларини тўллаш.* Ҳозирги пайтда ишлаб турган ММТларнинг кредит ресурслари ўта чекланган. Агар солиққа тортишнинг имтиёзли тартиби бекор қилинса (ёки қабул қилинмаса), бу ресурслар янада кўпроқ қисқаради, бу эса микрокредитлаш ғоясининг ўзини обрўсизлантиради.
- *Ўлтиборни ММТларнинг ижтимоий вазифасига қаратиш.* ММТлар жамиятга яхшилик келтиради, уларнинг фойдаси камбағалликка қарши курашиш мақсадида қайта инвестицияланади. Шу билан бир қаторда, ММТларнинг Ўзбекистондаги алоҳида ижтимоий роли иш билан бандлик ҳамда жорий демографик вазият соҳасидаги муаммолар шароитида кучайиб бормоқда.

Солиққа тортиш бўйича имтиёзлар олиш шартлари бўшашиб олинмаган маблағлардан бундан кейин ҳам микромолиявий хизматлар кўрсатиш, ММТларнинг операция харажатларини қоплатиш, уларнинг моддий-техникавий базасини ривожлантириш учун фойдаланишдан иборат бўлиши мумкин.

Шуни қайд этиш ўринлидирки, ўз вақтида банкларга ҳам даромад бўйича солиқ имтиёзлари берилган бўлиб, улар банк сектори қарор топишида муҳим рол ўйнаган эди.

Шунингдек, тоқорида айтилганларга мувофиқ, микрокредитлар бериш ва микролизинг бериш соҳасидаги хизматларни қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш зарур.

#### **4.3. Қарз капиталнинг ташқи манбаларидан фойдаланиш имконияти**

Микромолия секторида ўз фаолияти учун молиявий ресурсларга эга бўлган иккита сегмент аниқ ажралиб туради. Булар: тижорат банкларининг микрокредитлаши ва ЖКУ. Гарчи мазкур сегментлар фаолиятининг молиявий манбалари борасида ҳам муаммоли масалалар бўлса-да, уларнинг аҳволи ҳар ҳолда фақат донорлар томонидан молияланишга кўз тикиб турувчи ННТ-ММТларнинг аҳволига қараганда яхшироқ.

Дунё бўйича донорларнинг “толиқиши” кучайиб бораётганлиги, бу ҳол донорлар томонидан молиялаш ҳажмлари камайишига олиб бораётганлиги ННТ-ММТлар учун ҳам, умуман барча гурдаги ММТлар учун ҳам қарз капиталнинг бошқа манбаларини топиш масаласини қўймоқда.

Ҳозирги вақтда қуйидагилар ана шундай манбалар бўлиши мумкин:

**1. Тижорат банклари билан алоқалар ўрнатиш ва шу асосда молиялашнинг тижорат манбаларида фойдаланишни кенгайтириш:**

а) Янги қарор ва унга иловалар (3-илова) лойиҳасига мувофиқ, ММТлар мамлакат банкларининг тижорат кредитларини олиши мумкин. Шу билан бирга қарз олувчи ММТга нисбатан пруденциал қоидалардан фойдаланишга зарурат йўқ, чунки тегишли пруденциал нормаларга аллақачон банкларнинг лицензияларида “амал қилинган”. Шу сабабли ММТнинг банкдан қарзга капитал олиши пруденциал қоидаларни бошқа ҳар қандай қарз олувчига нисбатан кўпроқ даражада қўлланиш учун асос бўла олмайди. Бу жиҳатдан муаммоли нуқта кредитни таров билан таъминлашдан иборатдир. Масалани “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонун доирасида кўриб чиқиш талаб қилинади, чунки у илгари қабул қилинган бир қатор қонуни ҳужжатлари билан боғланган;

б) Кредитлаш шакли -ММТ билан банклар ўртасидаги алоқаларнинг ўзига хос муаммосидир. ММТлар мижозларга нақд пул шаклида қарз беради, ҳолбуки тижорат банклари ММТларга нақд пулда кредит бера олмайди<sup>45</sup>. Шу муносабат билан Қарор лойиҳасида ММТларнинг белгилаб қўйилган тартибда биринчи талаб биланок ўзларининг банкдаги ҳисобварақларида турган маблағлар миқдорида микромолиялашни амалга ошириш учун зарур бўлган нақд пул маблағларини олиш ҳуқуқи қайд эгилган;

в) ММТларнинг нақд пул операциялари борасидаги “қисматини” нақд пул қолдиги лимитларини ошириш йўли билан енгиллаштириш мумкин. Шу сабабли қарор лойиҳасида банкларга ММТлар билан бирга кассалардаги қолдиқ лимитларини ва аҳоли омонатлари бўйича тушаётган нақд пуллардан фойдаланиш нормаларини нақд пул шаклида бериладиган микрокредитларнинг прогност ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда белгилашни тавсия этиш зарур. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари даражасида бериладиган тавсиялар ўз-ўзидан банклар зиммасига ушбу масалани нақд пул маблағлари қолдигининг лимитларини ошириш фойдасига ҳал қилиш мажбуриятини юклайди;

г) Банклар кредит беришини рағбатлантириш мақсадида ММТлар учун банк капиталининг старлиги кoeffициентини ҳисоблаш чоғида бундай кредитлар бўйича хатарнинг анча паст таърифини белгилаш зарур. Бу банкларга ММТларга бериладиган кредитлар ҳажмини ошириш ва, маълум даражада, хизматлар баҳосини тушириш имконини беради. Келажакда ривожланган филиаллар тармоғига ҳамда кичик бизнес вакиллари ва жисмоний шахслардан иборат кенг мижозлар базасига эга бўлган тижорат банкларига микромолиявий хизматлар кўрсатувчи алоҳида бўлинмаларни тузиш учун шароит яратиб бериш керак. Бу бозорни кенгайтириш ҳамда банклар фаолиятини диверсификациялаш имконини беради;

<sup>45</sup> Банклар зиммасига Ўзбекистон Республикасида нақд пул айланишини тартибга солиш вазифалари юклатилган.



д) ММТлар кредит ахбороти хизматлари билан ҳамкорлик қилиши мумкинлигини назарда тутиш муҳим. Бу ММТларнинг хатарларни камайтириш бора-сидаги фаолияти самарадорлигини оширади. қарз олувчилар эса янги қарзлар олиш учун яхши кредит тарихига эга бўлади.

Ўзбекистонда кредит ахбороти тизими Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги “Ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 197-рақамли Қарорига мувофиқ ташкил этилган эди. МБ таркибида Кредит ахбороти миллий институту (КАМИ) тузилди, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида эса Банкларларо кредит бюроси (БКБ) таъсис этилди. Ушбу органларнинг вазифаси кредит операциялари ва уни қарзга олувчилар тўғрисида маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилишдан, шунингдек, тижорат банкларига ахборот тақдим этишдан иборат.

ММТлар шарҳнома асосида ахборот беришлари ва БКБ хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Маълумотлар узатишни ва уларни айирбошлашни техникавий таъминлашни ташкил этиш муаммо бўлиши мумкин. Бу иш катта молиявий харажатлар талаб қилади. Улар баъзи ММТлар учун ҳаддан ташқари тоқори бўлиши мумкин. Худди шу ўринда донорлар ёрдами керак бўлади.

## **2. Аҳоли депозитларини (жисмоний шахслар омонатларини) жалб этиш**

ММТ фаолиятининг тузилиши шундайки, қарз маблағлар жалб этилган тақдирда, жисмоний шахсларнинг майда омонатлари мажбуриятларнинг каттагина қисмини ташкил этади. Банк тузилмаларининг фаолият тажрибаси миқдорларнинг ушбу тоифаси оdatда кредит муассасасининг молиявий аҳволини мустақил баҳолай олмалигини кўрсатмоқдаки, бу ҳол ММТлар учун ижтимоий нечор аҳоли қатламларининг жамғармаларини йўқотиш хатарини тугдиради.

Агар тижорат банкларидаги омонатлар сугурталанган бўлса, умумий қонда амал қилиши керак, яъни назорат органининг лицензиясига эга бўлган бошқа тапкилотлардаги омонатлар ҳам сугурталанган бўлиши керак.

Майда омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ММТлар фуқаролар омонатларини сугурталаш тизимида қатнашиши мумкин. “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистонда махсус Фонд ташкил этилган бўлиб, унинг мақсади банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни МБ чақириб олган тақдирда фуқароларнинг омонатлари қопланишини кафолатлашдан иборат. Фуқароларнинг омонатлари бўйича товон нуллари омонат энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан бўлса тўла ҳажмда ва 250 бараваридан ортиқ бўлмаса, омонат суммасининг 90%и миқдоридан берилди.

МБнинг жисмоний шахслар омонатларини жалб этиш ҳуқуқини берувчи лицензиясига эга бўлган ММТлар омонатларини кафолатлаш тизимида маъмур Фондга мажбурий бадаллар тўлаш йўли билан қатнашишлари мумкин. Йилнинг ҳар

4 = бой. Микромолиялашнинг қонун билан расмийлаштиришни талаб қиладиган муаммолари

чорагида тўлаб бориладиган календар бадаллар миқдори омонатлар умумий суммасининг 0.5%ини ташкил этади. лекин бадаллар суммаси омонатлар умумий суммасининг 5%ига етгач, тўловлар тўхтатилади. Шундай қилиб, бадаллар миқдори ММТнинг молиявий аҳволи ва ликвидлигига таъсир кўрсата оладиган даражада катта суммани ташкил қилмайди.

Ўзбекистон ММТларининг фуқаролар омонатларини кафолатлаш тизимида иштирок этиши омонатчилар ишончини ошириш ҳамда фаолиятнинг ресурс базасини кенгайтириш имконини беради. Энг кам иш ҳақининг 250 баравари доирасида қонун ҳужжати билан белгилаб қўйилган товоп пули миқдори омонатлар суммаси катта бўлмагандлиги туфайли ММТ мижозлари керакли даражада кўн қамраб олинишни таъминлаш имконини беради. Кўрсатиб ўтилган мақсадларга эришиш учун “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга тузатишлар киритиш ёки микромолиялаш тўғрисидаги қонунда алоҳида модда (бўлим) бўлишини назарда тутиш керак.

#### 4.4. Кредитнинг энг кўп суммаси ва фойз сийсати

Кредитнинг энг кўп суммаси. Микрокредитнинг энг кўп миқдорини тасдиқлаш ҳақида хилма-хил фикрлар мавжуд бўлиб, бу миқдор 1000 доллардан 5000 долларгача ва ундан кўпроқни ташкил этади. Микрокредитнинг энг кўп миқдорини 3000 доллар даражасида белгилаб қўйиш бир қанча далиллар туфайли мақсадга мувофиқдир:

- Қонун ҳужжатларининг изчиллиги ва кенга-кетлигига риоя этиш;<sup>46</sup>
- “Микрофинансовые банки и их деятельность” деган бюллетенда микрокредитга берилган таърифга кўра, кредит миқдори мамлакатда жоп бошига тўғри келадиган ЯММнинг 250%идан ошмаслиги керак;<sup>47</sup>
- Ҳозирги вақтда микроқарзнинг ўртача миқдори 140-150 долларни ташкил қилади. Айни вақтда сўров ўтказиш нуни кўрсатдики, ММТ мижозларининг деярли ярми 500 доллар ва ундан кўп миқдорда кредит олишни истайди, галбиркорларнинг бешдан бир қисми эса 1200-3000 доллар миқдориди қарз олишга муҳтож (1-илова, 13-жадвал);
- Кредитнинг айнан маана шу миқдори ҳатто ҳозирги тоқори кредит ставкалари (ойига 4-7%), сақланиб қолганида ҳам эҳтиёжларни қоплаш учун ва бизнесга қайта инвестициялаш учун старли миқдорда фойда олиш имконини беради;

<sup>46</sup> Ушбу сумма 309-рақамли базавий қарорда кўрсатилган.

<sup>47</sup> World Bank маълумотларига қараганда, 2000-2003 йиллар мобайнида бу кўрсаткич 630 АҚШ долларидан 420 АҚШ долларигача камайган. Харил қобилияти паритетини (ХҚП) назарда тутиб ҳисобланган шу кўрсаткич 1490 АҚШ долларидан 1740 АҚШ долларигача ўзгарган.

- Айнан мана шу нарх сегментини мамлакат молиявий муассасаларининг бирорта ҳам тури “камраб олмаётир”;
- Микромолиялаш соҳасидаги илгор инновация тажрибасини ҳисобга олиш. Масалан, “Grameen Bank” (Бангладеш) микрокредитининг миқдори 100–300 АҚШ доллари, Эфиопияда – 673 доллари, Мароқашда – 5300 доллари, Непалда – 1000 долларгачани, Покистонда – 150 доллари, Польша ва Венгрияда – 3500 доллари, Булок Британияда – 4000 фунт стерлинггачани, Қозоғистонда – 3000 доллари ташкил қилади. Бир қанча мамлакатларда (Бенин, Буркина-Фасо, Фил Суяги Қирғоғи, Мали, Нигер, Сенегал, Того, Гвинея Бисау) микрокредитнинг энг кўп миқдори 17 доллари ташкил қилади. Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Кавказнинг “эталон” мамлакатлар туруҳида (3-илова) қарзларнинг ўртача миқдори 1209 доллари ташкил этади.

Микролизингнинг энг кўп миқдорини 10 миң АҚШ доллари даражасида белгилаш мақсадга мувофиқлигига бир қанча далиллар бор:

- Мавжуд (гарчи арзимас даражада бўлса ҳам) тажрибани ҳисобга олиш. Гарчи лизинг битимларининг ўртача миқдори эквивалентда 2 миң АҚШ долларидан оғмаса-да, бироқ лизингга топширилган мулкнинг энг юқори баҳоси 10 миң АҚШ долларигачани ташкил қилган ҳоллар мавжуд (2-қўшимча).
- Ушбу даража, гарчи четдап келтирилган ускуна баҳосидан апча паст бўлса-да, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ускунанинг ўртача баҳосига тўғри келади.

Фоииз сиёсати. Таҳлил шуни кўрсатдики, агар тадбиркорларнинг бизнес-харажатлари ойига 600-1400 доллари тапқил қилса (фойда миқдори 30%га яқин бўлиши шarti билан), фоииз ставкаси юқори бўлган 1 миң АҚШ долларигача миқдордаги микрокредитлар яхши самара беради. Улар фойда нормаси 15-20% бўлганида бизнес харажатлари ойига 1500-3400 доллари тапқил қиладиган тадбиркорлар учун ҳам самаралидир. Бизнес харажатлари 3500 доллардан ола бошлаганидан кейин, тадбиркор учун банк шартлари асосида кредит олиш фойдали бўлиб қолади (чунки фойда нормаси ММТ ва ЖКУларнинг юқори қарз фоиизини қисқа муддатда тўлаш учун етарли бўлмайди). Шундай қилиб, бизнесининг молиявий имконияти турлича бўлган тадбиркорлар учун ҳақиқий классик бозор танлови тоз беради.

Гарчи фаолият кўрсатаётган ММТларнинг фоииз ставкалари юқори бўлса-да, ўйлаймизки, ҳозирги босқичда уларни қонун ҳужжатлари воситасида тартибга солиш қуйидаги сабаблар туфайли мақсадга мувофиқ эмас:

- Ҳагго ҳозирги ставкаларда ҳам микрокредитларга бўлган талаб катта ва унинг пасайиш тамойили кузатилмайди;
- Юқори фоииз ставкалари – республикада микромолиялаш ҳарақати ривожлана бошлаган даврнинг камчилиги, “ўсинг касали”;

- ММТларнинг соя жиҳатдан ўсиши, кўламлари кенгайиши<sup>48</sup>, шунингдек, фаолиятнинг сифат жиҳатдан такомиллашуви келгусида ставкалар тадбиркорлар нуқтаи назаридан энг мақбул даражага (ойига 3-4%гача) пасайишига олиб келади<sup>49</sup>;
- Молиявий ҳисоботнинг ягона стандартларига ўтиш, шунингдек, тадбиркорларнинг аста-секин осонлашиб бориши муқаррар равишда ММТ самардорлигининг ошишига олиб келадики, бу фоиз ставкаларининг пасайишида ўз аксини топади;
- Тадбиркорларнинг талабларига риоя қилиб, ММТ кредит муддатларини 1-1.5 йилгача узайтирадilar<sup>50</sup> ва бу ҳол муқаррар равишда фоиз ставкаларининг пасайиб кетишига олиб келади;
- Республикада микромолиявий хизматлар кўрсагадиган турли муассасаларни ташкил этиш сарф тутилган йўл ушбу сегментда рақобат муҳитини изчил чуқурлантириб борадики, бу ҳол фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келади.

<sup>48</sup> ММТ портфели қанча катта бўлса, у фоиз ставкаларини шунча кўп пасайтира олади.

<sup>49</sup> 1-илова, 15-жадвалга қаранг.

<sup>50</sup> 1-илова, 14-жадвалга қаранг.

## Ўзбекистонда микроолиявий хизматларга бўлган талабни баҳолаш

Микроолиявий хизматларга бўлган талаб динамикаси умумийлик рўйидаги куйидаги тамойиллар билан белгиланади:

- Макроиктисодий барқарорлашув ва валютани эркинлаштириш;
- Қиплоқ хўжалигида амалга ошириладиган институциявий ислохотлар;
- Марказ тасарруфидан чиқариш;
- Молия секторининг эркинлашувини чуқурлаштириш;
- Бизнесни ишлаб чиқаришга қаратиш.

ММТнинг мижозлар базасида урта кенгайтирилган мижозлар гуруҳини ажратиш мумкин<sup>51</sup>:

1. Кичикроқ бизнесга эга бўлган, микрофирмалар сифатида рўйхатга олинган тадбиркорлар, шунингдек, юридик шахс мақомини олманган тадбиркорлар.

2. Деҳқон ва фермер хўжаликлари.

3. Ижтимоий ҳимояланмаган аҳоли қатламлари. Гап мажбуран ишсизлар, даромади кам бўлган одамлар, шунингдек, меҳнат мигрантлари ҳақида боради.

***Кичикроқ бизнесга эга бўлган, микрофирмалар сифатида рўйхатга олинган тадбиркорлар, шунингдек, юридик шахс мақомини олманган тадбиркорлар***

ММТнинг микрофирмалардан иборат мижозлар базаси кўламлигини баҳолаш. Қонуи ҳужжатлари<sup>52</sup> ва давлат статистикаси кичик бизнес субъектларини катталиги жиҳатидан куйидаги асосий тоифаларга ажратади:

- якка тадбиркорлар;
- ишловчилар сони ишлаб чиқариш тармоқларида кўпи билан 20 киши; хизмат кўрсатиш соҳасида ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида – кўпи билан 10 киши; ултуржи, чакана савдода ва умумий овқатланишда – кўпи билан 5 киши бўлган микрофирмалар.

Ходимларнинг ўртача йиллик сони:

<sup>51</sup> Ҳисоб-китоблар чоғида USAIDнинг “Кичик тадбиркорлик бўйича парламентлараро ишчи гуруҳи “РФ Думаси – АҚШ Конгресси” лойиҳаси доирасида амалга оширилган Россияда микроолияяшнинг ривожланиши таҳлил қилиш, 2003” тадқиқот материалларидан фойдаланилди.

<sup>52</sup> ЎзР Президентининг 2003 йил 30 августдаги “ЎзР Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПФ-3305-рақамли Фармони.

- енгил ва озиқ-овқат саноатида, металлни қайта ишлаш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебел саноатида ва қурилиш материаллари саноатида кўли билан 100 кишини;
- маллипасозлик, металлургия, ёқилги-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулоти стиптириш ва уни қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳасида кўли билан 50 кишини;
- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурга компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ва бошқа ноинлаб чиқариш соҳаларида кўли билан 25 кишини ташкил этадиган кичик корхоналар.

Қоида тариқасида, *“классик” ММТларнинг бўлажак миқозлари доирасини баҳолаш учун микрокорхоналар жумласига ишловчилар сони 10 кишигача бўлган хўжалик қиритувчи субъектлар қиритилади*<sup>51</sup>. Ушбу ҳисоб-китобларда ҳам шундай услубий ёндашув қўлланилди. Сўраб чиқин натижалари ҳам микрокорхоналардаги ходимлар сони фаолият соҳасидан қатъи назар 2,7 кишидан 9,7 кишигача, яъни 10 кишидан кам бўлишини кўрсатади (1-илова 3-жадвал). Шундай қилиб, миқозлар базаси доирасига ҳамма микрофирмалар қиради. 2004 йил январи буйича Ўзбекистонда микрофирмалар сони 259,3 миңгани ташкил қилди.

Қоида тариқасида, банкларнинг миқозлари бўлган (каттароқ миқдорда кредитларга муҳтож бўлган) кичик корхоналар амалда ММТ миқозлари базаси доирасига *“қирмай қолади”*.

ММТ дастуралининг компоненти сифатида микрофирмалар кўламини янада аникроқ белгилаш учун ушбу рақамга ташқаридан молиялашга зарурият сезмайдиганлар ҳисобига тузатиш қиритиш керак: сўраб чиқин натижаларига кўра бундайлар 20%га яқин. Ана шу тузатишни ҳисобга олиб, ММТларнинг микрокорхоналардан иборат миқозлари базасининг ҳақиқий кўламини 207,4 миң даражасида баҳолаш мумкин.

Шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, микрофирмалар кредит сўраб банкларга муружаат қилишлари мумкин. Бундай микрофирмалар улushi ҳам 20%га яқин. Маана шу охириги тузатишни ҳисобга олганда, ММТ миқозлари бўлиши мумкин бўлган микрокорхоналар сони 155,6 миңгани ташкил этади.

Ушбу корхоналар молиявий хизматлардан фойдалана олишини таъминлаш ҳақида гапирган вақтда шуни эсда тутиш керакки, шу тариқа ишловчиларнинг сони 10 кишигача бўлган микрокорхоналарда банд бўлган 989,9 миң киши билвосита қўллаб-қувватланмоқда.

ММТнинг юридик шахс мақомини олманган тadbиркорлардан иборат миқозлар базаси кўламини баҳолаш. Якка тadbиркорлар ММТларнинг классик

<sup>51</sup> Бундай мезонлар Европада амал қилмоқда. ФИИКА International МЧЖ ҳам Россияда *“Микрооливиый хизматлар базоридаги тақлиф билан талабнинг ҳолатини таҳлил қилиш”* лойиҳаси жараянида шундай даражани қайд этган эди.

мақсад гуруҳига кўпроқ мос келади. Улар кўпроқ ижтимоий йўналишга эга, мураккаб кундалик иқтисодий вазиятдаги ўзгаришларга осонроқ мослашадилар. Яқка тадбиркорлик сектори жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан энг ночор қатламларини машғул қилади.

Бугун республика бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг ижобий динамикаси айнан энг ҳаракатчан тадбиркорлар тоифасидан бўлмиш юридик шахс мақомини олмаган тадбиркорлар сони барқарор ўсиб бориши билан таъминланмоқда.

2004 йил якушиларига кўра Ўзбекистонда 4689,3 мингта яқка тадбиркор ишлаган. Сўраб чиқиш натижаларига кўра, хусусий тадбиркорлар асосан савдода ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришда жамланган. Агар ушбу миқдордан ташқаридан молиялашга муҳтож бўлмаганлар (сўраб чиқиш натижаларига кўра, ушбу гуруҳда бундайлар 38,3 фоиз бўлган) сони чиқариб ташланса, ММТнинг яқка тадбиркорлик секторидегилардан иборат миқозлар базаси 2893,4 минг кишини ташкил этади.

Ушбу миқдорнинг атиги 62,5%игина (сўраб чиқиш натижаларига кўра) ММТ миқозлар базасини ташкил қилиши мумкин, яъни юридик шахс мақомини олмаган тадбиркорлардан иборат ММТ миқозлар базасининг реал кўлами 1808,4 минг кишини ташкил қилади.

### **Деҳқон ва фермер хўжаликлари**

*Фермер хўжаликлари.* Фермер хўжаликларнинг молиявий хизматларга талабини таҳлил қилиш улар банклар имтиёзли фоиз ставкалари билан берадиган кредитларни мўлжаллишини кўрсатмоқда ва шу сабабли улар ММТларнинг бўлажак миқозлар базасига киритилмаслиги керак. Чунончи, "Пахта Банк" пахта етиштирувчи фермер хўжаликларга берадиган кредитларнинг ўртача суммаси 4,8 млн. сўмга яқин бўлиб, бу ММТ 3 минг АҚШ долларига эквивалент суммада берадиган энг юқори даражадаги микрокредитлардан анча ортиқдир.

Банклар имтиёзли шартлар билан берадиган (шу жумладан фермер хўжаликларига ҳам) микрокредитнинг ўртача суммаси 2,6 млн. сўмга яқин бўлиб, бу ММТ микрокредитларининг ўртача даражасидан – 146 АҚШ долларига эквивалент суммадан анча ортиқдир. Шундай қилиб, фермер хўжаликларининг микрокредитларга талаби катта миқдорни ташкил этмайди, чунки у банкларнинг имтиёзли кредитларини олишга мўлжалланган бўлади.

*Деҳқон хўжаликлари.* Деҳқон-фермерлар (кичик кўламдаги оилавий пудраглар) ММТларнинг миқозлар базасидир. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, улар юридик шахс мақомини олиб ҳам, олмасдан ҳам ишлашлари мумкин. Юридик мақомга эга бўлмаган деҳқонларнинг доимий асосда ходим ёллаши тақиқланган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ихкала тоифада 4500 минг деҳқон-фермер рўйхатга олинган.

Бироқ ҳамма деҳқон хўжаликлари ҳам ММТ миқозлари бўлавермайди. Биринчидан, сўраб чиқиш натижаларига кўра, деҳқон хўжаликларининг 18,3%

ташқаридан молиялашга муҳтож эмас, қолган хўжаликларнинг бор-йўғи 26,7%и ММТга мижоз бўлади. Маана шу тузагишларни ҳисобга олганда, деҳқон хўжаликларидан иборат ММТ мижозлари базасининг реал миқдори 981,6 мингтани ташкил қилади.

### **ММТнинг энг кам ҳимояланган аҳоли қатламлари орасидаги мижозлар базасини баҳолаш**

*Ишсизлар.* Ўзбекистон аҳолиси 26,1 млн. киши. Унинг иқтисодий фаол қисми 9945,6 минг кишидан иборат бўлиб, Жаҳон банки баҳолашича, шуларнинг 6%и ишсиздир. Шундай қилиб, ишсизлар умумий соли 597 минг кишига яқин деб ҳисобланмоқда.

Ҳамма ишсизлар ҳам тадбиркорлик фазилатига эга эмас. Бинобарин, уларнинг ҳаммаси ҳам ММТларнинг бўлажак мижозлари эмас. Тадбиркорлик салоҳиятини шакллантирадиган энг муҳим хусусиятлар: тенгдир бўйича мансублик, ёш, таълим даражаси, охириги иш жойидаги лавозими ва мақоми.

Бир қатор тадқиқот маълумотларига қараганда, раҳбар тадбиркорнинг социал қиёфаси қуйидагича: ёши 30 дан 49 гача; 50%дан ортиги олий маълумотга эга. Ўзбекистондаги ишсизлар сонининг ёш туруҳлари бўйича тақсимланиши уларнинг 43,3%и тадбиркорлик фаолияти учун қулай ёшда эканлигидан далолат беради.

Ишсизлар умумий сонининг 55,3%и 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Бу ёшда шахнинг касбий шаклланиши юз беради, у фаолият соҳасини танлайди. Бу тоифадаги қанча одам кичик корхоналарга раҳбар бўла олиши ҳақида маълумотлар йўқ, лекин масалан, Россияда ўтказилган айрим тадқиқотлар бундай одамлар 3-5%га яқин бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Шунини айтиб ўтиш ўринлики, айнан маана шу ёшда зарур молиявий ресурсларнинг йўқлиги бизнес ташкил этиш вақтидаги асосий муаммолардан бири бўлади (социологик сўров репортенжларининг 60%га яқини шуни кўрсатди. 1-илова, 7-жадвал). Шу муносабат билан микроолиялашнинг ривожланиши мамлакат кичик бизнесини “ёшартибгина” қолмасдан, шу билан бирга ёш авлод ниятларини амалга ошириш имконини ҳам беради. Бу эса Ўзбекистонда демографик вазият хусусиятлари нуқтаи назаридан, ёшлар орасида ишсизлик 13%дан ортиқ бўлиб турган бир вақтда, айниқса муҳимдир.

Шундай қилиб, 48%га яқин ёки 287 минг ишсиз шароит қулай бўлса, ўз бизнесини ташкил эта олган ва микроолиявий хизматларни талаб қилган бўлар эди.

*Кам таъминланган аҳоли қатламлари.* Даромади муносиб турмуш кечиришни таъминламайдиган даражада наст бўлган шахслар ҳам микроолиявий хизматларни талаб қилиши мумкин. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига қараганда, 2005 йил бошида мамлакатда кам таъминланган оилалар сифатида нафақа олган 1,661 млн. хонадон бўлган. Бундан ташқари, 254 минг хонадон моддий ёрдам олмақда. Шундай қилиб, Ўзбекистондаги кам таъминланганлар қатлами 1,915 млн. хонадондан иборат деб ҳисобланмоқда.



Меҳнат миграцияси. Ушбу тоифа ҳам методологик нуқтаи назардан ММТ мижозлар базаси жумласига киритирилиши керак. Чунки молиявий маблағлардан фойдаланиш имконияти қулай бўлса, меҳнат мигрантларининг бир қисми мамлакатда қолиб, ўзларининг унча катта бўлмаган бизнесини ташкил қилишга уриниб кўрган бўларди.

“Тонг” ММТ маълумотларига қараганда, 2002-2004 йилларда Ўзбекистонда ўртача йиллик меҳнат миграцияси 1 млн. кишига яқини ташкил қилди. Шу билан бирга мигрантларнинг ўртача ёши 35 йилни ташкил қилган. Ривожланган мамлакатларда юқори билим даражасига ва катта иш тажрибасига эга бўлган одамлар миграция қиладилар. Бу мамлакатлардаги миграция жараёнларидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистондан миграция қилувчилар кам таъминланган аҳоли қатламларининг вакиллари дир.

Қўшни давлатлар билан (Қозоғистон, Россия билан) таққослаганда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар ўтасидаги фарқ Ўзбекистондан чиқиб кетаётган меҳнат мигрантлари оқимини доимо “оziқлантириб” келмоқда. Бунда ғоят муҳим нарса шуки, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўтача даромадлардаги мазкур фарқ ортга бормоқда: агар бундан 3-4 йил аввал у 30-40%ни ташкил қилган бўлса, ҳозир барабар сўзи билан ифодаланади. Бундай фарқ кичик бизнеснинг ривожланишини секинлаштириб турган омишлар билан қўшилиб, Ўзбекистондан чиқиб кетаётган меҳнат мигрантларининг оқими барқарор бўлишига олиб келмоқда.

Ҳамма мигрантлар ҳам тадбиркор сифатида юзага чиқишга имкон берадиган фазилагларга эга эмас. Шунинг учун уларнинг ҳаммаси ҳам ММТларнинг бўлажак мижозлари эмас. Ишсизлар орасидаги бўлажак мижозлар кўламини ҳисоблаб чиқариш учун фойдаланилган методологик ёндашувни қўлласак, мигрантларнинг 48%и ёки 480 мингга яқин мигрант қулай шароитда ўз бизнесини ташкил этиши ҳамда микромолиявий хизматларни талаб қилиши мумкин бўларди.

## 2-жадвал. ММТ мижозлар таркиби тузилишининг йиғма жадвали

	Ҳаммаси (минг)	ММТ мижозлари сифатида (минг)
Микрофирмалар	259,3	155,6
Юридик шахс мақомини олмаган тадбиркорлар	4689,3	1808,4
Деҳқон хўжаликлари	4500	981,6
<b>Ишсизлар</b>	<b>597</b>	<b>287</b>
Кам таъминланган аҳоли қатламлари	1915	1915
<b>Меҳнат мигрантлари</b>	<b>1000</b>	<b>480</b>
<b>Жами</b>	<b>12960,6</b>	<b>5627,6</b>

Манба: муаллифлар ҳисоб-китоби

Шундай қилиб, бизнес соҳасида ММТларнинг бўлажак мижозлари сони 1964 минг даражасида баҳоланмоқда. Булар ҳозир амал қилиб турган субъектлар бўлиб, улар микромолиявий хизматларни талаб қилишлари мумкин. Энг кам

ҳимояланган аҳоли қатламлари жумласидан мижозлар базаси 2682 мингга ташкил қилади. Ўзбекистон учун энг ижтимоий халқ хўжалик соҳаси – кишлоқ хўжалигининг мижозлар базаси 981,6 мингга ташкил қилади.

Энг кам ҳимояланган аҳоли жумласидан 2,7 млн. киши ўз бизнесини ташкил этишга тайёр бўлиши мумкин. бу эса мамлакатдаги иқтисодий фаол аҳолининг тахминан 27%ни демакдир.

### **Микромолиявий ресурсларга бўлган талабнинг умумий қиймат баҳоси**

Микромолиявий хизматларга бўлган талабнинг умумий миқдор баҳосини ҳисоблаш учун яқинда қиймат баҳоси ҳисоблаб чиқарилди<sup>54</sup>.

1. Кредит даражаси амалда 146 АҚШ доллари миқдорига эканлигини ҳисобга олганда талабнинг қиймат баҳоси. Бунда талабнинг қиймат баҳоси 914,2 млрд. сўмни (821,6 млн. доллари) ташкил қилади.

2. Кредит даражаси 500 АҚШ доллари миқдорига деб ҳисоблаганда талабнинг қиймат баҳоси. Сўраб чиқиб натижаларига кўра ММТ мижозларининг ярмига яқини айнан мана шунча микрокредит олишни истайди. Бунда талабнинг қиймат баҳоси 3131,1 млрд. сўмни (2813,8 млн. доллари) ташкил қилади.

### **Қисқа муддатли истиқбол – биринчи қиймат баҳоси:**

Микромолиявий ресурсларга бўлган ҳозирги умумий талаб Ўзбекистонда 914,2 млрд. сўмга яқин. Бу анча катта сумма бўлиб, у 2005 йилда тахмин қилинаётган ЯИМ даражасига нисбатан 5,8%ни ташкил қилади. Ҳозирги вақтда мамлакатда ишлаб турган ҳамма молия институтлари биргаликда кундалик талабнинг атиги 9,2%ини қондирмоқда.

2005 йил май ойи бошларидаги ҳолатга кўра ПНТ-ММТлар кредит портфели 4,2 млрд. сўмга яқини (3,9 млн. АҚШ долларини) ёки кундалик талабнинг 0,5%ини (2004 йилги ЯИМ даражасининг 0,04%ини) ташкил қилди.

2005 йил охиригача ММТларнинг ривожланишини рағбатлантириш тизмасидан маърузада таклиф қилинаётган чоралар қабул қилинса, уларнинг кредит портфелини 15,5 млрд. сўмга етказиш назарда тутилади. Бу эса 2005 йилдаги ЯИМнинг тахмин қилинаётган даражасидан 0,1%ни ташкил қилади. Тахмин қилинаётган кўрсаткичларга эришиш учун, ММТ мижозларининг ўрғача сони 2 миңга эканлигини ҳисобга олганда, қўшимча равишда 21–22 та ММТ ташкил этиш керак бўлади. Шундай қилиб, ММТлар умумий сони 35–36 тага ташкил этиши керак.

### **Ўрғача муддатли истиқбол – иккинчи қиймат баҳоси**

Ўрғача муддатли истиқболда микромолиявий хизматларга бўлган талабни қондириш учун таклиф қилинаётган солиқ имтиёзлари муддати тугагу-

<sup>54</sup> Марказий банкнинг яқин ойидаги курси бўйича (1 АҚШ долларига 1112,75 сўм).

нича ММТлар ажратган микрокредитлар ҳажмини мутлақ ифодада 100 млрд. еўмга етказиш мўлжалланадики, бу биринчи қиймат баҳоси бўйича ҳозирги талабнинг 10,9%ини ёки иккинчи қиймат баҳоси бўйича 3,2%га яқинни ташкил қилади. Шу билан бирга ўргача муддатли истиқболда талабни қондириш янги ММТлар очиш (мижозлар сонининг кўпайиши ҳамда микрокредитнинг ўртача миқдорини ошириш) ва мавжуд ММТлар кўрсатадиган хизматлар сифатини яхшилаш ҳисобига юз бериши керак. Тахмин қилинаётган кўрсаткичларга эришиш учун, ММТ аъзоларининг ўртача сони 3 минг киши ва кредитнинг ўртача миқдори 500 АҚШ долларини ташкил этишини ҳисобга олиб, 2005 йил охирида мавжуд бўладиган 35-36 та ММТга қўшимча яна 43 та ММТ ташкил этиш керак бўлади. Шундай қилиб, ММТлар умумий сони 2009 йилга борганда 78-79 тани ташкил этиши керак.

### **ММТлар билан банклар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг истиқболлари**

Микромолиявий сегмент ривожининг ҳозирги босқичида банклар ва ММТлар бир-бирдан “мустақил”, ўзаро рақобатлашмай иш олиб бормоқда. Банклар фаолиятининг ҳаддан ташқари тартибга солиниши ММТларни банклар ўзлаштириб бўлган бозорга чиқишга ундайдиган сабаб бўлиши мумкин. Аксинча, МБ томонидан тартибга солиш йўли билан кўрсатиладиган таъсирнинг (кредитларни таъминлашга қўйиладиган талаблар нуқтаи назаридан) томшаши банклар микромолиявий хизматлар бозорини янада фаол ўзлаштириши учун рағбатлантирувчи омил бўлиши мумкин. Сўраб чиқилган респондентларнинг жавоблари буни тасдиқлайди. Жавобларга қараб, банк кредитлари ўз миқдори, фоиз ставкалари ва қайтариб бериш муддатлари жиҳатидан мақбул кредит ҳақидаги тасаввурларга ҳаммадан кўпроқ мос келади, деб хулоса чиқариш мумкин. Бироқ банклардан микрокредитлар олишнинг мураккаб тартиблари тадбиркорларни фоиз ставкалари ўта юқорилигига, кредитлаш муддатлари қисқалиги ва кредитлар миқдори камлигига қарамай, маблағ излаб нобанк ташкилотларга (ЖКУ ва ММТларга) мурожаат этишга мажбур қилмоқда.

Айни вақтда ММТ ва банклар муайян йўналишларда шерик бўлишлари мумкин. Масалан, банклар кейинчалик микроқарзларни “чаканалаб” сотиш учун ММТларни кредитлаши мумкин. Улар чиқимларни камайтириш ва қўшимча мижозлар жалб этиш бўйича шерик бўлиши ҳам мумкин.

Микромолиявий секторда операция харажатлари юқори бўлганлиги туфайли банклар бу секторда ишламайди. ММТлар эса молиявий ресурслар етарли бўлмаганлиги сабабли ҳозирча кўпроқ суммада кредитлар таклиф эта олмайди. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, 500 доллардан 3000 долларгача бўлган имконият ҳали анча вақт давомида яхши ўзлаштирилмаган ва катта имконият бўлиб қолаверади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, микрокредитлар ойига 500 доллардан кам ҳаражат қиладиган тадбиркорларга ҳеч қандай ижобий таъсир кўрсатмайди.

Бу эса бундай тадбиркорлар учун бизнесга сарфлайдиган ойлик маблағарини камида 1500 АҚШ долларига етказиш имконини берадиган махсус кредит маҳсулоти кераклигини аниқлатади. Равшанки, бундай маҳсулотни фақат ММТ бериши мумкин (1-илова, 5-расм). Бундай маҳсулотни яратиш ҳозир Ўзбекистон учун жуда долзарбдир.

### **Иқтисодийётнинг молиявий сектори ривожланишига микроолиялашнинг таъсири**

Майда тадбиркорларни молиявий секторга жалб этиш орқали, хусусий шахсларга ММТ капиталларини шакллантиришда қатнашиш имконини берип воситасида пул маблағлари банкдан ташқарида айланишини камайтириш мумкин. Бу МБ олиб бораётган монетар сиёсатнинг самарадорлигини оширади, банклар тадбиркорликни бозор шартлари асосида кредитлай оладилар, яширин иқтисодийёт даражасининг пасайиши эса мамлакат бюджетига солиқ тушумлари кўнайтишига олиб келади.

Микроолиялаш ҳозирдаёқ молия бозорининг янги сегментини шакллантира бошлади. Сўраб чиқилиш натижалари республикада банкларнинг хизматларига мурожаат қилмасдан “ўсган” микротадбиркорлар сегменти маълумдигини кўрсатди. Тадбиркорларнинг 10%и банклардан камроқ миқдорда кредитлар олиш мумкин эмаслигига ишонади. сўраб чиқилганларнинг 14%и ўз тадбиркорлик фаолиятида банкларга мурожаат қилмаган. 38%и эса охириги икки йилда банкларга мурожаат қилмаган. Шундай қилиб, микроолиялаш молия бозорининг фақат бозор принциплари асосида амал қиладиган, мамлакатда молиявий воситачиликнинг ўсишини, жамғармалар бозори ва умуман кредитлаш диверсификацияланишини тезлантирадиган янги сегменти шаклланиши учун асос бўлиб қолди.

Микроолиялаш жамғармалар борасида янгича маданиятни шакллантиради. Гуруҳни микрокредитлаш дастурлари доирасида мажбурий жамғармаларни шакллантириш принципи тезлик билан кагга миқдорда жамғармалар тўплаш имконини беради. Микроолиялаш ҳаракати умуммиллий кўламда ташкил этилганида, жамғармаларни шакллантиришнинг ушбу схемаси инвестиция дастурларининг янги ва барқарор компоненти бўлиши мумкин.

### **Микроолиялашнинг ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга таъсири**

Ҳозирги демографик таъйинларни ва меҳнат бозорига кескинланиб бораётган вазиятни<sup>66</sup> ҳисобга олганда, микроолиялашнинг ҳамма ижтимоий жиҳатлари Ўзбекистон учун долзарбдир.

<sup>66</sup> Туғилиш даражаси тоқорилиги ва 80-йиллар ўрталаридаги демографик кўтарилиш ҳисобига Ўзбекистоннинг меҳнат бозори ҳар йили қарийб 0,8 млн. кишига бойимокда, ҳолбуки, ундаш купи билан 0,12 млн. одам чиқиб келмоқда. Умумий ўсишда 400–500 минг киши қишлоқ ёшларига тўғри келмоқда

Микромолиялаш ҳозирнинг ўзидаёқ 70 минг нафардан кўпроқ миқозга эга. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, микрокредитлаш дастурлари асосида ишлаётган тадбиркорлар ўз бизнесларига ўрта ҳисобда 2-3 нафар оила аъзосини жалб этадилар. Бу эса Ўзбекистонда 200 мингга яқин одам қўшимча равишда иш билан банд қилинганлигини аниқлатади.

Мамлакатнинг микромолиявий секторида гендер бўйича тенгсизлик ҳам йўқ - сўраб чиқиш натижаларига кўра респондентларнинг 71%и кредит олиш вақтидаги қийинчиликлар қарз олувчининг жинсига боғлиқ эмас, деб жавоб берган, 22,5%и эса аёлларнинг кредит олиши эркакларнинг кредит олишига қараганда ҳагто осонроқ деб ҳисоблайди. Сўраб чиқиш шуни ҳам кўрсатдики, тадбиркор аёллар ҳамма вақт аёллар орасидан ишчи кучини жалб этадилар ва биринчи навбатда, ўз оиласидаги аёлларни иш билан таъминлайдилар.

Кам таъминланган аҳоли қатламларининг ММТ қарзларидан фойдаланиш имкониятини баҳолаш алоҳида қизиқиш туғдиради, чунки фақат ММТлар (банклар ва ЖКУларга нисбатан) иш билан бандлик ва даромадни кўпайтириш мақсадларини кўзлайди. Амалиётда ММТ кредитларини олиш анча осонроқ бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга қишлоқ ва шаҳар респондентлари ўртасида амалда фарқланмайди, яъни минтақалар ўртасидаги ижтимоий фарқларни барабарлаш имконини беради.

Аграр меҳнат у қадар ҳаракатчан эмаслигини ва қишлоқ хўжалиги секторида иш билан бандлик муаммолари ҳаёт мураккаблигини ҳисобга олганда, айнан шу секторда микромолиялаш ижтимоий муаммоларнинг кескинлигини камайтиришнинг узоқ муддатли, принципиал ва таъсирчан воситаси бўлади, деб ўйлаймиз.

### **Янги тажриба лойиҳалар**

Янги тажриба лойиҳаларнинг икки тури Ўзбекистонда микромолиялашнинг мақомини кучайтиради. Булар: меҳнат бозоридаги вазият ҳаммадан кескин бўлиб турган туманларда янги микромолиявий лойиҳаларни синаб кўриш ҳамда анъанавий микромолиявий маҳсулотларни жорий этишдир.

Микросугурталашни жорий этиш биринчи турдаги тажриба лойиҳаси бўлиши мумкин. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, микрокредитлар ўз миқдори жиҳатидан микросугурта мақсадларига жуда мос ва кўпгина ММТлар ўз миқозларига ушбу хизматни кўрсатишдан манфаатдор, аммо амалдаги қонуи ҳужжатлари доирасида уни амалга ошира олмайдилар. Бу турдаги тажриба лойиҳаларни ҳозир ишлаб чиқиладиган минтақаларни ривожлантириш стратегияси доирасида амалга ошириш мумкин. Ушбу стратегия билан қамраб олинмаётган минтақалар (Бухоро ва Хоразм бундан мустасно) аввал бонданоқ халқаро ташкилотлар ва донорлар томонидан микромолиялашни жорий этиш учун "майдон" бўлиб келди, демак, яратилган микрокредитлаш базаси тегишли микросугурта схемаларини синаб кўриш учун етарли.

Иккинчи турдаги тажриба лойиҳаларга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳисоб-китобларини асос қилиб олиш мумкин. Вазирлик 2005-2006 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлар доирасида республиканинг меҳнат бозорида кескин вазият юз бериб турган 51 та туманини белгилади. Илгари синаб кўрилган микрокредитлаш схемалари бу ерда анча тез жорий этилади ва тез ижтимоий самара беради.

### **ММТларни донорлар томонидан қўллаб-қувватлаш истиқболлари**

Донорлар ўзларидан мадад олмасдан ишлай оладиган таъкилотларни яратиш учун зарур бўлган узок муددатли ёрдам ҳамда ресурсларни беришлари, пуш жумладап, "тарбиялаш стратегиясини" таъкиф қилишлари мумкин. Бундай стратегиянинг йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- техникавий ёрдам кўрсатиш;
- микромолиялаш жараёнининг норматив-ҳуқуқий муҳитини такомиллаштириш;
- микромолиялаш жараёнини умуман молиявий секторга интеграциялаштириш истиқболлари нуқтаи назаридан тартибга солишга ёрдам бериш<sup>56</sup>;
- ривожланиб бораётган индустрияда ҳисобот, очиқ-ойдинлик стандартларини ва иш кўрсаткичларини ривожлантириш;
- хатарни, ҳисоб торитиши, молиявий менежментни, ички назоратни, аудит ва ҳисобот беришни баҳолаш бўйича ММТ ходимлари малакасини ошириш;
- мониторинг ва молиявий жавобгарлик масалаларида ММТ раҳбарларининг малакасини ошириш;
- кам таъминланган аҳоли қатламларини янада кенгроқ жалб этиш мақсадида ММТ инновацияларига ёрдамлаш;
- НПТ-ММТлар барқарор таъкилотларга айланишига ёрдам бериш. Улар ишни ривожланган НПТ-ММТларни депозитлар қабул қиладиган ва бошқариладиган ММТларга, масалан микромолиявий банкларга айлантиришдап бошлашлари мумкин бўлур эди;
- мамлакат ва чет эл банкларининг кредитларини олишда кафиал бўлиш;
- янги иш бошлайдиган кичикроқ инновацион венчур корхоналар таъкил этишни молиялаш;
- ММТ имкониятларини кенгайтириш билан боғлиқ анча сермеҳнат бизнесга ресурсларни инвестициялаш.

---

<sup>56</sup> Микромолиявий хизматларни турли хил муассасалар кўрсатиши мумкинлигини эътиборга олиб.

## ММТларни қўшиб юбориш истиқболлари

Келгусида мижозлари шаклланган ва бозорда ўз улушига эга бўлган кучлироқ ММТлар ўз мижозларига анча кенг доирадаги хизматларни тақдиф қила оладиган, бошқариладиган яхши молиявий ташкилотларга айлансалар, бунидан фаядат ютган бўлур эдилар<sup>57</sup>.

Капиталлаштириш даражаси паст бўлган майда ММТлар қўтчилиқ ҳолларда доимий равишда субсидия олиб турмасалар, ўз фаолиятларини давом эттира олмайдилар. Майда ММТларни қўшиб тобориш йўли билан бирлаштириш бу ташкилотларнинг кучайишига ёрдам берган бўлар эди. Бунда қўшимча харажатлар, ходимларга, ускуналарга ва ўқитишга қилинадиган харажатлар каби доимий чиқимлар бирлаштирилиши мумкин.

<sup>57</sup> Тожикистонда тоғ қишлоқларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш дастури (ТҚРҚД) ва Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди ёрдамида амалга оширилган, лицензияланган микромолиявий банк пайдо бўлишига олиб келган (ХМК ёрдамида) иккита НХТ-ММТнинг қўшилиши бунга мисол бўла олади.

Камбоджада "Иқтисодий ривожланиш маҳаллий агентликлари ассоциацияси (КИРМАА) НХТ-ММТдан банкка айлантирилган (донорларнинг катта ёрдамида). Қайта ташкил этиш вақтида НХТ ўз капиталининг 45%ини ўзида қолдирган, чет эллик инвесторлар эса янги банк акцияларининг 49%ини сотиб олганлар. Ҳозир КИРМААда 85 мингдан ортиқ мижоз бор.

Филиппинда Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш маркази (ҚХРМ) НХТ-ММТ мақомида олти йил фаолият кўрсатганидан кейин мамлакатда қ/х банкига айлантирилган биринчи ташкилот бўлди. Бунга донорлар томонидан узоқ муддат давомида қўллаб-қувватлаш ҳамда ҚХРМнинг ушбу масалада ҳукумат позициясини шакллантиришга қаратилган қатъий саъй-ҳаракатлари натижасида эришиш мумкин бўлди. Бир йиллик фаолият давомида аъзолар сонини 90%, филиал кредитлар сонини 70% ошди, кредит портфелининг умумий ҳажми эса 134% ўсди. Тез ривожланган бўлишига қарамай, кредитларнинг қайтарилиши кўрсаткичи юқори (ўртача 98-99%) бўлиб қолаверди.

Арманистонда "Католик ёрдам хизмати" ва "Болаларга ёрдам беринг" (АҚШ) қўшилиб, 2000 йилда Микрокорхоналарни ривожлантириш фонди (МКРФ) – Камуржипи ташкил қилди. МКРФ аёллар жамоаларига 50 АҚШ долларидан 250 АҚШ долларигача миқдорда кредитлар беради ва у молиявий жиҳатдан барқарордир.

Қирғизистон Республикасида "Бай Тушум" ташкилоти 2000 йилда АСП/VOCA ва "Каритас" кредит дастурларини қўшиб юбориш йўли билан ташкил этилган.

## Хулоса

Ҳозирги демографик тамойилларни, меҳнат бозорига кескинлашиб бораётган вазиятни ҳамда кучайиб бораётган ижтимоий кескинликни ҳисобга олганда, микромолиялашнинг ҳамма маълум ижтимоий жиҳатлари Ўзбекистон учун айлиқса долзарбдир.

**1. Иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилиш.** Микрокредитлаш дастурлари буйича ишлайётган тадбиркорлар ўз бизнесларига ўрта ҳисобда 2-3 нафар оила аъзосини жалб этади. Микромолиялаш ҳозирнинг ўзидаёқ 70 мингдан ортиқ мижозни ўзига жалб этди, яъни республикада қўшимча 200 мингга яқин одам иш билан банд қилинди. Аграр меҳнат у қадар ҳаракатчан эмаслигини, туғилиш даражаси юқорилигини ва қишлоқ хўжалиги секторида иш билан бандлик муаммолари гоёт мураккаблигини ҳисобга олганда, айнан шу секторда микромолиялаш кескин ижтимоий муаммоларни камайтиришнинг узоқ муддатли, принципиал ва таъсирчан воситаси бўлади, деб ўйлаймиз.

**2. Ҳар қандай давлат ижтимоий-сиёсий барқарорлигининг асоси бўлган ўрта мулкдорлар сифини шакллантириш.** Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, айнан банк бўлмаган ташкилотларнинг кредитлари микробизнеснинг барқарорлиги ва даромадлилигини самарали тарзда оширади. Микрокредитлар ёрдамида ММТ мижозларининг 71%ида маблағ айлангани, 60%ида фойда ошмоқда.

**3. Уюшган ва давлат қўллаб-қувватлайдиган микромолиялаш ҳар хил яширин муқобил, айниқса диний-экстремистик мақсадларни қўзлайдиган молиялаш схемаларининг жозибадорлигини камайтиради.** Ана шундай схемалар зами-нида ижтимоий муаммолар ётганлигидан, улар муттасил “такрорланиб”, “рангли инқилоблар”га асос бўлади.

Сўнги йиллардаги воқеалар диний йўналишдаги ташкилотлар қисқа муддатларда чексиз маънавий-психологик устуликка эга бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Ҳозир уларга қарши фақат куч ишлатиш йўли билан курашиш етарли эмас. Давлат кучли муқобил чоралар билан қарши чиқили зарур ва шу маънода микромолиялаш низоюгда долзарбдир.

**4. Жараённи ташкил этиш давлатдан йирик молиявий харажатларни талаб қилмайди, чунки муддатлик, ҳақ тўлаш ва қайтариб бериш шартлари асосида амалга оширилади.** Муҳими шуки, микромолиялаш расмий давлат дастурлари иш бермайдиган жойда: майда савдо, майда бизнес, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (айниқса чорвачилик), хизматлар кўрсатишда муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

**5. Жамғармалар борасида янгича маданиятни шакллантириш.** Гуруҳни микрокредитлаш дастурлари доирасида мажбурий жамғармаларни шакллантириш принципи тезлик билан катта миқдорда жамғармалар тўплаш имконини беради. Микромолиялаш ҳаракати умуммиллий кўламда ташкил этилганида, жамғармаларни шакллантиришнинг ушбу схемаси инвестиция дастурларининг янги ва барқарор компоненти бўлиши мумкин.



**6. Нақд пул муомаласи билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлигини** пул маблағларининг банкдан тапқарида айланганини камайитириш воситасида барта- раф этиш. Микрокредитлар миқозларининг омонатлари асосида нақд пулда берилади, янги кредитни аса олдингиси қайтарилган тақдирдагина олиш мумкин. Микромо- лиявий дастурлар миқозларининг 75%и банкларга бормасдан, кредит сўраб такрор муурожаат қилади. Шундай қилиб, микромолиялаш жараёнини кенг қўламда ташкил этиш нақд пул муомаласи соҳасида барқарорлаштирувчи омил бўлиши мумкин.

**7. Молия бозорининг янги сегментини шакллантириш.** Сўраб чиқиш нати- жалари республикада умуман банкларнинг хизматларига муурожаат қилмасдан “ўсган” ва ишлабган микротадбиркорлар сегментини мавжудлигини кўрсатди: сўраб чиқилганларнинг 14%и ўз тадбиркорлик фаолиятларида банкларга муурожаат қилмаган, 38%и аса охирти икки йилда бирор марта ҳам банкларга муурожаат қилмаган. Микромолиялаш молия бозо- рининг фақат бозор принциплари асосида ишлайдиган янги сегментини шакллантириб, мамлакатда молиявий воситачиликнинг ўсишини ҳамда жамғармалар ва умуман кредит- лаш бозорининг диверсификацияланишини тезлантиради.

**8. Микромолиялаш қишлоқ хўжалигидаги институциявий ислохотларни самарали амалга оширишнинг энг муҳим воситасидир.** Ширкат (жамоа) хўжаликларининг фермер хўжаликларга айлангирилиши майда кредитларга катта талаб туғдиради. 2004–2006 йилларда 1020 та ширкат ёки улар умумий сонини 55%и фермер хўжаликларига айлангирилади деб тахмин қилинмоқда. “Янги” майда фермерлар ўз хўжаликларини ривожлантириш, техника, уруғлик ва ўғитлар сотиб олиш учун кичикроқ молиявий маблағларга жуда муҳтож бўлади. Аҳолининг 60%дан ортиқроғи қишлоқ жойларда яшаётганлигини ҳисобга олганда, майда кре- дитларга талаб жуда катта бўлади.

**9. Микромолиялаш марказ тасарруфидан чиқариш билан боғлиқ кундалик жараёнларни амалга ошириш воситасидир.** Марказ тасарруфидан чиқариш микрофирмалар ривожланишининг муҳим омилга айланади. Уларга иш- лаб чиқаришни ривожлантириш ва диверсификациялаш учун озроқ миқдорда кре- дитлар керак бўладик, бу талабни банклар қондира олмайд.

Шундай қилиб, микромолиялаш ҳозир *Ўзбекистон аҳолиси қаттагина қисмининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш ҳамда жамиятдаги со- циал кескинликни камайитиришнинг энг реал имкониятидир.*

Ҳозирги босқичда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадал- лаштириш сўёсати нуқтаи назаридан микромолиялашни қўллаб-қувватлаш давлат дастурини ишлаб чиқил микромолиялашнинг юқорида кўрсатиб ўтилган ҳамма жиҳатларини амалга оширишнинг бош омилдир. Бундай дастурнинг компонент- лари қуйидагилар бўлиши керак:

**1. Рағбатлантирувчи норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш.** Микромо- лиялаш ҳуқуқий базасининг бундан кейинги ривожланиши икки босқичда ўтиши керак:

- Қарор қабул қилиш. Бу Қарорнинг ваазифалари ММТнинг энг зарур ва асосий кундалик муаммоларини расмийлаштиришдан иборат бўлади: ҳар хил ММТларни рўйхатга олишнинг аниқ тарғиби; ММТларнинг муқобил

молиявий мабдалардан фойдалана олишини белгилаш ва бундан кейинги солиққа тортиш режими.

- “Ўзбекистон Республикасида микромолиялаш тўғрисида” қонун ишлаб чиқил. Бу қонуннинг мақсади Ўзбекистонда ММТлар фаолияти билан боғлиқ барча масалаларни расмийлаштиришдан иборат бўлади. Ушбу қонунни қабул қилиш оптимал ҳуқуқий базани шакллантириш нуқтаи назаридан микромолиявий сектор учун гоаят ижобий самара беради.

**2. Имтиёзли солиққа тортиш даврини узайтириш.** Микромолиявий сектор ривожланишининг бошланғич даврида эканлигини, шунингдек, унинг алоҳида ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олиб, ММТларни даромадлари бўйича солиққа тортишнинг имтиёзли даврини навбаддаги уч йилга чўзиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу билан бир вақтда микрокредитлар ва микролизинглар берилп соҳасидаги хизматларни қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш зарур.

Солиққа тортиш бўйича имтиёзли даврни узайтиришнинг шартлари бўла-тиб олинадиган маблағлардан кейинги микромолиявий хизматлар, ММТ операция харажатларини қоплаш ва уларнинг моддий-техникавий базасини ривожлантириш учун фойдаланишдан иборат. Шунинг кўрсатиб ўтиш ўринли бўладики, ўз вақтида банкларга ҳам даромад солиқлари бўйича имтиёзлар берилган бўлиб, бу имтиёзлар мамлакатимиз банк секторининг қарор топишида муҳим рол ўйнаган эди.

**3. Давлат иштироки.** Давлат аниқ мақсадли ММТлар ташкил этиши-га маблағ ажратиши мумкин. Масалан, қишлоқ аҳолисининг ночор қатламлари (қишлоқ ўқитувчилари, тиббиёт ходимлари, МТХ (муҳандис-техник ходимлар), ёш оилалар ва ҳоказо) учун давлат қарзи ажратиш ҳамда бу маблағларни тасарруф этиш учун ММТларни жалб этиш мумкин. ММТ фаолият географиясини кенгайтириш ва мамлакатнинг ҳамма минтақаларини микромолиялаш билан қамраб олиш талаблари қарз олишнинг асосий шarti бўлиши керак<sup>58</sup>.

**4. Янги тажриба лойиҳалар.** Икки турдаги янги тажриба лойиҳа Ўзбеки-стонда микромолиялаш мақоми ва кўламини кучайтиради. Бу лойиҳалар: янги ми-кромолиявий маҳсулотларни синаб кўриш ҳамда меҳнат бозорида вазият ҳаммадан кескин бўлиб турган туманларда анъанавий микромолиявий маҳсулотларни жорий этишдан иборат.

**5. Аҳолининг хабардорлигини кучайтириш.** Ахборот етарли эмасли-ги ушбу жараёнда қатнашадиган ташкилотлар доираси тор бўлишига ва рақобат йўқлигига сабаб бўлмоқда. Аҳолининг микромолиялаш масалаларида хабардорлиги ошишига ҳар хил “давра суҳбатлари”, ММТ фаолияти натижаларининг тақдиротиини ташкил этиш, ММТларнинг давлат ҳокимияти органлари билан биргаликдаги та-шаббусларини амалга ошириш, микромолиялаш бўйича буқламалар, рисоалалар, қўлланмалар чиқариш, шунингдек, ОАВда кенг ёритиш орқали эришини мумкин.

<sup>58</sup> Ҳозирги микромолиялаш дастурлари асосан Қорақалпоғистон ва Қашқадарё вилояти, Фарғона водийси минтақалари билан чегараланган.

**Фойдаланилган адабиёт рўйхати:**

1. Микромолиялаш секторида тартибга солиш ва назорат қилишнинг раҳбар принциплари, Вашингтон, Колумбия округи, 2003.
2. Экономическое обозрение, №11 (62) 2004.
3. Марказий Осиёда микромолиялаш ва камбағаллик муаммолари. Жаҳон банки материаллари. 6-серия, 2004

## **Социологик тадқиқотнинг қисқача натижалари («Таҳлил» социал тадқиқотлар маркази)**

Социологик тадқиқот концепцияси ва вазифаларига мувофиқ респондентларнинг мақсадга хизмат қилувчи бир неча гуруҳи ажратилди:

- банк ва нобанк микрокредит дастурларининг иштирокчилари бўлган тадбиркорлар;
- банк ва нобанк микрокредит дастурларининг ММТ сектори вакиллари жумласидан бўлажак иштирокчилари;
- микрокредитлайдиган банкларнинг менежерлари ва нобанк микромолиявий институтларнинг ходимлари (шу жумладан донор ташкилотларнинг ходимлари);
- давлат назорат ва контрол органларининг ходимлари.

Миқдор бўйича сўров ўтказиш учун ва батафсил интервьюлар олиш учун респондентлар танлаш вақтида микромолиялашнинг гендер жиҳатларига ва кам таъминланган аҳоли гуруҳлари микрокредит ресурсларидан фойдалана олиши муаммоларига алоҳида эътибор берилди.

Текшириш 2005 йил март-апрел ойларида ўтказилди. Ахборот тўплашнинг миқдор ва сифат усулларини қўллаган ҳолда аралаш ёндашувдан фойдаланилди. Миқдор босқичи жараёнида квота танлови бўйича 620 респондентдан сўраб чиқилди (шуларнинг 20 таси тажриба тариқасидаги интервью эди). Квоталар тадқиқот мақсадлари учун муҳим бўлган белгиларни ҳисобга олиб тузилди. Булар:

- респондентларга микрокредит берган ММИ турлари (банклар, ЖКУ, ММТ);
- бериладиган микрокредит маҳсулотларининг турлари (имтиёзли ва назорат асосидаги банк кредитлари, бюджетдан ташқари фондларнинг микрокредитлари, хорижий кредит линиялари, ММТ ва ЖКУларнинг туруҳларга ва яққа шахсларга бериладиган кредитлари, шу жумладан нақд пулда берилмайдиган кредитлари);
- микрокредитлаш дастурларида қатнашувчилар – банк мижозларининг, ММТ мижозлари ва ЖКУ аъзоларининг фаолияти (ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаси, савдо ва бошқалар).

Микрокредит маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни баҳолаш учун микрокредитлар олмаган кичик ва ўрта бизнес тадбиркорларининг квотаси тузилди. Тадқиқотнинг миқдор босқичи маълумотлари базасидан кейинги таҳлил ишлари учун SPSS ва DBASE форматда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг сифат босқичи жараёнида асосий стейкхолдерлар билан 48 та батафсил интервью, шу жумладан 8 та йўналитурувчи интервью ўтказилди.

- микрокредитлашни амалга оширадиган банкларнинг менежерлари ва нобанк ММИ ходимлари билан (шу жумладан донор ташкилотлар ходимлари билан);
- кредит муассасалари фаолиятини текширувчи ва назорат қилувчи давлат органлари (Марказий банк, солиқ инспекцияси, юстиция органлари ва бошқалар) ходимлари билан;
- банк ва нобанк микромолиявий дастурларнинг қатнашчилари билан.

Батафсил интервюлар жараёнида олинган ахборот сифатли ахборотни кодлашнинг кенгайтирилган усуллари (Ethnograph) фойдаланиб қайта ишланди.

Тадқиқот жараёнида 8 та case-study – турли микрокредитлаш схемаларига эга бўлган нобанк микромолиялаш институтларининг кредит тарихи тайёрланди.

Амалдаги микромолиявий дастурлар локаллаштирилганлигини ҳисобга олиб, тадқиқот Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларида ўтказилди.

ММТ секторини социологик текшириб чиқиш ҳақидаги ҳисоботнинг тўла версияси билан Иқтисодий тадқиқотлар марказида танишиш мумкин.

**1-жадвал. Респондентлар оилаларида 2005 йил март ойида жон бошига тўғри келган ўртача пул даромадлари**

	Даромад-нинг ўртача миқдори, минг сўм	Жон бошига ўртача 25000 сўм даромад оладиган оилалар улуши, %	Пул даромадига эга бўлмаган оилалар улуши, %
Ҳаммаси	60,7	78,3	2,2
Қашқадарё вил.	62,6	86	-
Фарғона вил.	48,2	77,3	4
Самарқанд вил.	42,7	80	4
Тошкент вил.	88,3	70	0,7
Банкдан кредит олувчилар	39,8	80,5	3,3
ЖКУдан кредит олувчилар	101,5	62,7	2,7
ММТдан кредит олувчилар	54,7	86,1	0,6
Кредит сўрамаганлар	49,8	86,7	1,7
Савдо	79	77,7	1,4
Умумий овқатланиш	32,9	84,6	-
Ноозик- овқат товарлари ишлаб чиқариш	35,8	83,9	-
Озик- овқат товарлари ишлаб чиқариш	38	77,8	-
Қўх маҳсулоти етиштириш ва қайта ишлаш	55,6	76,6	4,8
Хизматлар	56,7	80	-
Бизнесдан катта даромадлар	1146,2	62,8	-
Бизнесдан камроқ даромадлар	40,6	82,8	2,4
Бизнесдан даромадлар	33,2	88,6	4,6

2-жадвал. Респондентларнинг фаолият турлари ва тадбиркорлик мақоми бўйича тақсимланиши, %

	Бизнес билан бандлар улуши	Бизнес билан бандлар жумласидан юридик шихелар	Бизнес билан бандлар жумласидан патент бўйича ишловчилар	Руйхатга олинмаган бизнес
Савдо (чорва молни олиб сотишдан ташқари)	42,7	22,3	41,0	36,7
Қ/х маҳсулоти етиштириш (чорва мол/ паррандадан ташқари)	17,5	63,8	-	36,2
Чорва мол/ парранда ўстириш/сотиш	29,5	15	15	70
Ўз хом ашёсидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2,2	15,4	23,1	61,5
Сотиб олинган хом ашёдан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	6,3	26,3	39,5	34,2
Нооziқ - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	11	37,9	28,8	33,3
Қурилиш –таъмирлаш ишлари	3,5	85,7	4,8	9,5
Хизматлар ва умумий овқатлавиш	11,8	46,5	38	15,5

3-жадвал. Текшириб чиқилган микрокорхоналардаги ходимлар сони

	Бандларнинг ўртача сони, нафар	Бандлар орасида оила аъзолари улуши, %	Банд аёллар ўртача сони, нафар	Банд бўлган аёл оила аъзолари ўртача сони, нафар
Ҳаммаси	4,8	43,8	1,8	1
Қашқадарё вил.	6,5	27,7	1,5	0,8
Фарғона вил.	3,7	56,8	1,5	1
Самарқанд вил.	6,7	37,3	2,8	1,1
Тошкент вил.	2,7	74,1	1,4	1,1
Савдо	2,6	65,4	1,1	0,9
Умумий овқатлавиш	6,5	36,9	3,5	1,4
Нооziқ- овқат товарлари ишлаб чиқариш	9,7	21,6	3,2	1,3
Озиқ- овқат товарлари ишлаб чиқариш	3,8	60,5	1,8	1,2
Қ/х маҳсулоти етиштириш ва қайта ишлаш	5,4	48,1	2,2	1,1
Хизматлар	7,2	25	1,1	0,6

4-жадвал. Микротадбиркорларнинг 2005 йил март ойидаги ўртача даромадлари, харажатлари ва фойдаси

	Бу ойда даромад олмаган респондентлар улуши, %	Ўртача даромадлар, минг сўм	Харажатларнинг даромадларга нисбати, %	Ўртача фойда, минг сўм	Фойда олмаган респондентлар улуши, %
Ҳаммаси	16,2	1500	112,9	234	19,8
Қашқадарё вил.	15,3	2244	90,7	311	17,3
Фарғона вил.	9,3	1465	172	221	13,3
Самарқанд вил.	22,7	1629	106,7	291	29,3
Тошкент вил.	17,3	652	74	120	19,3
Савдо	4,6	1382	141,9	204	5,9
Умумий овақтланиш	-	1151	132,1	177	15,4
Нооziқ- овақат товарлари ишлаб чиқариш	3,2	824	127,6	174	8,1
Озиқ- овақат товарлари ишлаб чиқариш	5,6	957	136,5	254	5,6
Қ/х маҳсулоти етиштириш ва қайта ишлаш	35,9	1272	68,3	233	42,1
Хизматлар	13,3	3775	120,4	426	15

5-жадвал. Микротадбиркорларнинг 2005 йил март ойидаги харажатлари таркиби

	Харажатлар ўртача миқдори, минг сўм	Харажат қилган респондентлар улуши, %	Тадбиркорлар чиқимлари ўртача таркибда харажатлар улуши
Айланма маблағлар	1441	94,2	76,6
Асосий воситалар	552	6,7	2,2
Меҳнатга ҳақ тўлаш	184	38	4,3
Бино ижараси ва коммунал тўловлар	61	29,3	1,1
Транспорт харажатлари	69	76,7	3,2
Солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлар	300	33,8	5
Патент ҳақи	35	28,5	0,6
Норасмий тўловлар	61	6,5	0,2
Банк қарзи бўйича тўловлар	198	29,7	3,6
Кредит уюшмасига қарз бўйича тўловлар	143	17,3	1,5
ММТ дастурида қарз бўйича тўловлар	49	18,3	0,6
Хусусий шахсларга бизнес бўйича қарзларни қайтариш	183	3	0,3
Бошқа харажатлар	121	11,3	0,8

**6-жадвал. Респондентлар охириги 6 ойда ўз бизнесининг даромдлилигини баҳолаши, %**

	Бизнесдан катта даромадлар	Бизнесдан кам даромадлар	Бизнесдан олинган даромадлар харажатларни зўрға қоплайди
Ҳаммаси	28,7	49,5	21,8
Қашқадарё вил.	36	41,3	22,7
Фарғона вил.	30	42	28
Самарқанд вил.	26	62,7	11,3
Тошкент вил.	22,7	52	25,3
<b>Шаҳар</b>	37,1	43,5	19,4
Қишлоқ	20,3	55,5	22,3
Эркак тадбиркорлар	25,8	49,9	24,3
Аёл тадбиркорлар	32,4	49	18,5
Банкдан кредит олувчилар	27,1	50	22,9
ЖКУдан кредит олувчилар	30	44,7	25,3
ММТдан кредит олувчилар	29,4	52,2	18,3
Микрокредит олмаганлар	28,3	51,7	20
Савдо	30,9	49,1	20
Умумий овқатланиш	7,7	53,9	38,5
Поозик – овқат товарлари ишлаб чиқариш	22,6	62,9	14,5
Озиқ- овқат товарлари ишлаб чиқариш	41,7	44,4	13,9
Қ/х маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш	26,8	48,3	24,9
Хизматлар	30	43,3	26,7



**7-жадвал. Микротадбиркорларнинг асосий муаммолари. %**

Юқори солиқлар	88,0
Иш учун зарур ускуна ва материалларни сотиб олиб бўлмаслиги (ҳаддан ташқари қиммат)	80,7
Бизнес харажатларининг катталиги	38,5
Транспорт хизматлари баҳоси баландлиги	38,5
ЁММ, ем, ўғитлар қимматлиги/эркин сотувда йўқлиги	10,4
Кредит олиш қийинлиги	58,9
Пул, айланма капитал етишмаслиги	55,7
Банкдан нақд пул олиш қийинлиги	50,0
Банклар билан ишлаш қийинчиликлари	27,6
Нобанк микроолияявий ташкилотлар ва кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ва норматив ҳужжатларнинг йўқлиги	11,5
Кредит фойзларининг катталиги	5,7
Ишга ҳалақит берадиган текширишлар сонининг кўплиги	24,0
Мансабдор шахсларга норасмий туловларнинг (поранинг) катталиги	17,2
Давлат органларида ҳисобот топширишнинг узоққа чўзилиши ва сермеҳнатлиги	15,1
Катта рақобат	39,1
Сотиш муаммолари	30,7
Тажрибали ва ҳалол ходимлар пилатининг етишмаслиги	29,2
Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида ахборотнинг йўқлиги	22,9
Бизнес юритиш учун билим ва тажрибанинг етишмаслиги	13,5

**8-жадвал. Турли хил кредит берувчи ташкилотлардан микрокредит олувчилар таркиби, кредит берувчи ташкилотлар миқозларининг сонидан %**

	Банклар миқозлари	ЖКУ миқозлари	ММТ миқозлари	Кредит олмаганлар
Савдо	25,2	35,3	55,6	23,3
Хизмат кўрсатиш соҳаси ва умумий овқатланиш	15,2	10,7	1,7	36,7
Поозик – овқат товарлари ишлаб чиқариш	11,9	8	8,9	15
Озик- овқат товарлари ишлаб чиқариш	3,8	7,3	7,2	6,7
Қ/х маҳсулоти етиштириш ва қайта ишлаш	43,8	38,7	26,7	18,3

9-жадвал. 2004 йилда микрокредитлар олиш шартлари, ҳамма кредит берувчи ташкилотлар миқозларининг сонидан %

	Кредитнинг ўртача миқдори (минг сўм)	Бир ойдаги ўртача фонд ставкаси	Қарзнинг ўртача муддати (ой ҳисобида)	Кредит бўйича туловлар ўртача миқдори (ойига миңг сўм)	Кредит бўйича туловлар ўртача якуний суммаси (миңг сўм)	Шарҳлар: кредитнинг иқтисодий самаралорлигини пасайтирадиган асосий омиллар
Банкдан	3 500	2	21	70	1 470	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кредитни расмийлаштиришнинг қimmatлиги;</li> <li>• нақд пулда берилмаслиги;</li> <li>• норасмий туловлар (кредит суммасидан 10-20%);</li> <li>• кредит беришнинг транш тизими;</li> <li>• кредит буюртмасининг узoқ вақт давомида кўрилиши</li> </ul>
ЖКУдан	1 100	6	7	66	462	Кредитни расмийлаштиришнинг қimmatлиги
ММТдан	220	5	5	11	55	Кредитнинг бир қисми ҳар ойда қайтарилиши

10-жадвал. Гаров таъминотининг турлари, миқозлар сонига нисбатан %

Гаров турлари	Банкда	ЖКУда	ММТда
Гаровсиз	0	3,7	94,0
Заргарлик буюмлари	4,7	24,5	0,3
Уй-жой	5,6	6,1	0
Қишлоқ хўжалик ерлари	0,9	3,7	0,6
Чорва мол	5,1	1,2	0,3
Офис/ ишлаб чиқариш бинолари	20,1	10,4	0
Гранспорт	43,5	26,4	2,3
Қишлоқ хўжалик техникаси	15	12,3	2,6
Сугурта компаниясининг кафолати	6,5	0,6	0
Хусусий фирма кафолати	12,6	3,1	0
Депозит	0	8	-

11-жадвал. 2004 йилда микрокредит олинганидан кейин бизнесдаги ўзгаришлар, миқозлар сонига нисбатан %

	Банк миқозлари	ЖКУ миқозлари	ММТ миқозлари
Айланманинг кўпайиши	45,7	38,7	71,1
Фойданинг кўпайиши	46,7	42,0	56,1
Янги бизнес очилиши	3,3	5,3	1,1
Оиланинг бошқа аъзолари учун бизнес	1,4	4,0	3,9
Оила фаровонлигининг ўсиши	21,4	36,7	31,1
Оила жамғармаларининг ўсиши	8,6	9,3	6,7
Бизнеснинг асосий маъмулотга айланиши	4,8	4,0	5,6
Ҳеч нарса ўзгармади	10,5	10,7	10,6

12-жадвал. 2005 йилда микрокредит олишни хоҳловчи тадбиркорлар микрокредитдан қандай фойдаланган булардирлар

	Банк микро-кредитлари		ЖКУ микро-кредитлари		ММТ микро-кредитлари		2004 йилда микро-кредит олмаган тадбиркорлар
	Қандай фойдаланганлар	Қандай фойдаланмоқчилар	Қандай фойдаланганлар	Қандай фойдаланмоқчилар	Қандай фойдаланганлар	Қандай фойдаланмоқчилар	Қандай фойдаланмоқчилар
Айланма капиталга маблағ солиш	35	6	23	7,8	46	27,5	8,6
Бизнесни кенгайтириш учун асосий капиталга инвестициялар	59	72,0	68	76,5	50	57,5	57,1
Бошланғич капитал/янги бизнес ташкил қилиш	9	25,3	14	26,1	3	14,4	40,0
Оида эҳтиёжларига	1	3,3	6	3,5	3	6,0	2,9

13-жадвал. Тадбиркорларнинг бизнес юритиш учун зарур бўлган кредит миқдори бўйича тақсимланиши, %

	500 минг сўм ва ундан кам	600- 1000 минг сўм	1200- 3000 минг сўм	3500- 5000 минг сўм	6000- 10000 минг сўм	10000 минг сўмдан кўп	Кредитнинг ўртача миқдори
Савдо	31,1	23,0	18,6	10,4	9,8	7,1	4700
Умумий оқватланиш	0	0	44,4	33,3	11,1	11,1	5300
Ноозиқ- оқват товарлари ишлаб чиқариш	22,4	8,2	14,3	16,3	28,6	10,2	18100
Озиқ-оқват товарлари ишлаб чиқариш	48,1	11,1	18,5	18,5	3,7	0	1900
Қ/х маҳсулоти етиштириш ва қайта ишлаш	14,9	14,3	27,9	17,5	18,2	7,1	5200
Хизматлар кўрсатиш	13,3	8,9	22,2	17,8	15,6	22,2	11200
Ҳаммаси	23,6	16,1	22,1	15,0	14,8	8,6	6750

14-жадвал. Тадбиркорларнинг маъқул курган кредит муддатига қараб тақсимланиши, % ҳисобида

	6 ойга- ча	6 ой	7-10 ой	1 йил	1,5-2 йил	2,5-3 йил	3,5-5 йил	Кредит- нинг ўрта- ча муддати (ой)
Савдо	9,3	15,8	10,4	27,9	20,2	13,1	3,3	17
Умумий оқватланиш	0	11,1	0,0	33,3	44,4	11,1	0	19
Ноозиқ- оқват товарлари ишлаб чиқариш	8,2	12,2	2,0	18,4	16,3	30,6	12,2	26
Озиқ-оқват товарлари ишлаб чиқариш	14,8	22,2	7,4	25,9	11,1	18,5	0	15
Қ/х маҳсулоти етиштириш ва қайта ишлаш	3,2	7,1	1,3	20,8	22,7	33,8	11	27
Хизматлар кўрсатиш	2,2	2,2	4,4	35,6	26,7	22,2	6,7	23
Ҳаммаси	6,6	11,6	5,6	25,3	21,2	22,9	6,9	22

**15-жадвал. Тадбиркорлар ҳозирги вақтда бизнесдан фойда нормасини ҳисобга олган ҳолда тулашга тайёр бўлган кредит туловларининг энг кўп физи**

	1% гача	1%	2%	3%	4%	5%	6-6,5%	7-10%	Уртача қарз фойизи
Банкларнинг миқозлари	22,7	24,0	42,7	8,0	1,3	0	0	1,3	1,5
ЖКУ миқозлари	5,2	6,1	20,9	25,2	10,4	15,7	13,9	2,6	3,5
ММГ миқозлари	3,0	9,6	10,8	12,6	32,9	3,6	25,1	2,4	4
Микрокредит олмаганлар	14,3	17,1	31,4	14,3	0	11,4	2,9	8,6	3
Савдо	3,8	11,5	23,0	17,5	19,7	6,6	14,2	3,8	3,5
Умумий овқатланиш	0	22,2	44,4	22,2	0	0	0	11,1	3
Ноозиқ- овқат товарлари ишлаб чиқариш	12,2	30,6	18,4	10,2	8,2	6,1	14,3	0	2,5
Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш	7,4	0	3,7	18,5	18,5	3,7	44,4	3,7	4,5
Қ/х маҳсулоти стиштириш ва қайта ишлаш	21,4	12,3	29,9	11,0	11,7	5,8	7,1	0,6	2,5
Хизматлар кўрсатиш	4,4	17,8	33,3	13,3	13,3	6,7	6,7	4,4	3
Ҳаммаси	10,7	13,9	25,1	14,3	14,8	6,0	12,6	2,6	3

**16-жадвал. Микрокредит шартларининг тадбиркорларда микрокредит олиш  
истагига таъсири. % ҳисобида**

	Мавжуд шартлар асо- сида микро- кредит олган бўларди	Мавжуд шарт- лар асосида микрокредит олмаган бў- ларди	Жавоб бериш- га қий- налади
Фоиз ставкаси ойига 1-2%	94,6	4,9	0,4
Фоиз ставкаси ойига 3-6%	45,4	52,2	2,4
Кредит миқдори 500 АҚШ долларигача	34,0	63,4	2,6
Кредит миқдори 500 -1500 АҚШ долларигача	56,5	41,3	2,1
Кредит муддати 3 ойдан кам	16,5	80,7	2,8
Кредит муддати 3 ойдан 6 ойгача	35,3	64,0	0,6
Кредит муддати 6 ойдан 12 ойгача	76,7	21,0	2,4
Микрокредит баҳосининг 120% миқдорида гаров топшириш зарурлиги	57,8	34,5	7,7
Кредитни нақд пул билан олиш мумкинлиги	91,9	7,9	0,2
Гаровга қўйиладиган мулкни унинг бозор баҳосидан кам баҳолаш	46,9	44,1	9,0
Кредит олиш учун кредит ташкилотига аъзо бўлиш зарурлиги	55,9	36,8	7,3
Яхши кредит тарихи мавжудлиги	56,1	19,9	24,0

17-жадвал. Турли микрокредит муассасалари иши самарадорлигининг тадбиркорлар томонида баҳоланиши

	Хабари йўқ тадбиркорлар улуши, % ҳисобида		Хабардор тадбиркорларнинг баҳоси, хабардорларга nisbatan % ҳисобида	
	Бу ташкилот микрокредитлар беришини билмайди	Бу ташкилотга ҳеч қачон иши гушмаган/бундай ташкилотни билмайди	Яхши дейиш мумкин	Ёмон дейиш мумкин
Банклар	10,5	14,2	60	40
Иш билан бандликка ёрдамлашиш фондининг кредит линияси	19,7	55,2	63	37
Халқаро ташкилотларнинг кредит линиялари	13,5	59,3	73	27
Бизнесс-фонд	17,5	55,2	30	70
Фермерларни қўллаб қувватлаш фонди	21,0	55,3	31	69
ЖКУ	14,8	53,0	83	17
ИПТ микрокредитлаш дастурлари	13,0	45,2	91	9

18-жадвал. Тадбиркорлар турли муассасалардан микрокредитлар олинган чоғида дуч келадиган қийинчиликлар, % ҳисобида


	Банкдан	ЖКУдан	ММТдан
Кредитни расмийлаштириш тадбирининг узоққа чўзилиши ва мураккаблиги	34,3	3,3	12,8
Қатта гаров	48,6	13,3	1,1
Нақд пул олиш қийинчиликлари	48,6	2,7	12,2
Кредит миқдори жуда камлиги	19,1	17,3	34,4
Юқори фойза	47,1	58,7	20,6
Кредит берилган муддат жуда оз	29,1	28	25,6
Поралар	14,3	2,7	1
Кредитни муддатидан олдин тўлашга рухсат берилмайди	9,5	2	4,4
Бюрогма берилганидан кейин кредит олиш узоққа чўзилиб кетиши	9,5	2	4,4
Муддатлар бузилиши/ кредит траншларининг кечикиши	11,4	1,3	2,2
Ташкилотнинг узоқдалиги	14,3	27,3	5,6
Бизнесс бошлаш учун кредит олиш мумкин эмаслиги	10	3,3	6,7
Ҳар ойда кредитнинг бир қисмини қайтариш зарурлиги	14,7	-	33,9
Захира фондига пул тўлаш зарурлиги	-	3,3	25,6

## 19-жадвал. Тижорат банклари орқали бериладиган кредит маҳсулотлари

	Кредит мақдори	Йиллик фоиз	Муддатлар	Қўшимча шартлар
<b>Банклар маблағларидан имтиёзли кредитлаш фондлари</b>				
Юридик шахслар учун	10000 АҚШ доллари-гача	МБ қайта молиялаш ставкасидан юқори эмас *	3 йил-гача	Фаолият турларига квоталар; кредитнинг 50%и деҳқон ва фермер хўжаликларига нақд пулда берилади ва қайтарилади
Жисмоний шахслар учун	5000 АҚШ доллари-гача	МБ қайта молиялаш ставкасидан юқори эмас	3 йил-гача	Фаолият турларига квоталар; кредитнинг 50%и деҳқон ва фермер хўжаликларига нақд пулда берилади ва қайтарилади
<b>Иш билан бандликка ердан бериш фонди</b>				
Юридик шахслар учун	Энг кам иш ҳақининг 300 баравари	МБ қайта молиялаш ставкасининг 40-45%и	3 йил-гача	Фаолият турларига квоталар; камида 5 та ишчи ўрни яратиш
Жисмоний шахслар учун	Энг кам иш ҳақининг 150 баравари	МБ қайта молиялаш ставкасининг 40-45%и		Фаолият турларига квоталар; кредитнинг 50%и нақд пулда берилади ва қайтарилади
Оилавий тадбиркорлик субъектлари бўлган жисмоний шахслар учун	Энг кам иш ҳақининг 150 баравари	МБ қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми	2 йил-гача	ИФга мажбурий ажратмалар; ижтимоий ночор оилаларга устунилик берилади; 6 ойгача имтиёзли давр; кредитнинг 50%и нақд пулда берилади ва қайтарилади
<b>Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш фонди</b>				
Юридик шахс бўлган фермер ва деҳқон хўжаликлари	10000 АҚШ доллари-гача	МБ қайта молиялаш ставкасининг 1/3 қисми	3 йил-гача	Камида 2 йиллик имтиёзли давр; кредитнинг 50%и нақд пулда берилади ва қайтарилади
Юридик шахс мақомини олмаган деҳқон хўжаликлари	5000 АҚШ доллари-гача	МБ қайта молиялаш ставкасининг 1/3 қисми	3 йил-гача	Камида 2 йиллик имтиёзли давр; кредитнинг 50%и нақд пулда берилади ва қайтарилади
Юридик шахслар учун	10000 АҚШ доллари-гача	МБ қайта молиялаш ставкасининг 40-45%и	10 йил-гача	Фаолият турларига квоталар; имтиёзли давр камида 2 йилдан 5 йилгача
Жисмоний шахслар учун	5000 АҚШ доллари-гача	МБ қайта молиялаш ставкасининг 40-45%и	3 йил-гача	Фаолият турларига квоталар; имтиёзли давр камида 2 йил; кредитнинг 50%и нақд пулда берилади ва қайтарилади
Бошланғич капитал	Энг кам иш ҳақининг 150 баравари-гача	МБ қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми	3 йил-гача	Фаолият турларига квоталар; бизнес билан камида 6 ой шуғулланганлик; имтиёзли давр камида 2 йил

Изоҳлар\* Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси 2004 йилда йил бошидаги 24% дан йил охирида 16% гача бир неча марта ўзгарди.

**5-расм. Тадбиркорларнинг бизнестга қиладиган харажатлар даражаси ва фойда миқдори бўйича кластер тақсимланиши**





## Микромолиялашга инновацион ёндашувлар соҳасидаги хорижий тажриба

Хорижий инновацион тажриба қуйидаги ёндашувларга мувофиқ гуруҳларга ажратилган: 1) вазифаси ва ташкилий тузилиши; 2) бошқарув усули; 3) ходимлар; 4) мижозлар; 5) хизматлар-маҳсулотлар; 6) хизмат кўрсатиш усуллари

### Мозамбик

*ММТ вазифаси ва ташкилий тузилиши.* GARI Sarl халқаро донорларнинг (KfW, AED, DANIDA, USAID, EИ ва ҳоказо) молиявий воситачиси сифатида иш олиб борадиган, уларнинг инвестицияларини молиявий, консалтинг ва таълим хизматларини уйғунлаштириш орқали бошқарадиган акциядорлик компанияси. GARI Sarl етакчи ММТлардан бири бўлиб, кичик ва ўрта қишлоқ корхоналарини молиявий жиҳатдан ривожлантиришга ўз ёрдамини таклиф қилади. ММТ майда фермер хўжалиklarини бирлаштирадиган федерациялар воситачилигида қишлоқ камбағалларига микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг инновацион механизмини ишлаб чиқди. Ҳар қайси федерация ўз аъзолари ва бошқа маҳаллий фермерлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотини оладиган, шундан кейин эса уни кредит учун ҳақ сифатида федерацияга етказиб берадиган аъзо ассоциацияларга кредитлар беради (1-расмга қараиш). Маҳсулотни сотишдан олинган фойданинг 80% га яқини ассоциацияларга қайтариб топширилади, компания эса фойз тўловлари ва харажатларни қоплаш учун фойданинг 20% ини ушлаб қолади.

*Кредитлар.* GARI Sarl федерациялар учун гуруҳнинг биргаликдаги кафолатлари асосида инвестициявий ва ишчи капитални қарзга таклиф этади. Кредитлар форум даражасида GARI Sarl вакиллари орасидан тузиладиган кредит менежменти қўмитаси томонидан мониторинг қилинади. Қарзни узиш графиклари мослашувчан, фойзалар ҳар ойда тўланади, кредитнинг асосий суммаси эса истаган вақтда қайтарилиши мумкин.

GARI Sarl ҳамма иқтисодий соҳаларда: чакана савдо қатнашчилари ва улгуржи савдо қилувчилар учун (айниқса қишлоқ жойларда) ишчи капитални молиялашда, мижозларни ўқитишда, уларга маслаҳат ва техникавий ёрдам беришда, шунингдек амалий ахборотга йўл очиб беришда, янги ташкил қилинган ва ишлаб турган кичик корхоналарга молиявий ва номолиявий хизматларни ҳамда инвестицияларни молиялашда ёрдамни таклиф қилади.

### Мали

*ММТ вазифаси ва ташкилий тузилиши.* ГАРбий Африканинг баъзи минтақаларида қишлоқ жамғарма ва кредит ташкилотлари машҳур бўлиб, улар узоқ қишлоқларга коммунал асосда микромолиялаш хизматларини кўрсатади. Бу ташкилотлар марказ тасарруфидан жуда йироқлашган тузилмага эга ва уларнинг чиқимлари паст даражада. Қишлоқ аҳли ташкилот мулкида қатнашади ва ташкилотни бошқарадиган менежерлар қўмитасини сайлайди.

*ММТни бошиқариш усули.* Мижозларни баҳолашда, кредит кафолатларини беришда ва улар қайтарилишини таъминлашда қишлоқ фермерлари ассоцияси (ҚФА) билан ҳамкорлик қилиш туфайли чиқимлар паст даражада бўлади. Бундан ташқари, ҚФАлар фермерларни товар кредит сифатида ўғитлар билан таъминлайди, шунингдек фермер хўжаликларининг оладиган фойдасини ошириш учун коллектив маркетинг хизматларини ҳам кўрсатади. Ҳар бир қишлоқ аҳоли пунктида ўз фойз ставкалари белгиланади ва ўз хизматлари кўрсатилади.

## **Боливия**

*Хизмат кўрсатиш усуллари (мезанизмлари).* Микромолиявий хизматлар шластик карточкалардан фойдаланган ҳолда кўрсатилади. Кредит учун ҳақ қарз олувчининг пул оқимларига қараб тўланади. Банкоматлардан фойдаланиш чоғида мижозлар идентификация мақсадларида рақамли коддан эмас, бармоқ изларидан фойдаланадилар. Бу уларга кредитлар ва жамғарма ҳисобварақларидан фойдаланиш учун анча қулай ва оддий йўл очиб беради. Банкоматлар мижозлар билан уларнинг она тилида сўзлашади ва маблағларга йўл очиш учун оддий йўриқномалар беради. Кредит бўйича ҳисоб-китоб қилиш графиги ҳосил йиғилиш мавсумига мослаштирилган. Мижозларнинг бирлашган туруҳлари кредитни график бўйича қайтардилар. Бу график уларнинг пул оқимларига мос келади. Чунончи, кофе теришда банд бўлганлар феврал ойидан май ойигача фақат фойзаларни тўлашлари, сўнгра эса июл ойида кофе терими бошланганидан кейин кредитнинг асосий суммасини тўртта тенг қисмга бўлиб, ойда бир марта қайтаришлари мумкин.

## **Ҳиндистон**

*ММТ вазифаси ва таъкилий тузилиши.* Камбағаллик чегарасидан пастда яшайётган аёллар учун махсус мўлжалланган хизматлар кўрсатилади. Камбағал аёлларга хизмат кўрсатиш ҳамда молиявий жиҳатдан мустақилликни таъминлаш вазифалари ташкилотни нобанк молиявий воситачи Share Microfin Limited (SML) тижорат гузилмасига айланишга мажбур қилди. У жамғармаларни сафарбар этишга ва анъанавий молиявий сектор – тижорат банкларидан маблағ олишга муваффақ бўлди.

*Мижозлар.* Мижозларни ўрганиш учун аниқ ва тушунарли мезонлардан фойдаланилади. Кредит олиш учун аёл ихтиёридаги ҳамма активлар қиймати 500 АҚШ долларидан оғмаслиги керак, бир оила азвосига тўғри келадиган даромад ойнага етти ярим доллардан кам бўлиши керак. Бундан ташқари оила хўжалигининг қарамлик кўрсаткичи деб аталган кўрсаткич ҳисоблаб чиқарилади. Маҳаллий бўлимларнинг менежерлари бўлажак мижозларни аниқлаб, уларнинг яшаш жойларида улар билан учрашувлар ташкил этади. Учрашувларда менежерлар кўрсатилаётган хизматларнинг хусусиятларини ва уларнинг методологиясини тушунтириб берадилар. Хизматларга қизиқиш даражаси шу тариқа аниқланади.

*Ходимлар.* Бўлимлар ходимлари, шу жумладан менежерлари ҳам, бўлимлар хизмат кўрсатадиган аҳоли гуруҳларининг вакиллари орасидан ёлланади. Натижада ходимлар бўлажак мижозларнинг камбағаллик даражасидан ҳамда уларга қарашли микрокорхоналарнинг яшаш қобилиятидан хабардор бўладилар.

*Хизматлар.* Одатда кредитлардан улар олинганидан кейинги биринчи ҳафта давомида фойдаланилиши керак, лекин уй-жой сотиб олиш учун берилган кредитларга келганда муддат уч ойгача узайтирилади. Кредит бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш маданияти жуда юқори даражада сақланади. Тўловларни амалга оширмаганлик учун жазоларга қаттиқ риоя этилади (масалан, гуруҳнинг бошқа аъзолари жазоланади, улар қарздор учун тўлашлари керак). Бундай усуллар нопок мижозлар пайдо бўлишининг олдини олади. Кредитлар майда улушлар билан қайтариледи, улар ҳар ҳафтада тўланади. Тўлов суммаси, депозит ёки қарз мижоз яшайдиган жойда унинг учун қулай бўлган вақтда тўланиб, мижоз банк бўлимига боришга мажбур қилинмайди.

## Чили

*ММТ вазифаси ва ташкилий тузилиши.* Хусусий тижорат банки Banco del Desarrollo (БДД) алоҳида микромолиявий филиал ташкил этган бўлиб, унинг доирасида 20 хилдан ортиқ молиявий ва номолиявий хизматларни тақдим этадиган, микрокорхоналарга хизмат кўрсатадиган марказлар ишлаб турди. Дастлаб БДД банк филиаллари тизимида энг кам таъминланган тадбиркорларга хизмат кўрсатиш бўйича марказлар ташкил этди. Шундан кейин у алоҳида микромолиявий бўлим-Bandesarrollo Microempresas (БМ) ташкил қилди. Бўлим микротадбиркорларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, бир қанча хизматларни ишлаб чиқди. БМ ҳамма масалаларни, шу жумладан ходимларни танлаш ва ўқитиш масалаларини ҳам ҳал қилишда тўла мустақилликка эга. Филиал янги мижозлар жалб этишга, микрокредитлаш технологияларини ишлаб чиқиш ва қўллашга, хатарни баҳолашга, кредитларни кузатиб туришга ва улар қайтарилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўришга жавоб беради. Филиал микромолиялаш масалалари бўйича ўзига хос молиявий маслаҳатчи сифатида иш олиб боради. БДД эса қарз олувчиларга микроқарзлар беради ва максимал даражада фойда олинисига эришиш учун ҳамма кредитлар максимал самара билан ўтишини таъминлашга жавобгар бўлади.

*Хизматлар.* Хизматлар жумаслига қуйидагилар киради: ҳисоб-китоб ва жамгарма ҳисобварақлари, депозит сертификатлари, турли хил кредитлаш схемалари, кредит ва дебет карточкалари, истеъмол кредитлари, таълим олиш ва уй-жой сотиб олиш учун кредитлар, саломатлик ва ҳаётни суғурталаш жамгарма хизматлари, банкка «online» режимида кириш, шунингдек банкоматлар мишлий тармоғига кириш имкониятининг мавжудлиги.

## Камбоджа

*ММТ вазифаси ва ташкилий тузилиши.* Камбоджа иқтисодий ривожланиш мишлий агентликлари ассоциацияси (КИРМАА) донорлор ёрдамида ННТ-ММТдан банкка айлантирилди. Аввалги ННТ-ММТ ўз активлари ва мажбуриятларини янги КИРМАА банкка топширди. Қайта ташкил этиш пайтида КИРМАА банкка 45% миқдорда ўз капитали топширилди, хорижий инвесторлар эса банк чиқарган янги акцияларни 49% миқдорда сотиб олди. Банкнинг фаолият кўрсатадиган географик зонасини кенгайтириш ва унинг Камбоджадаги молиявий ташкилотларнинг энг йи-

рик тармоғига айланиши жамғармалар сафарбар этилишига ва пул жўнатиш енгиллашига ёрдам берди. Минтақавий ваколатхоналар ва хизмат кўрсатиш марказлари миждозларга яқинроқ жойларга олиб чиқилди.

*ММТни бошқариш усуллари.* Молиявий ҳисоботлар ҳар ойда таҳлил қилинади ва бизнес-режани унинг амалда бажарилиши билан таққослашни, чиқимлар таҳлили ҳақида ҳисобот тузишни, шунингдек хизматлар трансфертини таҳлил қилишни тақозо этади. Янги капитал солиниши миждозларга бериладиган кредитлар кўнайтилиши рағбатлантирди. Янги капиталнинг анча қисмидап ташкилотнинг узоқ муддатли ривожланишини, шу жумладан ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини бошқариш яхшилланишини таъминлаш учун фойдаланилди. Бу эса КИРМАА банки янада ривожланиши учун мустақкам замин яратди.

*Ходимлар.* Қайта ташкил этиш бошланиши биланок ходимлар ғайратини қўллаб-қувватлаш вазифаси кўйилди. Бунга эришиш учун ММТ ходимларининг мулкда биргаликда қатнашиши дастури тузилди.

## Филиппин

*ММТ вазифаси ва ташиқий тузилиши.* Қишлоқ хўжалигини ва қишлоқ жойларни ривожлантириш маркази (ҚҚЖРМ) олти йил давомида ННТ-ММТ сифагида муваффақиятли ишлаганидан кейин донорларнинг узоқ вақт мобайнида қўллаб-қувватлаши туфайли мамлакатда биринчи бўлиб хўжалик банкига айланди. ННТ-ММТнинг банкка айланиши аста-секин юз берди, шу билан бирга ННТ-ММТ бўлимлари изчилик билан, алоҳида-алоҳида ҳолда банк бўлимларига айлана борди. Бу жараён беш йил давом этди. ҚҚЖРМ шундай тузилма яратилишига олиб келдики, бу тузилма анъанавий банкдан кўра кўпроқ кредит уюшмасига ўхшар эди. Банк ўз капиталининг кўпчилик қисми унинг аъзо-миждозларига бириктириб қўйилган эди. ММТнинг асосий вазифаси аввалгидек атайлаб ерсиз қишлоқ ишчиларига мўлжалланган банк хизматлари кўрсатилишини бу хизматларни қишлоқ аҳоли пунктларига яқинлаштириш ҳамда операциялар баҳосини минималлаштириш йўли билан таъминлашдан; гаровсиз лойиҳалар бўйича қарзлар берилишини таъминлашдан, ерсиз деҳқонлар учун банк очишдан, бу банк унинг ерсиз аъзолари томонидан назорат қилинадиган бўлишидап иборат бўлиб қолаверди. Аҳоли яқ жойлашганлиги қишлоқ жойларда бўлимлар тармоғини кенгайтиришга ёрдам берди.

*Ходимлар.* ҚҚЖРМ банк иши ва бухгалтерия соҳасида тажрибали мутахассисларни ишга олиш ўрнига, ўзининг эски ва янги ходимлари банк соҳасида зарур тайёргарликдан ўтишини таъминлади. Янги ходимлар минтақавий (маҳаллий) ривожланиш соҳасида ишлаш истаги қай даражада эканлигига қараб ишга олинади.

*ММТни бошқариш усули.* Автоматлаштирилмаган тизим компютерлаштирилди. Кредитларни, жамғармаларни кузатиш ва молиявий ҳисоб тизимлари яратилди. Ходимлар зарур тайёргарликдан ўтди. Янги ахборот тизими ликвидликнинг ҳолати тўғрисида (ҳар ҳафтада), кредит портфелининг сифати тўғрисида (ҳар ойда) ҳисоботлар ҳамда даромадлар ва чиқимлар ҳақида ҳар чорақда ҳисоботлар бериб боради. Тизим берилган қарзлар ҳақида, кредитни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги

буқуртмалар, дивидендлар ҳақида марказ ходимлари ва раҳбарларига хабар қилади, шунингдек бошқа кўпимча маълумотларни беради.

*Хизмат кўрсатиш усули (механизми).* ҚҚЖРМда мижозлар билан операциялар банк бипосидан ташқарида – қишлоқларда жойлашган кичикроқ хизмат кўрсатиш марказларидаги учрашувлар вақтида амалга оширилади. Бундай учрашувлар ҚҚЖРМ методологиясининг муҳим унсури бўлиб, ҚҚЖРМ кредитларини қайтариб бериш даражаси юқори бўлишини таъминлайди.

## Мўгулистон

*ММТ вазифаси ва таъкилий тузиллиши.* «Аг Банк» кичикроқ давлат банкидан муваффақиятли равишда ММТга айлантирилган эди. Мўгулистон ҳукумати «Аг Банк»ни ёпиб қўйишни истамай, ушбу банкни тапқи бошқарув ҳақидаги контракт асосида бошқаришга халқаро маслаҳатчиларни жалб этди ва уларни сиёсий таъйиқдан ҳимоя қилди. Техникавий ёрдамни молиялаш ЮСАИД ихтиёрига берилди. Жаҳон Банки ҳамма манфаатдор томонлар, шу жумладан Мўгулистон ҳукумати ўртасида келишувга эришилишини таъминлашда муҳим рол ўйнади.

«Аг Банк»нинг 350 дан ортук бўлимларидан иборат кенг тармоқ унинг кучли томони бўлиб чиқди. Ушбу тармоқни ва унинг ходимларини кучайтириш ва кенгайтириш учун маблағ инвестициялашга қарор қилинди. Банк бўлимлари тармоғи орқали янги хизматлар ишлаб чиқилди, синаб кўрилди ва жорий этилди. Кўп сонли бўлимлардан иборат катта тармоқ ёрдамида операцияларнинг зарур кўламига эришиш кредитлаш бир нечта жойда ҳаддан ташқари ўлганиб қолиши хатарини камайтиришга ёрдам берди.

*Ходимлар.* Юқори раҳбар ходимлар маҳаллий мутахассислар орасидан турли департаментлар бошлиқларининг ўринбосарлари лавозимларига ва юқори босқичда қарорлар қабул қилиш жараёнида илгирок этиш учун ёлланди. Банк ходимларининг амалий тажрибаси ва мижозларнинг қандай банк хизматларини маълум кўришидан яхши хабардорлиги микромолиялашнинг ривожланишига ёрдам берди.

*Хизмат кўрсатиш усуллари.* Банк жамғарма депозитлар ҳажмини оширишга ҳаракат қилиб, депозитга хизмат кўрсатганлик учун ва ҳисобварақдаги жамғармаларни олганлик учун ҳақ ундиришни тўхтатди. Натижада кўпроқ мижозлар ўз ҳисобварақларида пул қолдира бошлади, чунки улар ҳисобварақларидаги ўз пулларини ҳеч бир муаммосиз ва ўзларига керак вақтда олишлари мумкинлигини ҳис қилдилар. «Аг Банк» пенсияонерларни пул жамғаришга рағбатлантирадиган ҳамда улар учун ўз жамғармаларига осонроқ йўл очиб берадиган хизматларни ишлаб чиқди. Бундай депозитлар миқдори кўп эмаслигига қарамай, ўз фаолиятининг кўлами анча кенглиги туфайли «Аг Банк» бозорнинг ушбу сегментга фойда келтиришини таъминлади.

*Бошқариш усули.* Банк ўзи учун янги ном топди. Бу ном маҳаллий аҳоли учун жозибали бўлди. Шундан кейин у кенг маркетинг кампаниясини бошлаб

юборди. Банкнинг ҳар бир бўлимида банкнинг янги логотипи ва рамзи туширилган пешлавлар пайдо бўлди, улар телевидение, радио орқали, матбуот ва реклама плакатларида реклама қилинди. Бутун Мўгулистонда «Аг Банк» рамчлари тасвирланган соатлар, авторучкалар, кружкалар ва бейсболкаларни учратиб мумкин.

## Бразилия

*ММТ вазифаси ва таъкилий тузилиши.* Жаҳон Банки ёрдамида ва ҳукуматнинг катта қуч-ғайратлари туфайли Banco do Nordeste (BN) ўзининг микромолиялаш дастури - КредиАмигони жорий этди. Бу дастур банк бўлимларининг мавжуд кенг тармоғи афзалликларидан фойдаланди. Кредитлаш бўйича маҳаллий мутахассислар микромолиялаш хизматларини кўрсатишга жалб этилди. Ҳукумат BN ни шимол-шарқий минтақани ривожлантириш эҳтиёжларига қайишадиган замонавий ва самарали ташкилотга айлантиришга ҳаракат қилиб, хусусий тадбиркорни BN Президенти лавозимига тайинлади. Ходимлар ишини рағбатлантириш, яхшилаш ахборот тизимларини қўллаш, ишни мижозларга хизмат кўрсатиш томонига кўпроқ йўналтириш, шунингдек мослашувчанликни кучайтириш ҳисобига самарадорликни ошириш томонига катта қайта куриш амалга оширилди.

BN агар микромолиялаш дастурлари фойда келтириш ва ўзини ўзи таъминлашни кўзлаган ҳолда ишлаб чиқилса ва бошқарилса, улар муваффақиятли бўлиши мумкин, деган ҳулосага келди. Микромолиялаш мижозлари учун фойиз ставкалари BN йириқроқ қарзлар бўйича оладиган ставкаларга қараганда юқорироқ эди, лекин шу билан бирга улар норасмий кредитлар бозоридаги ставкалар даражасидан настрок эди. КредиАмиго BN бўлимларининг мавжуд йирик тармоғи берадиган афзалликдаш микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун фойдаланди (шимол-шарқий минтақанинг 702 та муниципалитетида 164 та бўлим бор).

*Ходимлар.* Кредит мутахассислари лавозимларига маҳаллий аҳоли вакиллариини жалб этиш давлат банкларига хос бўлган ва ривожланишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган анъанавий ташкил этиш усулини енгишга имкон берди. Ўқув материаллари тайёрланди, микрокредитлаш бўйича мутахассис лавозимига ходимлар танлаш мезонлари ишлаб чиқилди.

## Босния-Герцеговина

*ММТ вазифаси ва таъкилий тузилиши.* Микротадбиркорлик банки (МТБ) микробизнес дуч келадиган молиявий қийинчиликларни диверсификацияланган молиявий хизматлар кўрсатиш йўли билан тошлатиш мақсадида допорлар мададида ташкил этилган. МТБ бутун мамлакатни камраб олган бўлим ва филиаллардан иборат кенг тармоқни яратишга муваффақ бўлган жуда оз сонли (мураккаб сиёсий вазият туфайли) ММТлардан бири бўлди. У бир неча донор ташкилот, шу жумладан ЕТТБ, ХМК, ИМ ва ГАР, шунингдек ЕМО (Нидерландия)нинг биргалишиб қўллаб-қувватлаши ёрдамида ташкил этилган. Ўртача муддатли истиқболга мўлжалланган вазифа қўшимча техникавий ёрдамдаш фойдаланмаган ҳолда ўзини ўзи молиялашга эришишдан иборат.

*Хизматлар.* МТБ фаолияти сифатли ва диверсификацияланган хизматларни, шу жумладан қарз бериш, депозитлар, жорий ҳисобварақлар очиб хизматларини, шунингдек мамлакат ичида ва чет элга пул жўнатиш хизматларини таклиф қилишга қаратилган. ММТ кредитлари савдо, хизмат кўрсатиш, қурилиш ва уй-жойларни қайта қуришда хилма-хил тарзда қўлланилмоқда. Кредитлардан фойдаланишни диверсификацияланган МТБга хатарни сочиб юбориш ва шу тариқа иқтисодий ўзгаришлар шароитида ташкилотни камроқ зарар кўрадиган қилиш имконини бермоқда. Бўлимлар тармогини кенгайтириш МТБга мамлакатнинг бутун ҳудудида пул жўнатмалари бўйича хизматлар кўрсатиш, шунингдек ҳар ойда бир неча юзлаб янги кредитлар билан ишлаш имконини берди. МТБ кўп сонли хизматлар кўрсатиш мақсадида ва «қарама-қарши» таклифларнинг афзалликларидан фойдаланиш учун ўз кредит мутахассислари ўқиб тайёрларидан ўтишини таъминламоқда.

## Грузия

*Хизмат кўрсатиш усуллари.* «Константа» ММТ чиқимларни камайтириш стратегиясини жорий этди. Бу стратегия «хизмат кўрсатиш нуқталари» деб аталган жойларда ишлаш учун тўлиқ бўлмаган кун давомида ишлайдиган хизматчилардан фойдаланишни назарда тутди. Бундан кўзланган мақсад ўзлаштирилмаган иккиламчи қишлоқ хўжалик бозорларини қамраб олишга эришишдан ҳамда бўлимлари кенг тарқалган банкларнинг ресурсларидан фойдаланиш учун улар билан шерикчилик алоқаларини ўрнатишдан иборат. Молиявий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлашга эришиш ва айни вақтда Грузиянинг кам таъминланган аҳоли қатламларига хизматлар кўрсатиш каби мақсадларнинг ўзаро уйғунлигига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ривожланиш стратегияси хизматлар билан етарлича қамраб олинмаган, доимий ишлайдиган нуқталарни сақлаб туриш ўзини оқтамаслиги мумкин бўлган иккинчи даражали қишлоқ аҳоли нуқталарига кириб бориш мақсадида хизмат кўрсатиш нуқталаридан фойдаланишни ўз ичига олади. ММТ хизмат кўрсатиш нуқталарини очар экан, чиқимлар ва хатар минимал даражада бўлганида бозорнинг жожибадорлигини аниқлаши мумкин.

«Константа» қишлоқ жойларда филиалларга эга бўлган расмий банклар, шу жумладан Грузия Банки, Почта банки ва Грузия микромолиявий банки-Г МБ билан ишлайди. «Константа» ҳисоб-китоб операцияларини, тўловларни амалга ошириш ва мижозлар билан учрашувлар ўтказиш учун банкларнинг офис хоналарини ижарага олади, шунингдек уларнинг хизматларидан (масалан, банкоматларидан) фойдаланади. Хизмат кўрсатиш нуқталари одатда бозори етарли даражада фаол бўлган аҳоли нуқталарида очилади. Бундай нуқталар ММТ бўлимларига анча яқин, энг яқиниси 30–60 км масофада жойлашган бўлиши керак. Хизмат кўрсатиш нуқталари мижозлар сони 300 нафардан кам ва кредитнинг ўртача миқдори 125 АҚШ долларига тенг бўлганида ҳам фойда келтириши мумкин.

*Чиқим ва хатарларни камайтириш.* Шерик банкларнинг бўлимлари мавжуд бўлиши чиқимларни камайтиришга эмас, балки операциялар ишончлилиги-

ни таъминлашнинг ҳам шартидир. Бундан ташқари, «Константа» ГМБ билан қўшма маҳсулотлар ишлаб чиқди ва биргаликда маркетинг ўтказди. Бу ҳам чиқимларни анча қисқартириш имконини берди.

### Индонезия

*ММТ вазифаси ва ташкилий тузилиши.* Индонезиянинг Bank Rakyati (ИБР) мавжуд «Юнит Дезас» (ЮД) ларни қайта ташкил этиб, уларни субсидияларни тақсимлаш агентларидан тўлақошли қишлоқ банклари тармоғига айлантирди. Бу банклар анчагина молиявий хизматларни таклиф қилади, шу билан бирга бу ишни энгиллик билан ҳамда молиявий жиҳатдан оқилона тарзда бажаради. 1984 йилдан кейин кенг кўламда қайта ташкил этиш иши амалга оширилиб, у аниқ мақсадли бўлмаган ва субсидияланмаган қарзларни, шунингдек қишлоқ эҳтиёжларини ҳисобга олиб маҳсул ишлаб чиқилган жамғарма хизматларини ўз ичига олар эди.

*Хизмат кўрсатиш усуллари.* Микроқарзлар портфели минтақавий ваколатхоналар («қишлоқ банклари») тармоғи тўнлайдиган ихтиёрий жамғармалар ҳисобига ташкил этилади. Қарзлар бўйича ставкалар билан жамғармалар юзасидан тўланадиган даромадлар ўртасидаги фарқ туфайли банк ўз даромадларини ҳосил қилиб, уларни кредит портфелини тўлдиришга қайта инвестициялайди. Bank Rakyati биргаликда жавобгар бўлувчи гуруҳларга қараганда кўпроқ яқка тартибда қарз олувчилар билан ишлайди. Банк қарздорларни қарзлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажаришга рағбатлантирадиган механизмлардан фойдаланади. Масалан, ҳар ойлик тўловга кўшимча равишда 25% лик улуш тўлаш мажбурияти юклатилиб, у қарз олувчининг жамғарма ҳисобварақларида тўпаланиб боради. Агар мижоз қарз бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажарган бўлса, бу сумма кредит даври охирида қарз олувчига қайтарилади. Акс ҳолда ундан ёзиб бориладиган пеня ва жарималар суммаси чегириб ташланади.

*Бошқариш усули.* Хатарни бошқаришнинг оқилона стратегияси қўлланилди. Бу стратегия гаров таъминотини талаб қилишни, кредитни оқилона баҳолашни, мониторингни ва талаблар бажарилишини мажбуран таъминлашни, захиралар билан адекват тарзда таъминлашни, шунингдек хатарни диверсификациялашни тақозо этади. Операциялар таркиби оддийлиги ҳамда бўлимлар катта эмаслиги туфайли кўшимча харажатларни наст даражада сақлаб туришга муваффақ бўлинди.

Кредитларга бўлган катта талабни сафарбар этилган маҳаллий жамғармалар ҳисобига қондириш мумкин деган ишончга асосланиб, қишлоқ молиявий воситачиларнинг ўзини ўзи таъминлайдиган тармоғи ташкил этилди. ЮД бўлимлари алоҳида молиявий танкилотлар деб ҳисобланди ва уларнинг оладиган фойдасига қараб баҳоланди. Бу эса улар юксак даражада маъсулият ҳис қилишини таъминлади. ИБР бўлимлари мониторинг ва умумий раҳбарликни амалга оширди (уларни эса, ўз навбатида, минтақавий бошқармалар назорат қилди). ИБРнинг марказий бошқармасидаги ЮД бўйича бизнес-бўлимга ЮД фаолиятининг самарадорлигини мониторинг қилиб турди.



**Мижозлар.** ИБР бозорни тадқиқ қилиб, қишлоқ аҳолиси орасида молиявий жамғарма хизматларига жуда катта талаб мавжудлигини аниқлади. Қишлоқ аҳолиси ишончли, қулай ва осон етишиш мумкин бўлган, юқори ликвидли ва фойдали хизматларга муҳтож. Унинг назарида ИБР анча ишончли банк эди, чунки у давлат банки. Шундай қилиб, жамғарма хизматларини ишлаб чиқиш вақтида ИБР эътиборни қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжини қондиришга, ликвидлик ва фойда олишга қаради. Бозорни тадқиқ қилиш натижасида мижозлар тўғрисида олинган конкрет ахборот жамғарма хизматларини ишлаб чиқиш ва реклама хабарларини тайёрлаш вақтида ҳисобга олинди.

Бўлажак омонатчилар стратегик тадқиқ қилинди, молиявий воситаларга бағишлаб фаол реклама кампанияси ўтказилди. Бўлажак мижозлар эса хизматларда фойдаланиш имконияти ҳақида шахсан хабардор қилинди. Қишлоқларнинг ва қишлоқ жамоаларининг сардорлари билан социал алоқалар ўрнатилди. Лотерея қишлоқ аҳолиси орасида жуда кенг тарқалган тадбир бўлиб чиқди. У жамғариш хизматларига эътиборни жалб қилибгина қолмасдан, шу билан бирга янги мижозлар билан алоқа ўрнатишга ҳам имкон берди.

<b>Микромолиялашнинг асосий манбалари</b>		
	<b>Афзалликлари</b>	<b>Камчиликлари</b>
Ноҳукумат ташкилотлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳўжаликларнинг пул топиш стратегиясидан хабардорлик.</li> <li>• Мақсад гуруҳининг молиявий аҳолидан хабардорлик</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кредитларни самарали бошқариш учун профессионал кўникмалар ва бизнес маданиятининг етишмаслиги.</li> <li>• Чекланган мижозлар доирасига хизмат кўрсатиш.</li> <li>• Аҳолидан омонатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга эмаслик.</li> </ul>
Кредит уюшмалари ва кооперативлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бўлажак қарз олувчиларни баҳолашнинг анча самарали тизими, уларни мониторинг қилиш ва кредитларни қайтариб олиш.</li> <li>• Социал тазйиқ ва аъзо мижозлар ҳақида узил-кесил ахборот.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Қарз олувчилар доираси уюшма аъзоларининг сони билан чекланганлиги.</li> <li>• Кредитлар ҳамма вақт сўралаётган суммадан камлиги.</li> <li>• Фақат эски кредитларни қайтариб бўлгандан кейин янги кредит олиш мумкинлиги.</li> <li>• Профессионал бошқаришнинг етишмаслиги ва асоссиз дўстона муносабатлар бўлиши мумкинлиги.</li> <li>• Кредитлар бўйича юқори ставкалар.</li> </ul>
Банклар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ишончли ва барқарор ташкилотлар сифатида аҳоли ишончига сазовор.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Микромолиялаш бўйича махсус департаментлар ташкил этишга катта харажатлар қилинади.</li> </ul>

<b>Чиқимларни камайтириш ва хатарларни бошқариш стратегиялари</b>				
<b>Чиқимларни камайтириш</b>		<b>Хатарларни бошқариш</b>		
Қарз турларини ва қарз беряп тадбирларини стандартлаштириш	Бор йўти бир нечта юқори даражада стандартлаштирилган қарз турларини тақриф қилиш йўли билан операцияларни соддалаштириш. Қарзлар катта эмас ва асосан бир неча ҳафта ёки ойга берилади	Мақсадли мижозлар	Шаҳарли мижозларни мўлжаллаш.	Уларда бизнесни муваффиқли юритиш тароитлари анча яхши.
			Молиявий ва савдо фаолиятини мўлжаллаш.	Бу фаолият турлари катта айланмага ва доимий даромадга эга.
			Тажирибали микротадбиркор – қарз олувчиларни таплаш.	Бу тадбиркорлар келгусида муваффақиятли бўлиш учун кўпроқ имкониятга эга.
Офис ходимларининг (loan officers) иш унуми	Ҳар бир ходим 200-300 тадан қарз олувчига хизмат кўрсатади. Хизмат кўрсатиладиган мижозлар сонига ва қарзлар портфелининг сифатига қараб, ходимларга бонуслар бериш кепг қўллапилади.	Гуруҳни ва якка тахсени молиялаш.	Марказ тасарруфидан чиқарилган бўлимлар тармоғи.	Мижозларга яқинлик уларнинг ишончини оширади ва масъулият ҳиссини кучайтиради.
			Гуруҳ асосида молиялаш	Кредитлашининг бу шакли камроқ чиқим билан кўпроқ мижозларга хизмат кўрсатиш имконини беради.
			Якка тартибда молиялаш.	Контрагентлар ўргасидаги қалип муносабатлар ўзаро ишончини оширади ва кредитни тўламаслик хатарини камайтиради.

1. <b>Ўруҳни молиялаш</b>	Кредитор кооперативлар ёки қишлоқ банклари ваби коллектив бирлашмаларни молиялайди. Коллектив ичидаги якка қарз олувчиларда кредитор олдида умумий мажбуриятлар пайдо бўлади.	Молиялаш талаблари на шартларини белгилаш.	Мулкни омонатга қўйиш	Қарз олувчининг ўз маблағларини ишга соляши унинг муваффиқлиги яқундан маънафатдорлигини оширади.
			Қарзни қайтариш қобилиятини баҳолаш.	Кредитлашнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш учун барча даромад манбалари ва хаража глар таркиби ўрганилади.
			Қарзни қайтариш схемаси.	Кредитни қайтариш бўйича белгиланган график қисқа – ҳафталик ёки ойлик бўлиб, бу доимий мониторинг қилиш имконини беради.

Якка тартибда молиялаш	Кредиторлар бўлажак қарз олувчиларнинг нақд пуллари айланишини ўрғанадилар, кредит тарихларини текширадилар. Мижоз ҳақида фақат бирламчи ахборот тўплашгична харажат талаб қилади, кейинчалик бу ахборотдан кўп марта фойдаланилади ва шу тариқа умумий чиқимлар камайтирилади.	Қарз учун гаровлар ва қайтариб берилган рағбатлантириш	Қарз учун гаровлар.	Қарзни гаров билан таъминлаш учун бирон-бир мулк олинади.
		Қарз портфелларини бошқариш.	Тўловларни рағбатлантириш	Навбатдаги кредитни фақат олдингиси тула қайтарилганидан кейин олиш мумкин. Бу қарзга ўз вақтида хизмат қилишни рағбатлантиради.
			Бошқаришнинг ахборот тизимлари.	Кредитларнинг компьютерлаштирилган ва интеграцияланган ҳисобини юритиш қарзлар қайтариб берилмас-лигини кўрсатувчи овозна хатарларга ҳам ўз вақтида мўпосабат билдириш имконини беради.
Марказдан мустақил равишда қарорлар қабул қилиш.	Муваффақиятли кредиторлар ўз ваколатлари ва масъулиятларини қўйи воқоалар ихтиёрига топширади.			

## ҚАРОР

Ўзбекистон Республикасида микромолиялашни янада ривожлантириш  
чора-тадбирлари тўғрисида

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш, республикада таркибий ва институциявий ислохотларни амалга оширишга ёрдам берадиган кўп сегментли молия бозорини шакллантириш, шунингдек устувор ижтимоий вазифаларни ҳал қилишда микромолиялашнинг ролини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Аппқлаб қўйилсинки, микромолиялаш қайтариб бериш, ҳақ тўлаш ва муддатлилик шартлари асосида битта қарз олувчига уч минг АҚШ долларига эквивалент суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда микрокредитлар ва битта лизинг олувчига ўнг минг АҚШ долларигача бўлган суммага эквивалент миқдорда микролизинг бериш, шунингдек аҳоли даромадларини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг жамғармалари ва инвестицияларини рағбатлантириш мақсадида консалтинг хизматлари кўрсатиш воситасида амалга оширилади.

Микромолиялашнинг ушбу шартлари ва талаблари тижорат банклари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларини, яқка тадбиркорларни ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини микрокредитлаш тартибига тааллуқли амас.

2. Белгилаб қўйилсинки,

микромолиявий ташкилот кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига ва даромадлар даражаси past бўлган аҳолига микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун юридик шахс сифатида ташкил этилади:

микромолиявий ташкилот:

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти тарзида,

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлмаган микрокредит ташкилоти тарзида,

нотижорат микрокредит ташкилоти тарзида ташкил этилади.

Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида давлат рўйхатидан ўтади ва фаолият кўрсатиш учун лицензия олади.

Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлмаган микрокредит ташкилоти ва нотижорат микрокредит ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ҳисоб рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома оладилар.

3. Қўйдагилар тасдиқлансин:

Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва фаолиятиги лицензиялан тартиби тўғрисида Низом, 1-иловага мувофиқ;

Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлмаган микрокредит ташкилотлари ва нотижорат микрокредит ташкилотлари ҳисоб рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома бериш тартиби тўғрисида Низом, 2-иловага мувофиқ.

4. Аниқлаб қўйилсинки, микрокредитлар нақд пул шаклида ва/ёки нақд бўлмаган шаклда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида берилади.

Микромолиявий ташкилотларга микромолиялашни амалга ошириш учун банклардаги ўз ҳисобварақларида турган маблағлари доирасида зарур миқдордаги нақд пул маблағларини белгиланган тартибда биринчи талаб билан оқ олиш ҳуқуқи берилин.

Микромолиявий ташкилотлар нақд пул маблағлари билан операцияларни Марказий банк тасдиқлаган ва Адлия вазирлиги 1998 йил 17 декабрда 565-рақам билан рўйхатга олган Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига мувофиқ амалга оширадилар.

Банкларга микромолиявий ташкилотлар билан биргаликда кассалардаги қолдиқ лимитларини ва нақд пул шаклида микрокредитлар беришнинг прогноз ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда нақд пулда фойдаланиш меъёрини белгилаш тавсия этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, микрокредитлар ва микролизинг бериш тартиби ва тадбири микромолиявий ташкилотларнинг ўзлари томонидан белгиланади. Шу билан бирга микромолиявий ташкилотлар қарз оловчилар билан контрактлар имзолангунча уларга микрокредитлар ва микролизингни қайтариш муддатлари ва графикалари, фоизлар ва воситачилик ҳақлари суммаларини шакллантириш, шунингдек, агар мавжуд бўлса, бошқа хизматларнинг баҳоси ҳусусида батафсил ахборот беришлари шарт.

6. Аниқлаб қўйилсинки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон тадбиркор аёллар ассоциацияси мўлжалланаётган муассислар мурожаати асосида микромолиявий ташкилотларни тузиш ва ривожлантириш, шу жумладан уларнинг кадрлар соҳасидаги ва институтциявий салоҳиятини ошириш юзасидан ёрдам беришга ҳақли.

7. Микромолиявий ташкилотлар бухгалтерия, статистика ва бошқа турдаги ҳисоботларни содалаштирилган тартибда турилади.

Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда микромолиявий ташкилотлар томонидан ҳисобот топширишнинг содалаштирилган тартибини ишлаб чиқсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тижорат банклари капиталининг етарлилиги коэффициентини белгилаш чоғида хатарни ҳисобга олиб баҳоланган активлар умумий суммаси ҳисоб-китобига банкларнинг микроолияявий ташкилотларга берган кредитларини хатар даражаси ўртача бўлган активлар сифатида киритиш тавсия этилсин.

9. Микроолияявий ташкилотлар:

микроолияялашдан олинган даромадлар бўйича даромад (фойда) солиғи тўлашдан 2009 йил 1 январга қадар озод қилинсин, улар бўшатиб олинадиган маблағлардан операция харажатларини қоплаш, ўз моддий-техникавий базаларини ривожлантириш, шунингдек микроолияялашни ҳамда уставда белгиланган фаолиятни янада ривожлантириш учун фойдалансин;

микрокредитлар ва микролизинг берганлик учун қўшилган қиймат солиғидан озод қилинсин.

10. Ушбу қарор чиққан пайтда ишлаб турган микроолияявий ташкилотлар қарорда белгилаб қўйилган тартибда қайтадан рўйхатга олиш учун уч ойлик муддатда зарур ҳужжатларни тақдим этсин.

11. Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2005 йил охиригача бўлган муддатда «Ўзбекистон Республикасида микроолияялаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва муҳокамага киритсин.

12. Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчаларни киритиш ҳақида ўз таклифларини киритсин.

13. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф.М. Муллажанов зиммасига юклатилсин.

## **АҲОЛИ ДЕПОЗИТЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ВА ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

### **НИЗОМ**

Ушбу Низом «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Айрим фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилаб беради.

#### **I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР**

1. Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилган, Марказий банкдан юридик ва жисмоний шахсларнинг айрим тоифаларига ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар, шу жумладан донор ташкилотлар, халқаро ва маҳаллий молиявий ташкилотлар, бошқа юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан, шунингдек аҳоли омонатларини жалб этиш ҳисобидан микрокредитлар ва микролизинг бериш, консалтинг хизматлари кўрсатиш ҳуқуқини берувчи лицензия олган ихтисослашган молия-кредит муассасасидир.

2. Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотлари давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомини олади. Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотининг фаолияти лицензия асосида амалга оширилади.

3. Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рўйхатдан ўтказиши ва айни вақтда уларга лицензиялар беради.

4. Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотларининг фаолиятини амалга ошириш учун лицензия чексиз муддатга берилади.

5. Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотлари фаолиятини амалга ошириши учун лицензия бериш, лицензияни тўхтатиш, бекор қилиш, тўхтатиб туриш ёки амал қилишини қайта тиклаш ҳақидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувиининг қарори билан расмийлаштирилади.

6. Лицензияни бошқа юридик шахсга бериш тақиқланади.



## **II. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТИШ ВА ЛИЦЕНЗИЯ ОЛИШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР**

7. Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда лицензия олинган учун Марказий банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун рўйхатдан ўтказиш ҳақида ариза;

б) муассислар умумий йиғилишининг аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотини тузиш ҳақидаги баённомаси;

в) аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотининг устави ёки низоми;

г) аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти фаолиятининг бизнес-режаси;

д) муассислар рўйхати, унда қуйидагилар кўрсатилади;

– jisмоний шахслар учун:

фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт маълумотлари, турар жойининг почта манзили, телефонлар;

машгулот тури, иш жойи, лавозими (агар ишласа);

– юридик шахслар учун:

тўла номи, почта манзили ва телефонлари, тўлов реквизитлари.

Ҳамма муассислар учун (jisмоний шахслар ҳам, юридик шахслар ҳам) ариза берилгунча ўтган охириги беш йилда суд ёки давлат назорат органлари томонидан бу шахсларга нисбатан қўлланилган ҳар қандай ҳуқуқий жазо чоралари ҳақидаги ахборот тақдим этилади;

е) нақд пул маблағлари сақланишини таъминлайдиган ускуналанган касса хоналари ва аҳоли депозитларини қабул қилиш учун тегишли шароитлар мавжудлигини тасдиқлайдиган маълумотлар. Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотлари касса хоналарининг техникавий мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-сигнализация воситалари билан ускуналанганини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 17 декабрда 565-рақам билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларларини амалга ошириш қоидалари» талабларига жавоб бериши керак;

ж) рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати.

Ушбу ҳужжатлар рўйхати узил-кесилдир. Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

8. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар ариза берувчи томонидан Марказий банкка ёки унинг ҳудудий бўлинимасига бевосита етказиб берилади ёки почта алоқаси воситалари орқали улар топширилганлиги ҳақида хабар бериш шарти билан юборилади.

9. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун нотўғри ёки бузилган маълумотлар берган тақдирда ариза топширувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

### **III. РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ЙИГИМИ**

10. Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун қонун билан белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида йигим ундирилади.

Аризани кўриб чиққанлик учун йигим суммаси Марказий банкнинг маҳсуе ҳисобварағига ўтказилади.

11. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида ариза берувчи ўз ҳужжатлари кўриб чиқиладиган даврда аризасидан воз кечган тақдирда тўланган йигим суммаси қайтариб берилмайди.

12. Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган тақдирда рўйхатдан ўтказиш учун тўланган йигим Марказий банк томонидан 3 кун ичида қайтариб берилади.

### **IV. АҲОЛИ ДЕПОЗИТЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИНИНГ РАҲБАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

13. Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотининг раҳбарига қўйидаги малака талаблари қўйилади:

олий маълумотли бўлиш;

молия соҳасида камида 3 йиллик иш стажига эга бўлиш;

иш соҳасида бепуқсон обрўга эга бўлиш.

14. Ушбу Низом мақсадлари нўқтай назаридан қўйидаги шахслар иш соҳасида бепуқсон обрўга эга эмас деб ҳисобланадилар:

суд тайинлаган муддат давомида корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу давозимни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар;

кредит-молия ташкилотларининг, улар кенгашлари, ижро этувчи органлари кредит қўмиталари ёки тафтиш комиссияларининг собиқ раҳбарлари ва аъзолари, башари суд маъкур ташкилотлар ушбу шахсларнинг нотўғри ҳагги-ҳаракатлари натижасида банкрот бўлганлигини аниқлаган бўлса;

ҳагги-ҳаракатлари билан бошқа кредит-молия ташкилотларига молиявий зарар ва иш соҳасидаги обрўсига зиён етказган шахслар, агар буни суд аниқлаган бўлса.

## **V. АҲОЛИ ДЕПОЗИТЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ**

15. Давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия олиш учун топширилган ариза барча зарур ҳужжатлар билан бирга Марказий банк томонидан ариза ва зарур ҳужжатлар тушган кундан бошлаб 30 календар кун ичида кўриб чиқилади.

16. Марказий банк тақдим этилган ҳужжатларни ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқади.

17. Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотини рўйхатдан ўтказиш билан бир вақтда унга аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи берилганлиги ҳақида ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда лицензия топширилади.

18. Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти лицензия берилган пайтдан бошлаб бир йил ичида ўз фаолиятини амалга оширишга киришиши керак.

19. Лицензия олинганидан кейин Марказий банк аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотини унинг фаолиятини тартибга солувчи зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлайди.

20. Ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ва унга лицензия берилганлиги ҳақидаги билдиришнома тегинли қарор қабул қилинганидан кейин 3 кун ичида ариза берувчига ёзма равишда юборилади.

21. Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти сифатида фаолият кўрсатиш учун берилган лицензия ташкилот давлат рўйхатидан ўтганлигини, юридик шахс мақомини ҳамда аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқини олганлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

22. Марказий банк қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олган юридик шхси расмийлаштиради:

рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза (илтимоснома);

муассислар умумий йиғилишининг баённомаси;

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотининг устави; уставнинг титул varaғига ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида белги қўйилиб, Марказий банкнинг ваколатли мансабдор шахси имзо чекади, у Марказий банк муҳри билан тасдиқланади;

Марказий банк Бошқарувининг аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда унга лицензия бериш ҳақидаги қарори;

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти ўз фаолиятини амалга ошириши учун лицензия.

23. Юридик иш Марказий банк томонидан уч нусхада расмийлаштирилади:

бир нусхаси аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотининг раҳбарига тилхат билан топширилади;

бир нусхаси Марказий банкда сақланади;

бир нусхаси Марказий банкнинг аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти жойлашган ердаги Бош ҳудудий бошқармасига юборилади.

24. Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берганлик учун давлат пошлинаси ундирилади:

давлат пошлинаси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорига ундирилади;

давлат пошлинаси республика бюджетга даромадига қўшилади.

#### **IV. АҲОЛИ ДЕПОЗИТЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШНИ ВА УНГА ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИШНИ РАД ЭТИШ**

25. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидаги ҳолларда:

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотини рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар рўйхат бўйича тўлиқ тақдим этилмаган;

устав ва бошқа тақдим этилган ҳужжатлар қонун ҳужжатларига мос келмаган;

давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузилган маълумотлар бўлган, шунингдек бизнес-режа асоссиз бўлган;

бир ёки бир нечта муассис-юридик шахсининг молиявий аҳволи қониқарли бўлмаган тақдирда аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишни ва лицензия беришни рад этиши мумкин.

26. Давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия беришни рад этиш ҳақидаги билдиришнома ёзма шаклда, рад этиш сабабларини ҳамда ариза берувчи кўрсатиб ўтилган сабабларни баргараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишни мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда 3 кун ичида ариза берувчига юборилади.

27. Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишни ва лицензия беришни рад этиш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят бериш мумкин.

28. Хужжатларни такрор кўриб чиқиш Марказий банк томонидан ариза берувчидан ҳамма зарур хужжатлар олинган кундан бошлаб 10 кун ичида амалга оширилади.

## **VII. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АҲОЛИ ДЕПОЗИТЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БОРАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ**

29. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молиявий операцияларни амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот юритишнинг аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотлари учун мажбурий бўлган қоидаларини белгилайди.

30. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотларининг ҳисоботларини ва бошқа ҳужжатларини текширади;

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотларининг фаолияти ҳақида ахборот олиб туради;

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотларининг фаолиятини текширади;

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотларига улар фаолиятида аниқланган қонунбузарлик ҳолларини бартараф қилиш ҳақида бажариш мажбурий бўлган кўрсатмаларни беради;

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотларининг раҳбарларига қўйиладиган малака талабларини белгилайди;

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотларининг ишини вақтинча ва бутунлай тўхтатади ҳамда лицензиясини бекор қилади.

## **VIII. ЛИЦЕНЗИЯНИ ВАҚТИНЧА, БУТУНЛАЙ ТЎХТАТИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ**

31. Марказий банк аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотининг лицензияси амал қилишини қуйидаги ҳолларда вақтинча тўхтатиши мумкин.

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти ушбу Низом ҳамда Марказий банкнинг бошқа норматив ҳужжатларидаги талаблар ва шартларни бузган ҳоллар аниқланганида;

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти Марказий банкнинг аниқланган қонунбузарликларни бартараф этишга мажбур қилувчи кўрсатмаларини бажармаганида.

Лицензиянинг амал қилишини вақтинча тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинган, у Марказий банк томонидан асослаган ҳолда Ўзма равишда кечи билан уч кундан кейин аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотига етказилади.

Марказий банкнинг лицензиянинг амал қилишини вақтинча тўхтатиш ҳақидаги қарори устидан судга шикоят берилиши мумкин.

Марказий банк лицензиянинг амал қилиши вақтинча тўхтатилишига сабаб бўлган ҳолатларни лицензия эгаси томонидан бартараф этиш муддатини белгилаш шарт. Мазкур муддат олти ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти лицензиянинг амал қилиши вақтинча тўхтатилишига сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этган тақдирда, Марказий банк тасдиқловчи ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддатда лицензиянинг амал қилишини қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

### 32. Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда бутунлай тўхтатилади.

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ҳақида ариза билан мурожаат қилса;

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти тугатилса, тугатилган ёки фаолияти тўхтатилган пайтдан бошлаб;

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти янгидан тузилса, янгидан тузилган пайтдан бошлаб; ташкилотни ўзгартириш бундан мустасно;

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти ушбу Низомда ва Марказий банкнинг бошқа норматив ҳужжатларида назарда тутилган талаблар ва шартларни бузса, хусусан:

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти тўловга қобилиятсиз бўлиб қолса, яъни омонатчилар ва бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажаришга қурби келмай қолса;

ҳисобот маълумотларини мунтазам равишда бузса;

лицензия берилишига асос бўлган маълумотлар нотўғрилиги аниқланса;

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти лицензиянинг амал қилиши вақтинча тўхтатилишига сабаб бўлган ҳолатларни Марказий банк белгилagan муддатда бартараф этмаган бўлса.

Лицензиянинг амал қилиши суд қарори билан ҳам бутунлай тўхтатилиши мумкин.

Лицензиянинг амал қилиши тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб бутунлай тўхтатилади.

33. Лицензия Марказий банк томонидан қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти лицензияни бекор қилиш ҳақида ариза билан мурожаат қилганида;

лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланиб олинганлиги аниқланганида.

Лицензия суд қарори билан ҳам бекор қилиниши мумкин.

Бекор қилиш ҳақидаги қарор лицензия берилган кундан бошлаб амал қилади.

### **IX. АҲОЛИ ДЕПОЗИТЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ КИТОБИНИ ЮРИТИШ**

34. Марказий банк аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш китобини юритади, унда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотининг номи ва унинг жойлашган ери (почта манзили), ташкилот тўғрисидаги асосий маълумотлар (раҳбар ва бош бухгалтер Ф.И.П., телефон номери, банк ҳисоб varaғи ва бошқалар);

давлат рўйхатидан ўтказилган кун ва лицензия номери;

лицензияни қайта расмийлаштириш, амал қилишини вақтинча тўхтатиш ва қайта тиклаш асоси;

лицензиянинг амал қилишини бутунлай тўхтатиш асоси ва сабаби;

солиқ тўловчининг идентификация номери;

бошқа маълумотлар.

Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотини оидлат рўйхатидан ўтказиш ва фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомга  
Илова

Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти фаолият кўрсатиши учун

## ЛИЦЕНЗИЯ № \_\_\_\_\_

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги қарори билан аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти бўлиши \_\_\_\_\_

(аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотининг тўлиқ номи)

(почта манзили ва бошқа реквизитлар)

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Ушбу лицензия чекланмаган муддат давомида амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўтрисида» ва «Дйрим фаолият турларини лицензиялаш тўтрисида»ги қонунларда кўзда тутилган ҳолларда ушбу лицензиянинг амал қилишини вақтинча тўхтатиши, бутунлай тўхтатиши ёки уни бекор қилиши мумкин.

Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилоти Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотларини рўйхатта олиш Давлат китобига 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақам билан киритилди.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
раисининг ўринбосари

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_  
(М.Ў.) (имзо)

Серия АА № 00000



**АҲОЛИ ДЕПОЗИТЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛМАГАН  
МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА НОТИЖОРАТ МИКРОКРЕДИТ  
ТАШКИЛОТЛАРИ ҲИСОБ РЎЙХАТИГА ОЛИНГАНЛИГИ ҲАҚИДА  
ГУВОҲНОМА БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

**НИЗОМ**

Ушбу Низом «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлмаган микрокредит ташкилотлари ва нотижорат микрокредит ташкилотлари (бундан буён маънада микрокредит ташкилотлари дейилади) ҳисоб рўйхатига олинганлиги ҳақида гувоҳнома бериш тартибини белгилайди.

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Қонун ҳужжатларида рухсат берилган ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилган, Марказий банкнинг ҳисоб рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳномасини олган ҳамда юридик ва jisмоний шахсларнинг айрим тоифаларига фақат ўз маблағлари, хусусий донорлар ва донор ташкилотлар, маҳаллий ва халқаро молия институтларининг, аҳоли омонатларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлмаган бошқа юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан микрокредит ва микролизинг берадиган, шунингдек консалтинг хизматлари кўрсатадиган ихтисослашган кредит муассасаси микрокредит ташкилоти бўлади.

Нотижорат микрокредит ташкилоти ўз фаолиятдан олган фойдани ўз муассислари ва иштирокчилари ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга эмас ва фойдани ўз устав мақсадларини амалга оширишга йўналтиради.

2. Микрокредит ташкилотлари ҳисоб рўйхатига олинган пайтдан бошлаб микромолиялаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Микрокредит ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоб рўйхатига олади.

**II. ҲИСОБ РЎЙХАТИГА ОЛИШ УЧУН ТАҚДИМ  
ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР**

3. Микрокредит ташкилотини ҳисоб рўйхатига олиш учун Марказий банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) микрокредит ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун рўйхатга олиш ҳақида ариза;

б) муассислар умумий йигилишининг микрокредит ташкилотини тузиш ҳақидаги баённомаси (муассис биттадап ортиқ бўлган тақдирда);

в) микрокредит ташкилотининг устави ёки низоми;

г) микрокредит ташкилоти фаолиятининг бизнес-режаси;

д) муассислар рўйхати, унда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

– жисмоний шахслар учун:

фамилияси, исми, шарифи, паспорт маълумотлари, турар жойининг почта манзили, телефонлари;

– юридик шахслар учун:

тўлиқ номи, почта манзили ва телефонлар, гулов реквизитлари.

е) ускуналанган, нақд пул маблағлари сақланишини таъминлайдиган касса хоналари мавжудлигини тасдиқлайдиган маълумотлар. Микрокредит ташкилотлари касса хоналарининг техникавий мустаҳкамдиги ва қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланиши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1998 йил 17 декабрда рўйхатга олган 565-сонли «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини олиб бориш қоидалари» талабларига мос бўлиши шарт.

ж) рўйхатга олиш йиғими тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати.

Ушбу ҳужжатлар рўйхати узил-кесилдир. Ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

4. Ҳужжатлар ҳисоб рўйхатига олиш ҳақида ариза берувчи томонидан бевосита Марказий банкка ёки унинг ҳудудий бўлинимасига топширилади ёки почта алоқаси воситалари орқали ҳужжатлар олингани ҳақида хабар бериш шarti билан юборилади.

5. Ҳисоб рўйхатига олиш учун нотўғри ёки бузилган маълумотларни тақдим этганлик учун ариза берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

### III. РЎЙХАТГА ОЛГАНЛИК УЧУН ЙИГИМ

6. Микрокредит ташкилотини ҳисоб рўйхатига олганлик учун ариза берилган кунга қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган энг кам йиғ ҳақининг бир баравари миқдорда йиғим ундирилади.

Аризани кўриб чиққанлик учун олиннадиган йиғим суммаси Марказий банкнинг махсус ҳисобварағига киритиб қўйилади.

7. Ҳисоб рўйхатига олиш ҳақида ариза берувчи берган аризасидан ўз ҳужжатлари кўриб чиқилаётган даврда воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

8. Микрокредит ташкилотини рўйхатга олиш рад этилган тақдирда Марказий банк тўланган рўйхатга олиш йиғимини 3 кун ичида қайтаради.

#### **IV. МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ**

9. Ҳисоб рўйхатига олинган ҳақидаги ариза барча зарур ҳужжатлар билан бирга Марказий банк томонидан ариза ва зарур ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб 15 календар кун ичида кўриб чиқилади.

10. Рўйхатга олинганлик ҳақидаги билдиришнома ариза берувчига тегишли қарор қабул қилинганидан сўнг 3 кун ичида тоборилади.

11. Микрокредит ташкилоти ушбу Низом иловасига мувофиқ шаклда ҳисоб рўйхатига олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома рўйхатдан ўтганликни ҳамда микромолиялаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир.

12. Марказий банк юридик ишни расмийлаштиради, у қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олади:

рўйхатга олиш ҳақида ариза (илтимоснома);

муассислар умумий йиғилишининг баённомаси;

микрокредит ташкилотининг устави; унинг титул варағига микрокредит ташкилоти ҳисоб рўйхатига олинганлиги ҳақида белги қўйилиб, Марказий банкнинг ваколатли мансабдор шахси имзо чекади ва Марказий банк муҳри босилади.

13 Юридик иш Марказий банк томонидан уч нусхада расмийлаштирилади:

бир нусхаси микрокредит ташкилотининг раҳбарига тилхат билан топширилади;

бир нусхаси Марказий банкда сақланади;

бир нусхаси Марказий банкнинг микрокредит ташкилоти жойлашган ердаги Бош ҳудудий бошқармасига тоборилади.

#### **V. МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИНИ ҲИСОБ РЎЙХАТИГА ОЛИШНИ РАД ЭТИШ**

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки микрокредит ташкилотини ҳисоб рўйхатига олишни қуйидаги ҳолларда рад этиши мумкин:

микрокредит ташкилотини рўйхатга олиш учун керак бўладиган ҳужжатларни тўлиқ рўйхат бўйича тақдим этмаслик.

устав ва тақдим этилган бошқа ҳужжатларнинг қопун ҳужжатларига мос келмаслиги;

рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузилган маълумотлар мавжудлиги.

15. Ҳисоб рўйхатига олиш рад этилганлиги ҳақидаги бидирришнома ариза берувчига 3 кун ичида ёзма равишда, рад этиш сабабларини ҳамда ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, такрор кўриб чиқиш учун ҳужжатлар тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда юборилади.

16. Микрокредит ташкилотини ҳисоб рўйхатига олишни рад этиш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.

17. Марказий банк ариза берувчидан ҳамма зарур ҳужжатларни олган кундан бошлаб 5 кун ичида ҳужжатларни такрор кўриб чиқади.

## **VI. ҲИСОБ РЎЙХАТИГА ОЛИНГАНЛИК ҲАҚИДАГИ ГУВОҲНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

18. Микрокредит ташкилоти ҳисоб рўйхатига олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

микрокредит ташкилоти ҳисоб рўйхатига олинганлик ҳақидаги гувоҳномани бекор қилиш тўғрисида ариза билан муурожаат этганида;

микрокредит ташкилоти тугатилганида;

микрокредит ташкилоти қайта ташкил этилганида;

микрокредит ташкилоти амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган талаблар ва шартларни бузганида, хусусан:

микрокредит ташкилоти тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганида, яъни омонатчилар ёки бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажара олмайдиган бўлиб қолганида;

ҳисобот маълумотларини мунтазам равишда бузиб келганида;

ҳисоб рўйхатига олишга асос бўлган маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланганида.

Ҳисоб рўйхатига олинганлик ҳақидаги гувоҳнома суд қарори билан бекор қилиниши мумкин.

## **VII. МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЕСТРИНИ ЮРИТИШ**

19. Марказий банк микрокредит ташкилотлари реестрини юритади. Унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

микрокредит ташкилотининг номи ва унинг жойлашган ери (почта манзили), ташкилот тўғрисидаги асосий маълумотлар (раҳбар ва бош бухгалтернинг Ф.И.Ш., телефон номери, банк ҳисобварағи ва бошқалар);

ҳисоб рўйхатига олинган сана;

гувоҳноманинг амал қилишини бекор қилиш асоси ва сабаби;

солиқ тўловчининг идентификация номери;

бошқа маълумотлар.

*Аҳоли депозитларини жалб этиш  
ҳуқуқига эга бўлмаган микрокредит  
ташкilotлари ва нотижорат микрокредит  
ташкilotлари ҳисоб рўйхатига олинганлиги ҳақида  
гувоҳнома бериш тартиби тўғрисидаги  
Низомга  
Илова*

Аҳоли депозитларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлмаган  
микрокредит ташкilotи ва нотижорат микрокредит ташкilotи  
ҳисоб рўйхатига олинганлиги ҳақида

**ГУВОҲНОМА № \_\_\_\_\_**

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
даги қарори билан микрокредит ташкilotи бўлиши

(микрокредит ташкilotининг тури (тижорат, нотижорат) кўрсатилган гўлиқ номи)

(почта манзили ва бошқа реквизитлар)

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ микромолиялаш  
фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Микрокредит ташкilotи микрокредит ташкilotлари реестрига

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақам билан киритилди.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
раисининг ўринбосари

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_  
(М.У.) (имзо)

Серия АА № 00000

## Иқтисодий тадқиқотлар маркази (ИТМ) ҳақида маълумот

Иқтисодий тақиқотлар маркази 1999 йилнинг апрелида БМТ Тараққиёт дастури ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг бевосита кўмагида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида тадқиқотлар ўтказиш ва лойиҳаларни амалга оширишга ихтисослашган асосий иқтисодий фикр маркази сифатида таъсис қилинган. Бошида макроиқтисодий масалаларни ўрганиш институти сифатида ташкил қилинган ИТМ охириги бир неча йил давомида ривожланишнинг кўриб чиқиладиган йўналишлари доирасини сезиларли даражада кенгайтириб, уларга иқтисодиётни реструктуризация қилиш, институционал ислохотлар, ижтимоий сиёсат масалалари, фуқаролик жамияти ривожини, глобализация ва хавфсизлик кабиларни ҳам қўшди. Бундан ташқари, ИТМ тадқиқотлар ўтказиш баробарида миллий салоҳиятни ошириш, жамоатчиликнинг ижтимоий-иқтисодий масалалардан хабардорлигини ошириш, ҳукумат, ишбилармон доиралар ва фуқаролик жамияти ўртасида ўзаро диалогни йўлга қўйиш кабилар бўйича ҳам ташаббусларни амалга оширади. Бугунги кунга келиб ИТМ томонидан иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш масалалари бўйича 90дан ортиқ ишлар тайёрланган.

Таҳлил ва тадқиқот ишлари ИТМ томонидан қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

иқтисодий ўсиш (моделлари, тузилмавий жиҳатлари);

фискал сиёсат (солиққа тортиш, бюджет харажатлари);

монетар сиёсат ва молия тармогининг ривожланиши;

халқаро савдо ва глобал иқтисодиётга интеграция;

ижтимоий-иқтисодий муаммолар (меҳнат бозори, камбағаллик, тенгсизлик ва унинг иқтисодий ўсишга таъсири);

билимлар иқтисодиёти;

ахборот-коммуникация технологиялари.

ИТМ тадқиқот натижаларига кўра маълумотлардан тапқари Ўзбекистон бўйича Инсон тараққиёти миллий маълумотларни тайёрлаш ва нашр қилишни амалга оширади, иқтисодиётни ислохотлар натижаларини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида «Экономическое обозрение» ([www.review.uz](http://www.review.uz)) ойлик журнални нашр қилади. Унда мамлакат ижтимоий иқтисодий ривожининг турли жиҳатлари ёритилади. Бундан ташқари ИТМ томонидан Хорижий матбуот лайджесги тайёрланиб, унда халқаро иқтисодиётдаги тамойиллар ёритилади. Шунингдек, ИТМ амалга оширилган лойиҳалар бўйича тақдимотлар ва конференциялар ўтказилади. Юқоридагилардан ташқари ИТМ доимий асосда янгиланиб турувчи ўз веб сайтыга эга -[www.cer.uz](http://www.cer.uz). Унда Марказ фаолияти, унинг лойиҳалари, ўтказиладиган тадбирларга доир баътафсил маълумотлар, шунингдек, ИТМ ташкил этилгандаг бошлаб Марказда тайёрланган маълумотлар на болиқалар жойлаштирилган. Ўз сайтдан ташқари ИТМ бошқа қуйидаги бир қатор сайтларни ҳам қўллаб-қувватлаб туради: [www.darvoza.uz](http://www.darvoza.uz), [www.cagateway.org](http://www.cagateway.org), [www.communityempowerment.uz](http://www.communityempowerment.uz), [www.microfinance.uz](http://www.microfinance.uz).

## ИТМ 2002-2004 йилларда тайёрланган маърузалар рўйхати

- 2004/06 Ўзбекистонда электрон ҳукуматни жорий қилиш ва маъмурий ислоҳот: ўзаро алоқаси ва таъсири
- 2004/05 Ўзбекистонда ҳокимият маҳаллий идораларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари
- 2004/04 Фермер хўжаликлари учун бозор инфраструктурасининг ривож
- 2004/03 Ўзбекистоннинг БСТ кўшилиши: молия хизматлари тармоғи учун мумкин бўлган таҳликалар
- 2004/02 Кооператив қишлоқ хўжалик корхоналарини (ширкатларни) фермерлик хўжаликларига айлантириш
- 2004/01 Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини молиялаштириш тизимини ислоҳ қилиш
- 2003/09 Камбағалликни қисқартириш соҳасида макроиқтисодий сиёсат
- 2003/08 Ўзбекистонда молиявий воситачилик даражасини ошириш\*
- 2003/07 Ўз. Р. ижро ҳокимияти марказий идораларини ислоҳ қилишнинг замонавий ҳолати ва асосий йўналишлари
- 2003/06 Рақобат муҳити ва антимонopol сиёсатининг асосий йўналишлари ва механизмлари
- 2003/05 Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўрта муддатли индикатив режаларини ишлаб чиқиш, таъкил қилиш ва методологиясига ёндошувлар
- 2003/04 Маҳаллий бюджетлар иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида: даромад базасини мустақамлаш ва марказий бюджет билан муносабатларни такомиллаштириш\*
- 2003/03 Япирин иқтисод ва банкдан ташқари оборотнинг сабаб ва оқибатлари таҳлили\*
- 2003/02 Ўзбекистон аҳолисининг тўлов қобилияти ҳажми ва таркиби\*
- 2003/01 Санациянинг самардорлиги ва қишлоқ хўжалик корхоналари банкротлигининг ўзига хосликлари \*
- 2002/08 Индикатив режалаштириш бўйича халқаро тажриба ва ундан фойдаланиш имкониятлари
- 2002/07 Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида инфляцияга қарши сиёсат\*
- 2002/06 Ўз. Р. иқтисодиётини молиялаштиришга сарфланаётган харажатларни оптимallashtiriш (сун хўжалиги мисолида)
- 2002/05 Пенсия тизимини такомиллаштириш ва Ўзбекистонда жамғариб бориладиган нодавлат пенсия жамғармаларини ташкил қилиш имкониятларининг таҳлили
- 2002/04 Ўз. Р. ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг тахмин қилишнинг амалдаги методларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш\*
- 2002/03 Банк ҳиссаларини кафолатлаш бўйича халқаро тажриба
- 2002/02 Таълимга сарфланаётган давлат харажатларини оптимallashtiriш
- 2002/01 Тадбиркорлик фаолиятини лицензиялашнинг трансакцион чиқимлари.

\* *Хизмат мақсадларида фойдаланиш учун*

---

---